

**БОГДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ: ПАКАНА ВА ЯРИМ ПАКАНА
(ИНТЕНСИВ) МЕВАЛИ БОҒЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ,
ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРЛАРДА
ЮҚОРИ ТАЛАБГА ЭГА БЎЛГАН, ЮҚОРИ ҲОСИЛДОР
УЗУМ НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ**





IFAD
INTERNATIONAL
FUND FOR
AGRICULTURAL
DEVELOPMENT

Халқаро қишлоқ
хўжалиги тараққиёти
жамғармаси (IFAD)



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ
ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида
Қишлоқ хўжалиги корхоналарини
таркибий қайта тузиш Агентлиги

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕВА-
САБЗОВОДЧИЛИК ТАРМОФИ РИВОЖЛАНИШНИ
ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ”ЛОЙИҲАСИ**

**“БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ: ПАКАНА ВА ЯРИМ ПАКАНА
(ИНТЕНСИВ) МЕВАЛИ БОҒЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ,
ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРЛАРДА ЮҚОРИ ТАЛАБГА
ЭГА БҮЛГАН, ЮҚОРИ ҲОСИЛДОР УЗУМ
НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ” БҮЙИЧА**

ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2016
«Tafakkur» нашриёти

УДК: 372.893(073)

КБК:74.266.3

Уибұ құлланма Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хұжалиги вазирилғы ҳузурида Қишлоқ хұжалиғи корхоналарини таркибий қайта тузыни Агентлиги буюртмаси ҳамда Халқаро қишлоқ хұжалиғи тараққиети жамгармаси (IFAD) молиявий күмаги асосида академик Маҳмуд Мирзаев номидаги бөгөдорчилік, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институты илмий ҳодимлари ва “Expert Info” МЧЖ мутахассислари томонидан тайёрланған.

Құлланмада интенсив мевали болгарни ташкел этиши ва агротехник тадбірлар ва уларнинг ҳусусиятлари, ички ва ташқы бозорларла юқори талабға әга бўлган янги ва истиқболли навларини яратиш, касалликлар ва зараркунандалар ҳамда уларга қарши кураш чоралари келтирилган.

Құлланма қишлоқ хұжалик мутахассислари, деҳқон, фермер хұжаликларига мұлжасалланған. Үндан олий ўкув юрти талабалари, бакалавр, магистрлари, аспирантлар, ёш олимлар фойдаланышлари мүмкін.

КБК:74.266.3

ISBN: 978-9943-24-109-1

© “Tafakkur” нашриёти, 2016 йил.

МУНДАРИЖА

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишида боғдорчилик ва узумчиликнинг ўрни ва аҳамияти	4
2. Пакана, ярим пакана пайвантаг гурухлари ва уларни худудларнинг тупроқ-иқлим шаротирига қараб танлаб олиш.....	12
3. Пакана, ярим пакана мева боғларини ташкил этиш учун қўйиладиган агротехник талаблар.....	36
5. Бог ва ток кўчатларини экиш учун майдонларни тайёрлаш ва уларнинг схемаси.....	74
6. Юқори ҳосилдор, бозорда талаб юқори бўлган узум навлари ва уларни худудлар бўйича жойлаштириш.....	98
7. Бог ва токзорларни мавсумий сугориш (сугориш усуслари, мавсумий сугоришнинг ўзгариши).....	103
8. Биологик ва кимёвий ҳимоя воситаларини қўллаган ҳолда бог ва токзорларни ҳимоя қилиш.....	107
Фойдаланилганадабитётлар.....	111

1. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишида боғдорчилик ва узумчиликнинг ўрни ва аҳамияти

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти даврида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни эса хом ашёга бўлган талабини қондириш ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги олдида турган энг муҳим долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда ва республикамиз хукумати бу соҳага катта эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чоратадбирлар тўғрисида” фармони ва қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигининг буйрук ва қарорлари бу соҳалар ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш, агросаноат фирмаларини ташкил қилиш ва мева-сабзавотчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди.

Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон худуди кўпгина қишлоқ хўжалик, шу жумладан мева ва узумнинг келиб чиқиш марказларидан бири ҳисобланади. Қадимдан бу худудда ўрик, қароли, олма, нок, гилос, писта, бодом, ёнғоқ, узум сингари мева экинларининг, сабзи, бодринг, пиёз каби сабзавот экинлари, қовун, тарвуз, қовоқ сингари полиз экинларининг қимматли маҳаллий навлари сақланиб қолган.

Мева ва узумни етишириш структураси ишлаб чиқилган бўлиб, уни жойларда амалга оширишга алоҳида аҳамият берилади. Чунки, бу тадбирларни амалга ошириш мева ва узум маҳсулотига бўлган халқ истеъмоли эҳтиёжи, қайта ишлаш корхоналари талаби ва экспортга маҳсулот чиқаришга бўлган талаблар билан маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг таклифлари ўргасидаги мутоносибликни таъминлайди.

Мева ва узумчилик қишлоқ хўжалигининг мураккаб ва қўп киррали соҳаси ҳисобланади. Мева ва резавор мева экинлари, узум турли тупроқ, иқлим ва агротехника шароитида ўстирилиб, уларнинг меваси турли мақсадларда янгилигича, куритилган ва қайта ишланган ҳолларда фойдаланилади.

Мева ва узумчилик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тармоғи сифатида асосий вазифаси аҳолини хўл мева ва узум, сано-

атни хом ашё билан таъминлашдан иборат. Мева ва узумчилик фан сифатида мева ва резавор-мева экинлари, узумнинг тузилиши, ўсиш, кўпайиш ва ҳосил бериш қонуниятларини, ташқи мухит омилларига муносабати ва биологиясини ўрганиш асосида юқори, сифатли ҳамда муттасил ҳосил олиш технологиясининг назарий асослари ва амалий усусларини ишлаб чиқишдан иборат.

Мевачилик ва боғдорчилик тушунчалари бир-бирига ўхшатилади. Аслида боғдорчилик кенг маънодаги тушунча бўлиб, мевачилик, узумчилик, цитрусчилик, резавор мевачилик, манзарали боғдорчилик ва гулчилик кабиларни ўз ичига олади.

Мева ва узумчилик халқ хўжалигидаги аҳамияти бениҳоя катта. Мева ва резавор-мевалар, узум таркибида одам организми учун зарур бўлган шакар, органик кислоталар, оқсиллар, ёғлар, ошловчи, пектин, ароматик моддалар, коллоидлар, минерал тузлар, ферментлар, витаминалар манбаи.

Мева ва узумнинг хуштальмлиги овқатнинг яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради. Кўп мевалар шифобахш хусусиятга эга бўлиб, организмнинг ҳимоя кучини сақлайди ва мустаҳкамлайди.

Мева ва резавор-мевалар, узумдан консерва, мураббо, пастила, повидло, шарбатлар ҳамда винолар тайёрланади. Уларнинг кўпчилиги куритилиб, ажойиб қуриқ мева ва узум маҳсулотлари (туршак, қоки, қайса, курага ва бошқалар) тайёрланади. Бу хилдаги қуритилган мева ва узумни узоқ сақлаш, мазаси ва тўйимлилик сифатига унчалик зарар етказилмаган ҳолда узоқ жойларга олиб бориш мумкин. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда аҳоли жон бошига кунига камида 330-400 г ёки йилига 115-120 кг мева, шундан 15 кг узум ва 10 кг резавор-мева етиширилиши керак. Ўзбекистон ўлка тиббиёт институти Республика аҳолисининг узум истеъмол килиш нормасини 25 кг га оширишни ва бунга кўшимча яна 10-11 кг қуритилган мевалар истеъмол қилишни тавсия қилади.

Лекин, бугунги кунда аҳоли жон бошига йил давомида 94 килограмм мева, шундан 12 килограмм узум ишлаб чиқарилмоқда. Бу кўрсаткич АҚШ, Италия, Испания, Франция каби мамлакатларда 120-230 килограммни ташкил этмоқда.

Мева ва узум истеъмол қилинишидан ташқари, баъзи турлари (зайтун дараҳт, ёнғоқ, бодом ва бошқалар) уруғидан озиқ-овқатда ишлана-

тиладиган ва техник мой, пўстлоги, барглари ҳамда меваси пўчоғидан танин (ёнғоқ, анор, тут дараҳтидан), шунингдек қимматбаҳо ўсимлик бўёклари (анор, пистадан) олинади. Ўрик данагидан тушь, ёнғоқ пўчоғидан эса фаоллаштирилган тиббиёт қўмири тайёрлашда фойдаланилади.

Баъзи мева дараҳтлари тури (ёнғоқ, ўрик, нок, хурмо ва бошқалар) дан қимматбаҳо буюмлар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ёғоч тайёрланади.

Мева дараҳтлари каналлар бўйига, йўллар, темир йўл магистраллари ёқасига экилади, улардан жарликларни мустаҳкамлашда, тупроқни эрозиядан саклашда, шунингдек, тоғ ёнбағирларини дараҳтзор қилишда ҳамда жарликлар ҳосил бўлиши олдини олишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Баланд ўсадиган мева дараҳтлари (ўрик, ёнғоқ, нок ва бошқалар) шамол тўсқич вазифасини ҳам ўтайди. Шунинг учун улар ўрмон дараҳтлари билан боғларни ҳимоя қилиш воситаси сифатида ҳам экиласди.

Бу хилдаги мева дараҳтлари аҳоли яшайдиган пунктларни кум ва қор кўчкиларидан саклайди. Деярли барча мева дараҳтлари асалчил бўлади.

Боғлардан кўп даромад олинади, ҳосил берадиган 1 гектар боғдан ўртача 1525-1780 минг сўмгача соф даромад олиш мумкин.

Йирик шаҳарлар, саноат марказларида, ҳаво кўпинча газ, чанг, зарарли микроорганизмлар билан ифлосланадиган жойларда мева дараҳтларининг ўрни жуда катта. Ўрмонда 1 м³ ҳаво таркибида 490 та бактерия бўлса, катта шаҳарлар ҳавосининг 1 м³ да 36000 та бактерия бўлади. Бир гектар боғдаги дараҳтлар ёзда кунига 8 кг карбонат ангидрид гази ютади, бунча газни эса 200 киши нафас олганда чиқаради. Битта ката дараҳт кунига 2 кг га яқин кислород ажратади. Тош йўллар ёқасидаги дараҳтлар ўткинчи автомашиналар чиқариш трубасидан ажраладиган карбонат ангидрид газининг 30% гача қисмини ютади.

Катта шаҳарлар ҳавосининг 100 м² майдонида ҳар ойда 1 кг га, Ботаника боғи бор жойда эса 300 г га яқин ифлосланган моддалар тўпланади. Шаҳарларда бир гектар ердаги дараҳтлар кунига ўртача 150 кг ёки йилига 54 т га яқин ҳаводаги чангни фильтрлайди. Дараҳт-

лар тагидаги ҳавода чангнинг ўртача концентрацияси очик жойдаги-га қараганда ёзда 40%, қишида эса 35-37% кам бўлади.

Ёзда яшил ўсимликлар экилган жойлардаги ҳарорат шаҳарнинг кўкаламзорлаштирилмаган жойлар билан таққосланганда 6-100С паст, ҳаво намлиги эса (транспирация туфайли) 30-40 % юқори бўлади.

Дараҳтларнинг барги тутунни ушлаб қолади, бу билан жойнинг ҳавосини соғломлаштиради. Дараҳт ва буталар шаҳарда шовқинни камайтиради, яъни 26 % ни ютиб, 74 % ни қайтаради, бу одам орғанизмига тинчлантирувчи восита сифатида таъсир этади.

Кўпгина мева ва узум ҳавога фитонцилар (учувчи кимёвий моддалар) ажратиб чиқаради, булар касаллик қўзгатувчи микроорганиzmларга ҳалокатли таъсир этади.

Баргларнинг яшил ранги, уларнинг турли-туман рангда бўлиши, гуллар, мевалар ва хушбўй хид ҳам нерв системасига тинчлантирувчи восита тариқасида таъсир этади, кайфиятни яхшилайди, одамнинг иш қобилиятини оширади. Яшил ўсимликлар ҳаво ионизациясига ва ультрабинафша нурларнинг кўпайишига яхши таъсир этади, бу эса одамнинг соғлиги учун фойдалиdir.

Мева ва узумчиликнинг эстетик аҳамияти ҳам кам эмас. Кўпгина дараҳтлар (Писард олхўриси, Недзвецкий олмаси, анор, шафтоли ва бошқалар) паркларга, бульварларга, бино деворлари ёнига манзарали ўсимлик сифатида экилса, баҳорда, гуллаш даврида, мевалари ғарқ пишган пайтда жуда бир ажойиб манзара ҳосил қиласди.

Шундай қилиб боғлар ҳавони тозалайди, яъни аҳоли яшайдиган пунктлар ҳавосини соғломлаштиради, одам энг яхши дам оладиган жой ҳисобланади. Улар одамлар кайфиятини, ҳаёт фаолиятини яхшилайди, табиатга муҳаббат уйготади. Шунинг учун ҳам ҳалқда “боғдорчилик - қишлоқ ҳўжалик поэзиясидир” деб бежиз айтилмаган.

Умуман, мевачилик ва узумчилик даромадли соҳа. Мева ва узум навлари ва турлари жойнинг тупроқ-иқлим шароитларига тўғри танланиб жойлаштирилса, тупроққа ишлов бериш ва ўсимликни парвариши билан боғлик барча агротехника ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилса мевачилик ўсимликшуносликнинг юқори рентабелли, иқтисодий кўрсаткичлари юксак тармоғига айланади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда ва узум ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошиб бормоқда. Республикада 2014 йилда боғдорчилик учун ажратилган ер майдони 262,5 минг гектарни ташкил этган, яъни 2005 йилга нисбатан 54,3 минг гектарга (26,1%)га ошган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистонда мева ва узум ишлаб чиқариш динамикаси

Маҳсулот турлари	Экин майдони, минг га			Хосилдорлик, ц/га			Ялпи ҳосил, минг тонна		
	2005 й.	2014 й.	2014 й да 2005 й га нисбатан ўсиш, %	2005 й.	2014 й.	2014 й да 2005 й га нисбатан ўсиш, %	2005 й.	2014 й.	2014 й да 2005 й га нисбатан ўсиш, %
Мева	208,2	262,5	126,1	62,3	117,2	188,1	949,3	2490,6	262,4
Узум	120,7	129,0	106,9	64,7	121,5	187,8	641,6	1441,2	224,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосидан муаллиф томонидан ҳисобланган.

Мева ишлаб чиқариш 2014 йилда 2005 йилга нисбатан 2,6 марта ошган. Етиштирилаётган меванинг 50%га яқини уругли мевалар (олма, нок, бехи), 40%дан ортиғи данакли мевалар (ўриқ, шафтоли, олча, гилос, олхўри, тоғолча), 6,5%га яқини субтропик мевалар (анор, анжир, хурмо), 3% ёнгокли мевалар (ёнгок, бодом, писта) ва 0,5% цитрус мевалар (лимон, апелсин) ҳамда резаворлар (кулупнай, хўжагат (малина), корагат (смородина)) тўғри келади.

2014 йилда токзорлар майдони барча хўжалик юритиш шакллари бўйича 129,0 минг гектарни ташкил этиб, сўнгги йилларда кенгайиб бормоқда. Таҳдил қилинаётган йилда 2005 йилга нисбатан узум ишлаб чиқариш ҳажми 2,2 баробарга ўсган ва 1,4 млн.тоннани ташкил этган. Ўсиш суръати мева берадиган ёшдаги мева дараҳтларнинг қарийиб 10%га кўпайиши ва хосилдорликнинг 64,7 ц/га дан 121,5 ц/га гача, яъни 87,8%га ошиши ҳисобига эришилди.

Республикада узумчиликни ривожлантириш мақсадида “2013 - 2015 йиллар даврида Республикада узумчиликни янада ривожлантириш дастури”¹ қабул қилинди. Дастурда 22,6 минг гектар майдонда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 март “2013 - 2015 йиллар даврида Республикада узумчиликни янада ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПП-1937-сонли қарори.

янги экин майдонларини, шулардан 13,5 минг гектар (ёки 60%) Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятларда, асосан тоғ олди худудларда яратиш кўзда тутилган. Янги экин майдонларини тақсимлаш сув таъминоти даражаси паст бўлган ерларда бошоқли дон майдонларининг камайтирилиши ҳисобига амалга оширилади. Янги экин майдонлари кўйидаги навлар нисбати билан экилади: 42% истеъмол қилинадиган узум навлари, 18% кишмишли навлар ва 40% техник навлар. Бундан ташқари, мавжуд токзорларнинг 15,7 минг гектарини қайта тиклаш кўзда тутилган.

Республикада асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар фермер ва дехқон хўжаликлари, шунингдек бир қисми қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобланади. Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган мева ва узумнинг асосий қисми (52-45%) дехқон хўжалиги улушига тўғри келиб, улар ушбу тармоқда фермер хўжаликларига асосий рақобатчи ҳисобланади. Хусусан, дехқон хўжаликлари кичик ҳажмдаги ер участкаларида юқори сифатдаги, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдалар. Ишлаб чиқарилган мева ва узумнинг умумий ҳажмида фермер хўжаликлари улуши мос равища 45,6-53,2%, қишлоқ хўжалиги корхоналарига эса атиги 2,1-1,5%ни ташкил этмоқда (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда мева ва узум ишлаб чиқаришда хўжалик ютиш шакллари улуши, (2014 й., %)

Маҳсулот турлари	Фермер хўжаликлари	Дехқон хўжаликлари	Қишлоқ хўжалиги корхоналари
Мева	45,6	52,3	2,1
Узум	53,2	45,3	1,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосидан муаллиф томонидан ҳисобланган.

Мева ишлаб чиқариш асосан Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари ҳисобланади, республика бўйича жами ишлаб чиқарилган меванинг 58,5% фоиз уларнинг улушига тўғри келади.



Ушбу вилоятларда аҳоли жон бошига мева ишлаб чиқариш 125,6 килограмм, қолган вилоятларда эса 60,6 килограммни ташкил этади.

Узум асосан Самарқанд, Тошкент ва Бухоро вилоятларига (56,1%) тўғри келади ва аҳоли жон бошига узум ишлаб чиқариш 100,2 килограмм, қолган вилоятларда эса 30,8 килограммни ташкил этади.

Мева ва узум ишлаб чиқаришда эришилган муваффакиятлар билан бир катор муаммолар ҳам мавжуд ва улар қуидагилардан иборат:

- табиий-икклим шароитлари ўхшаш бўлган Европа ва Осиё давлатларига нисбатан мамлакатимизда етиштирилаётган мева ва узум ҳосилдорлиги паст даражада қолмоқда;

- 1991 йилдан 2005 йилгача бўлган даврда янги боғлар ва узумзорлар деярли барпо этилгани йўқ. Ушбу даврда боғлар майдони 19%, узумзорлар эса 15%га қисқарган. Дараҳтларнинг ёши юқори чегарага етиб келган;

- даладан истеъмолчигача, қайта ишлаб чиқаришгача, сақлашгача ташиш жараёнларида йўқотишлар даражаси юқорилигича қолмоқда;

- республикада омборхона ва музлаткичлар тизими етарли даражада ривожланмаган, мева ва резаворларни шокли музлатиш, нейтрал газ муҳитида сақлаш каби замонавий инновацион технологиялар жорий этишга эътибор қаратилмаяпти. Бундай инфратузилмаларнинг ривожланиши маҳсулотларни янги узилган ҳолатда сақлаш, нархларнинг баркарорлигини таъминлаш, мавсумий омилларнинг боғлиқлигини камайтиришга имкон яратади;

Мева ва узум ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишлари қуидагилардан иборат:

- пахта хом-ашёси етиштирилаётган унумдорлиги паст ерларда замонавий агро ва инновацион технологияларга асосланган мева ва узум плантацияларни яратиш;

- маҳсулот ишлаб чиқаришда замонавий агротехнологияларни кўллаш ва уни иқтисодий рафбатлантириш;

- кескин иқлим ўзгаришлари таъсирига чидамли ва шўрхок ерларда етиштириш мумкин бўлган мева ва узумнинг кўчатлар навларини яратиш;

– эски бөг ва токзорларни янгилаш учун хўжалик юритувчи субъектларга солиқ имтиёзлари ва имтиёзли кредитлар ажратиш механизмини ишлаб чиқиши;

– замонавий омборхоналар ва музлаткичлар тизимини яратиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиши;

Юқорида келтирилган мева ва узум ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш аҳоли банддигини таъминлаш ва даромадларни ошириш, қайта ишлаш саноатини янада ривожлантириш, мамлакат валюта тушумининг ўсишига имкон яратади.

2. Пакана, ярим пакана пайвантаг гурухлари ва уларни худудларнинг тупроқ-иқлим шароитига караб танлаб олиш

Кисқача тарихи. Пакана, ярим пакана бўйли пайвандтаглар вегетатив йўл билан кўпайтирилади. Илдиз отган қаламча, ёғочланган қаламча, кўк қаламча, илдиздан чиққан бачкилар билан ва хоказо. Шунинг учун улар клон (дурагай) пайвандтаглар гурухига киради.

Клон пайвандтагларни ватани юқори Осиёмаиши . Буларга Кавказ ва Кавказ орти мамлакатлари киради. Рим империяси даврида бу ерлар Европага қарашли бўлган.

Клон пайвандтаглардан XV асрда Францияда фойдалана бошлашган. Фарбий Европада XVIШ асрда кенг қўллана бошланган.

XIX асрда Кримга олиб кирилган, бизнинг диёримизга ҳам 1902 й. Р.Р.Шредер томонидан олиб кирилган. Бу Дусен Ш парадизка VШ турлари.

Пайвандтаглар тури кўп бўлса ҳам бошида уларни ажратадиган гурух ва рақамлари бўлмаган.

1912 йили Англияни Ист-Молинг тажриба станциясида Р.Г.Хертон пайвандтагларни ҳар хил давлатлардан турини бир ерга жамлаб, биринчи бўлиб уларни бир системага солди. У 16 турдаги олмани пайвандтагларни ажратиб, уларни Рим рақамлари билан белгилади (I-XVI).

Бир даврда ноклар учун ҳам вегетатив кўпаядиган клон пайвандтаглар ажратиб олинди ва уларни А дан С гача бўлган харфлар билан белгиланди.

Халқаро келишувлар асосида олмани пайвандтагини рақамини олдида ЕМ (Ист-Молинг) харфини қўллаш қарор қилинди. Кейинчалик факат М харфи қўлланадиган бўлди. Ҳозирги вақтда ҳамма давлатда рим рақамлари ўрнига (M- I, M-II) қўллашга келишилган.

VIII ва IX турдаги пайвандтаглар парадизга деб ҳам аталади. П, Ш, V ва VII дусен дейилади. Ист-Молинг пайвандтаг турларидан кўпроқ M-1, M-II, M-III, M-IV, M-V, M-VI, M-VII, M-VIII ва M-XV1 аҳамиятлироқdir. Кейинчалик бу коллекция MXXV ва M-26 турлар билан тўдирилди.

Ўтган асрнинг 20 йилларида Ист-Молинг тажриба бўлимида Мертенда боғдорчилик институти билан ҳамкорликда (Швеция) бир қатор қон битига чидамли пайвандтаглар яратилди ва уларга Молинг-Мертон номи берилди. Улар “ММ” белгиси билан юритила бошлади ва 101 дан 115 гача бўлган рақамлар берилди.

Бу гурӯхдан энг аҳамиятлilari қуидагилардир ММ-102, ММ-104, ММ-106, ММ-109 ва ММ-111. Шимолий Кавказ боғдорчилик ва узумчлик илмий-текшириш институтида Г.В.Трусевич ҳам 1-48-1 ва 1-48-46 рақам остида, жанубий боғдорчилик учун қизиқарли бўлган турларни яратди.

Вегетатив йўл билан қўпайтириладиган ўз вақтида кенг кўламда оммалашган пайвандтаглар қуидаги гурӯхларга бўлинади.

Пакана	Ярим пакана	Ярим пакана	Кучли ўсувчи
М-УШ	М-УП	М-П	M-1
М-1Х	ММ-102	М-Ш	М-Х1
М-26	ММ-106	М-1У	М-ХШ
	1-48-1	М-У	М-ХУ1
		ММ-104	М-ХХУ
		ММ-111	ММ-109
		1-48-46	A - 2

Вегетатив йўл билан қўпайтириладиган олмалар Ўзбекистонда азал-азалдан ўстириб келинади. Буларга қуидагилар киради. Туркманистанда аниқланган Баба араб ва Хоразмда аниқланган Хозарасп олмаси киради.

Махаллий аҳоли уларни илдиз томонидан қўпайтиради. Бу олмалар эрта пишиши, ширин мазасидан ташқари, қурғоқчиликка, иссиққа чидамлилиги билан бир қаторда, шўр ер ости суви юза ерларда яхши ўсиб ривожланиши билан ажраб туради.

Бу олмаларни баъзи турларини (оқчи ва турши) Ўзбекистон шароитида илмий асосланган ҳолда пакана пайвандтаг ҳолда С.А.Остроухова ва О.К.Афанасьевлар синааб кўришган. Краснодар воҳасида эса Г.В.Трусевич синаш билан бир қаторда ўзини яратган баъзи турдаги пайвандтаглари селекциясида фойдаланган.

Бу пайвандтаглар баъзи навлар билан ўзини уйғунлигини ёмон та- рафдан кўрсатган.

Хозирги замонда навлар сони анча қўпайган, янги ва янги комби- нациялар ҳосил қилиб, юқоридаги пайвандтаглар билан уйғун на- вларни ахташишни давом эттириш ва бизларни шўр ва ер ости сувимиз якин бўлган ҳудудларда яхши ўсузвичи комбинацияларни ахташишни давом эттириш зарур.



Шу билан бир қаторда бу пайвандтаглар, шўр ва ер ости суви якин ерларда ўсузвичи пайвандталарни яратиш селекциясида фойдала- нишга лойик деб ҳисоблаймиз.

Паст бўйли пайвандтагларни илмий асосда ўрганиш Ўзбекистонда Р.Р.Шредер томонидан ўтган асрни бошида (1909й.), парадизка УШ, Дусен Ш ва уруғли пайвандтагга уланган Кандил си- нап, Бельфлер ва “Розмарин белый” навларида боғларни барпо қилиш билан бошланган.

А.Д.Верминичева ва К.С.Глушенко қайд қилишича 1 гектар боғдан 1916 дан 1947 йилгача ўртacha ҳосилдорлик бу боғларда қуйидагича бўлган. Парадизка УШ 3,25 м x 3,25 м схемасида экил- ганда 183 цн., дусенда 4,65 м x 4,65 м 201 цн. ва уруғли пайванд- тагда 9 x 9 м 98 цн. ёки паст бўйли пайвандтагларда ҳосилдорлик уруғли боғга қараганда икки баробар кўп бўлган.

Дараҳтларни нобуд бўлиши анча эрта бошланди ва боғни 39 йил бўлганда, парадизкада 63,7%, дусенда 47,8 ва уруғли боғда эса 20,9%ни ташкил қилди.

Н.Г.Жучковни фикрича паст бўйли пайвандтагдаги боғларни тез орада нобуд бўлиши факат уларни умрини қисқалигина эмас, балки қаровни суслиги ҳам муҳим омил бўлган.

Ўша даврда паст пайвандтагли боғлар зич экилгани сабабли ораларига ишлов бериш имкони бўлмаган, қўлда ишлов бериш анча қимматга тушган. Натижада паст бўйли боғларни илдиз системаси сув ва ҳаво аэрациясидан анча қийналган ва озиқани ўзлаштириш жараёни анча қийин кечган. Буни ҳаммаси дараҳтни нобуд бўлишига олиб келган.

Паст бўйли мевали боғларни яратиш учун кўчатлар четдан олиб келинган (Крим, Франция) ва улар асосан Дусен Ш ва Парадизка УП пайвандтагда бўлган баъзи пайтларда ҳар хил пайвандтагда бўлган.

Биринчи маротаба маҳаллий шароитда пакана пайвандтаг етишириш (1910й.), афсуски салбий натижа берган. Маҳаллий кўчатларни мавжуд эмаслиги паст бўйли пайвандтагларга етарли баҳо берилмаслик, уларни ўстириш технологиясини билмаслик 40-50 йилларда бундай мевали боғларни умуман барпо қилинмаслигига олиб келди.

Илмий асосда паст бўйли пайвандтагларни етишириш, уларда мевали боғларни барпо қилиш кенг кўламда Р.Р.Шредер номли Бував ИТИда О.К.Афанасьев томонидан 1960 йилда бошланди.

Аввалом бор иссиқ қуруқ шароитда вегетатив пайвандтагларни кўпайтириш технологияси яратилди. Бу ўз навбатида Ўзбекистон шароитида бўлиб, паст бўйли пайвандтагларда мевали кўчатларни кенг камровда етишириш имконини берди ва ўз навбатида бутун республика бўйлаб тажриба ва ишлаб чиқариш боғларини яратишга йўл очиб берди.

Синов жараёнида қуйидаги масалаларни ўрганиш мақсад қилиб қўйилган эди. Паст бўйли пайвандтагларда ўстирилаётган боғларни иқтисодий самарадорлиги ҳар бир пайвандтаг турига уйғун ва самарадор нав танлаш, паст бўйли дарахтларни танасига шакл беришнинг самарадор усуслари, пайвандтаг ва нав уйғунлигидаги боғларнинг дарахтларини жойлаштириш схемаси, сув ва озуқани оптималь нормаларини аниқлаш, боғларга комплекс ишлов берадиган механизмларни мажмуасини аниқлаш.

Р.Р.Шредер номли Бував ИТИни Тошкент вилоятида жойлашган Марказий синов базасида (сугориладиган бўз тупроқларда) вегетатив йўл билан кўпаювчи олма ва нок пайвандтагларни 54 тури олиб келиниб, уларни тўлиқ биологик, физиологик ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди.

Юқорида қайд этилган пайвандтагларни истиқболлилари ажратиб олиниб, уларга ўша даврни республикада районлашган навлари пайванд қилиниб, уларни мева боғларида самарадорлиги ва кучли пайвандтагга нисбатан афзаллиги ўрганилиб чиқилди.

Бир вақтни ўзида паст бўйли пайвандтагларга олманинг маҳаллий янги ва четдан олиб келинган (интродукция) истиқболли 78 нави, шу

жумладан баъзи спур (фақат ҳалқасимон мева шохидা ҳосил берувчи) ва беҳининг ҳар хил турдаги пайвандтагида, нокнинг янги маҳаллий ва интродукциялашган 26 нави ўрганилди.

Паст бўйли пайвандтагларда юқорида баён этилган навлар Самарқанд вилоятида (Д.М. Мусаев), Фарғонанинг тупроқ қатлами юпқа бўлган, ер ости шағалли ерларида (А.Е.Югай), Бўстонлик туманида жойлашган, Тоғ ва тоғолди боғдорчилик бўлимида (Ш.Б.Билялов) тўлиқ ўрганилди.

1964 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистонда паст бўйли боғларни ривожлантириш, илмий-техник анжуманида республиканинг ҳар хил тупроқ шароитидан келиб чиқкан ҳолда пайвандтагларни тахминан районлаштириш амалга оширилди.

1967 йилда эса Ўзбекистонда паст бўйли боғларни симбағазга олиб, парвариш қилишга бағишлиланган амалий семинарда, боғни бу шаклини республика хўжаликларида катта майдонларда барпо қилиш бўйича қарор қабул қилинди.

1978 йилга келиб паст бўйли пайвандтагда экилган боғларни республикада умумий майдони 3 минг гектардан ортиб кетди. Шуларда бир минг гектари симбағазга олинган боғларни ташкил қиласарди.

Жумладан Тошкент вилоятининг Ўртачирчик туманида жойлашган “Оғонёк” совхозида 250 гектар, Қибрай туманидаги “Қибрай” совхозида 120 гектар, Янгийўл туманидаги “У.Юсупов” комбинатида 80 гектар ва ҳоказо.

Ўзбекистоннинг сугориладиган худудлари паст бўйли пайвандтагга уланган мевали боғларни барпо қилиш учун жуда қулай. Ўсимликларни яхши ривожланиши учун куёш нури ва иссиқлиги етарли бўлгани учун бундай боғларни ўсиши, ривожланишини бошқариш ва ҳосилдорлигини бошқариш қулай.

Шу даврда Р.Р.Шредер номли БУваВ ИТИ хўжаликларида паст бўйли пайвандтагларни она боғи 78 гектарни ташкил қиласарди. Бу ўз навбатида 1,5-2 млн. дона паст бўйли кўчат етиштириш имконини беради ва республиканинг ўша давридаги эҳтиёжини тўлиқ таъминларди.



Худудларнинг тупроқ-иклим шароитига қараб танлаб олиш.

Дараҳтлари зич экилган боғларда мўл ва сифатли ҳосил олиш учун пакана, ярим пакана бўйли пайвандталарга уланган олма ва нок кўчатлари нормал ўсиб ривожланиши учун маҳсус шароит талаб этади. Пакана, ярим пакана пайвандтагга уланган дараҳтларни илдиз системаси ёйилиб ўсади, лекин чукур

кетмайди. Шунинг учун тупроқни намлигига ва бошқа жараёнларга жуда талабчан. Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, пакана, ярим пакана бўйли боғларда ҳосилдорлик анча юқори ва улар тупроқдан олиб чиқиб кетадиган моддаларни миқдори ҳам анча юқори, айникса симбағазли боғларда.

Шунинг учун пакана, ярим пакана пайвандтли интенсив боғларни, айникса замонавий ўта зич экилган интенсив боғларни тупроқ унумдорлиги юқори бўлган, намлик сифими катта бўлган, тез суғориб туриш, етарли даражада катта нормада минерал ва органик ўғитлар бериб туриш имкони бўлган майдонларда экиш лозим

Пакана, ярим пакана бўйли пайвандтагларда экиладиган интенсив боғлар учун энг яхши тупроқ бу механик таркиби енгил бўлган кумли ёки лойқумли қўнғир бўз тупроқлар, таг қатлами қалин кумлоқ бўлган, яхши дренажга эга бўлган, қалин қатламга эга бўлган, бўз ўтлоқ дарёлар қирғогида жойлашган сув босмайдиган тупроқлардир. Охириглари юқори унумдорлиги ва яхши сув режими билан ажралиб туради.

Пакана, ярим пакана боғлар экилган ерда чучук ер ости суви 1,5-2 м ва минераллашган ер ости суви 3-3,5 м яқин бўлмаслиги лозим. Дарёларга яқин бўлган майдонларда ер ости сувини сатҳи 1,0-1,2 м бўлса ҳам бўлади. Фақат уларни (тупроқни) таркибида заарарли (хлорид ва сульфат) тузлари ҳоли бўлиши лозим

Интенсив боғларни жудаям зич бўлган тупроқларда ва тупроқни устки қисми (текислаш жараённида) олиб ташланган майдонларда

барпо қилиб бўлмайди. Пастҳам, совуқ ҳаво туриб қолиши оқибатида дараҳтларни совуқ уриши эҳтимоли юқори бўлганда, интенсив боғ барпо қилиш тавсия этилмайди.

Паст бўйли олма ва нок боғларини нормал ўсиб ривожланишига карбонатли ва шўр тупроқлар салбий таъсир қиласди. Айниқса гилос 80-100 см қатламда жойлашган бўлса ва шу қатламдаги тупрок 10% водород хлорид кислота таъсирида қайнаса. Мевали дараҳтлар ишқорий тупроқда ҳам кислотали тупроқда ҳам яхши ўсиб ривожланмайди.

Шунинг учун боғ экиладиган майдон тупроғини РН 6,5-7,5 ташкил қиласа дараҳтларни ривожи кўнгилдагидай бўлади. Тупроқдаги РН миқдори 6-6,5 енгил кислотали, 7,6-8 бўлса енгил ишқорий ҳисобланади ва паст бўйли дараҳтлар бундай шароитларда ҳам ўса олади. Лекин тупроқни РН 8-8,5 бўлганда тупроқдаги фосфадларни ўзлаштириш, уларни ўсимлик ўзлаштира олмайдиган формага ўтиши муносабати билан қийин кечади.

Тупроқни ишқорий хоссаси кўпайиб кетса, ўсимликни тупроқдан темир, марганец, цинк, бўр ва бошқа элементларни ўзлаштириш қийинлашади. Нтижада дараҳтларда хлороз ҳолати юзага келади (тупроқдаги элементларни етарли ўзлаштирилмагани ҳисобига дараҳтни ривожланиши сусайди, боғлар оқ-сариқ рангга киради).

Боғ ташкил қилганда тупроқни шўрлик даражасига ҳам катта аҳамият бериш лозим. Шўрланиш даражаси юқори бўлган ерларда дараҳтларни ўсиб ривожланиши анча орқада қолади ва боғлар шикастланиб, тана илдизи ҳар хил касалликларга чалиниб, тез орада нобуд бўлади.

Шўрланган тупроқларда кўпинча сульфатлар, хлоридлар ва карбонатлар учрайди. Шўрланган тупроқларда заарли сульфатлардан натрий сульфати (Na_2SO_4 – глоуберова тузи) ва магний сульфати (MgSO_4) учрайди. Ўсимликни ривожига хлоридлардан NaCe – ош тузи, MgCe_2 ва CaCe_2 ва CaCe_2 салбий таъсир этади. Карбонатлардан энг катта



зарарни Na_2CO_3 етказади. Бу күпгина шүрланган майдонларда учрайди ва уни 0,005% ҳам катта салбий таъсир қиласи.

Тупроқдаги карбонатларга нок дарахти жудаям сезувчан ва у бундай тупроқларда яхши ривожланмайди ва хлорозга кескин чалинади.

Симбағазли боғларни айниқса замонавий (зич экилган) боғларни ташкил қилишда уларни танасига ёруғлик күн давомида иложи бори-ча бир текис күёш нури билан ёритишни таъмин этиши лозим Шуннинг учун қаторларни шимолдан жанубга қараб йўналтириш лозим Қатор ораларини кенглиги ҳам нав ва пайвандтагдан келиб чикқан ҳолда етарлича кенг бўлиши лозим Күёш нури дарахтларни пастки қисмини ҳам етарлича ёритиб туриши керак. Ёши катта бўлган боғларда ҳам у ерда жойлашган мевалар ҳам еталича ранг олади.

Сугориладиган интенсив боғлар учун ажратиладиган майдон текис бўлиши ва уни нишаби 4-50дан ошмаслиги лозим Майдонни нишаби 6 дан 100гача бўлса, ундай майдонларда боғлар контур усулда ташкил қилинади, нишаб даражаси 10-250 бўлгандага эса террасалар ҳосил қилиб, боғ экилади. Бу майдонларнинг ҳаммаси шамолдан ҳимояланган бўлиши лозим

Катта ишлаб чиқариш боғларини ташкил қилишдан аввал уларни лойиҳалаштириш лозим Унда уларни ҳар бир бўлакларини (карта) жойлашиши, уларда нав ва пайвандтаг тури, қаторларни йўналиши, кварталлар орасидаги масофа, шамолни тўсиш иншоотлари, жойлашиш йўналиш, дренаж системасни жойлашиши, йўлларни, саралаш ва ярим қадоқлаш, совутгичлар, мевани қайта ишлайдиган корхоналарни, ўғит сақлайдиган, яшик сақлайдиган омборларни жойлашиши ва ҳоказо кўрсатилади.

Боғни ташкил қилишни техник лойиҳасини ишлаб чиқиши, боғдорчиликни, айниқса интенсив боғни ташкил қилишни, камчиликлардан ҳоли бўлишига ва ишчи кучдан ҳамда механизмлардан рационал фойдаланишга имкон беради.

Мевали боғларда асосий майдон ўлчов бирлиги бу квартал, паст бўйли ва пакана бўйли пайвандтаглар, интенсив боғлар учун кварталлар энг маъқул оптимал майдони 10-12 гектарни ташкил қиласи. Шакл жиҳатидан энг кулайи тўғри бурчакли кварталлар. Бўйи 500-600 м ва эни 200 м кварталлар ишлов беришга ва барча иш жараёнини механизациялашга кулай ҳисобланади.

Кварталлар катакларга бўлинади, катакларни майдони 2 гектар атрофида бўлгани маъқул. Ҳар бир катакни узунлиги ва маҳсулотни ташиб чиқиши қулай бўлиши учун 100 метрдан бўлгани маъқул. Ҳар бир катак орасида бир томолама ҳаракат қилиш ва сугориш эгатлари-ни олиш учун 5-6 м энида йўл қолдирилади.

Ҳар бир кварталда бир вактда пишадиган ва бир-бирини ўзаро чанглатадиган 2-3 та нав экиш мақсадга м увофиқдир. Демак бир навни боғда жойлашиш эни 70-100 м (3-10 га) ташкил қиласиди. Бу оралиқда чангланиш жанубий ҳудудларда етарли даражада бўлади ва боғларда агротехник тадбирларни ўtkазиш ва мевасини йигиб териш учун қулай хисобланади.

Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудларини ҳам, боғдорчиликни ҳамма турлари учун мўътадил деб бўлмайди. Баъзи ҳудудларда тез-тез қайтариладиган совуқлар, ҳаво температураси қиши даврида кескин кўтарилиб, тушиб туришлари, ҳароратни юқорилиги, ҳавони ва тупроқни вегетация даврида ўта қуруқлиги, дамбадам баҳор ойларида (куртак бўртганда ёки дараҳтларни гуллаш даврида) бўладиган аёз совуқлари, бу фақат гул ва мевани эмас, баъзи вактда ўсимликни ҳам нобуд бўлишига олиб келади.

Шунинг учун боғбонларнинг вазифаси ҳар йили мўл ҳосил берадиган боғларни яратишдан иборат. Бу вазиятда фақатгина агротехник тадбирларни эмас, балки уларни биологик хусусиятларини ва улар биргаликда ўсганда агрофитоценозда уларни намоён бўлишини хисобга олиниши лозим

Фитоценоз сўзи грекча бўлиб, фитон – ўсимлик ва кейнгос – турлар йиғиндиси маъносини беради. Ботаникада бу сўз остида бир гурӯх ўсимликни орасида кечадиган материаллар энергетикасини айрбошлиш айтилади. Жумладан энг интенсив айрибошлиш ўсимликларни илдизида юзага келади (В.П.Иванов, 1973й.), Т.А.Рабатнов, 1978й., И.Н.Рахтиенко, 1963й., Ю.В.Титов, 1978й.).

Фитоценоз – шу маълумотга қарашли ўсимликларни ўзаро муносабатини меъёрлаштириш билан бир вактда, шу ердаги мухитга ҳам таъсир этади ва уни ўсимликлар ривожи учун мақбул шароит яратади.

Ўсимликларни муносабатини меъёрлаштириш асносида ценозни тупроқни ноқулай шароитларига чидамлилигини ошириш билан бир

вактда моддий энергетик захираларини түликтөр ишлатишга сабаб бўлади.

Грейнен Смит П, 1967й. фикрича айнан шу вазият кўпгина табиий муҳитларда ўсимликларни жамоа бўлиб жойлашиши (групповой) сийрак ёки якка жойлашгандан афзалроқ.

А.А.Корчагин, 1976й. фикрича бу вазиятда умумий шароитни (тупроқ, иқлим ва ҳоказо) ҳам таъсири салмоқли.

Ўсимликлар мажмуасини ўсиш ва ривожланишига таъсири қилувчи асосан иккита омил фарқланади. Мажмуя (группа) омили ва ўсимликлар зичлиги омили (плотность).

Биринчи грухуга қўйидаги омиллар таъсир этади – бир турдаги ўсимликларни ўзаро муносабати, бутун худуд бу ўсимлик билан қопланган бўлса ва ерда экстремал экологик вазият юзага келмаган бўлса.

Ташқаридан қараганда бу қўйидагиларда номоён бўлади – турлар орасидаги физиологик, морфологик ва онтогонистик кўрсатгичларда ва шуларни таъсирида бутун мажмуани стабиллашувида ва уни ташки мухитга, нокулай шароитларга чидамлилигини ошишида.

Ю.В.Титов, 1978й. фикрича гурухни самарадорлиги ўсимлик турларини мухитни моддий энергетик алмашинувларидан келиб чиқади.

В.Н.Сукачев, 1959й. фикрича ҳар бир гурух ўсимликлар атрофида жойлашган бошқа турдаги гурух ўсимликлар яшаши учун маҳсус мухитни яратиб беради.

Гурухлар орасидаги муносабат жараёни доим бир хил бўлмаслиги мумкин ва ўсимликларни жойлашиш зичлигига, уларни ёшига ва мухитнинг шароитига қараб ўзгариб туриши мумкин.

Маълум чегараланган майдонда кўп микдорда ўсимлик жойлашса ёки уларни ҳаёт фаолиятини ўтказиш учун зарур бўлган мухит (шароит) даражаси пасайса, бунда зичлик мухити ёки рақобат (ўсиш ва яшаш учун) вазият юзага келади.

Рақобат деганда бир ерда ўсуви ўсимликларнинг ўзларини ҳаёт фаолияти учун лозим бўлган жараёнлардан фойдаланишига интилиш (ёргулик, сув, озуқа ва ҳоказо) тушунилади. Бир гурух ўсимлик ўсаётган майдонда булар анча чегараланган бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, рақобат бардошлиқ ўсимлик ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган омилларнинг чегараланганлигидир (Д.Ж.Дженик, 1975й.).

Ўсимлик экилиш зичлиги таъсирида ўзаро таъсирининг самарасини салбий томонга ўзгариш меъёри ўсимликларни экилиш зичлиги меъёри ҳисобланади. Шу даврдан бошлаб, ўсимлик мажмуасида эко намуналарни энергетик режими ва озуқавий захирасини орасида ўзгаришларни тенглиги ўрнатила бошлайди. Бу ўзгаришларни кечиши тупроқни унумдорлигига ва намлик даражасига узвий боғлик

Тупроқни унумдорлиги юқори бўлган майдонларда бу ерларда ёруғлик учун ракобат эрта бошланади. Жадал сийраклаштиришгина келган ўсимликларга нормал ўсиш ва генератив функцияларини адо этиш имконини беради.

Тупроқни унумдорлиги пастроқ бўлган шароитларда юқори зичликка эга бўлган ўсимлик туркумида мувозанат ўсимликларни ўсиш кучини чегаралаш, ўсимлик органларини кичрайиши ва функционал активлигини сусайиши натижасида эришилади (Ю.В.Титов, 1978й.).

Шуни айтиш лозимки, агрофитоценозда ўсимликни бир-бирига бўлган муносабатларини сунъий усууллар билан ўзгартириш мумкин. Мисол учун сунъий равишда (кесиш орқали) кучли ўсувчи дарахтни ўсиш кучини чеклаш билан танасига тушадиган ёруғлик миқдорини купайтирилади.

Шу билан бу дарахтни индивидуал ҳосилдорлиги оширилади ва ён атрофдаги паст бўйли экинлар яшаси учун шароит яратилади. Унумдорлиги паст бўлган тупроқларда уларни минерал ўғитлар билан ўғитлаш билан ва сунъий равишда сугориш билан ҳосилдорликни оширса бўлади.

Шундай қилиб, ўсимликлар зичлашган сари уларни ўсиш мухити яхшиланади, ҳар бир ва мажмуадаги барча ўсимликларни ташки мухитни ва об-ҳавони экстремал ҳолатига чидамлилиги ортиб боради. Бу эса боғни асосий биологик хусусияти, лекин ишлаб чиқариш боғдорчилиги ҳақида фикр юритсак.

Бу ерда дарахтларни эрта ва мўл ҳосил бериши асосий омиллардан бўлиб, ҳосилни миқдори, сифати, йиллар давомида ҳосилдорликни ошиб бориши, соликашликни юмшоқлиги ва маҳсулотни иқтисодий самадорлиги мухим ўрин тутади.

Паст бўйли пайвандтагли дарахтлар кучли ўсуви пайвандтагли дарахтлардан баъзи биологик хусусиятлари билан фарқ қиласидилар. Паст бўйли пайвандтагга уланган дарахтлар ассимиляцияда ҳосил бўлган моддаларни мевали куртак ҳосил қилиш ва ҳосилни шакллантириш учун тўлиқроқ фойдаланади.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, паст бўйли пайвандтагларда айниқса пакана пайвандтагда ўстирилаётган боғларда дарахтни ҳаёт фаолиятида ечиладиган кўпгина углеводлар мева элеменлари ни ҳосил қилиш учун ва нисбатан кам қисми дарахтни ва илдизни ўсиши учун сарф бўлади.

П.У.Урсуленкони фикрича пакана бўйли дарахтлар фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган моддаларни 60% кучли пайвандтагда ўсуви дарахтлар эса 40% ҳосилни шакллантириш учун сарф қиласидилар.

Фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган синтезланувчи маҳсулотни бундай тахсомоти дарахтларда эрта ва нисбатан (танасига) кўп равишда мева берувчи органларни шакллантиришга ва танасига нисбатан уларни каттароқ зичликда ҳосил бўлишини таъмин этади.

Бу ўз навбатида паст бўйли пайвандтагли дарахтларнинг танасини маҳсулдорлигини анча юқори бўлишини таъмин этади ва ҳосил бўладиган меваларни салмоғи, танасининг вазни ва ҳажмига нисбатан кучли пайвандтагли дарахтларга нисбатан бир неча баробар кўпроқ бўлади.

А.Пестровни маълумоти бўйича М-9 пайвандтагида ўсуви дарахт мевасининг вазни М-16 ўрта бўйли пайвандтагда ўсуви дарахтниги қараганда танасига нисбатан 4-4,5 баробар кўпроқ бўлган.

Л.М Ро, И.А.Коломиец, В.Е.Перфильеф ва бошқаларни фикрича паст бўйли пайвандтагда ўсуви дарахтрларнинг танасидаги ер устки органларида хужайраларни суюқлигининг концентрацияси (куюқлиги), танасида пластик моддаларни кўпроқ ҳосил бўлиши ҳисобига юқорироқ бўлади.

Бу жараён (Г.П.Курчатова, Э.Санот, В.В.Гринко ва бошқалар) ўсимликни ҳаёт фаолиятидаги моддаларни синтез қилиш ва уларни алмашув характеристига боғлиқ (Д.Мак Кензи, Л.И.Лотова, А.Н.Татаринов ва бошқалар) ўз вактида бу уларни анатомик тузилишини хусусиятларига боғлиқ. Афсуски бу жараён ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган.

Юқорида қилинган жараёнларни ҳисобига паст бўйли пайвандтагга уланган дaraohтларда ёш даврида мевали куртакларни кўплаб ҳосил бўлиш имконини яратади. Бу жараён дaraohтни эрта ҳосилга киришини таъминлайди.

Ҳосилдорлик билан дaraohтни ўсиш кучи орасида тескари муносабат бўлғанлиги учун бу дaraohтлар эрта ва мўл ҳосил бергани учун уларни бўйи паст.

Дaraohтни бўйини пасайтириш ва эрта ҳосилга киргизишни бир қанча механик йўллари мавжуд: новдаларни эгиш, новдаларни ҳалқалаш (маълум ердан пўстлоқни олиб ташлаш), маълум шохларни ва илдизларни кесиш ва ҳоказо.

Бироқ бу кўп меҳнатни талаб қилиши билан бир вақтда вақтинча натижা берувчи амалларданdir (бир, икки йил) ва дaraohтни ўсишини кейинги йиллари ҳам секинлатади. Шу сабабдан булар кенг қўлланилмайди.

Дaraohтларни йил давомида яхши ўсиши мева куртакларини яхши шаклланиши гаровидир, дaraohт ҳар йили сифатли ва мўл ҳосил бериши учун ҳар йили яхши ўсиши лозим

Симбағазда ўсувчи дaraohтларни ҳар хил усуlda шакл бериб (оддий итальян пальметаси, шпиндельбуш ва ҳоказо), уларни шохларини (новдаларини) 45-60 градус, баъзи ҳолларда 90 градус ўсиш кучини чегаралаб, ҳосилга киришини тезлаштириб, уни мўлжаллаштириш имкони бор.

Бу усул асосан паст бўйли пайвандтагга уланган дaraohтларда қўлланилади ва уларни озуқа ва сув билан яхши таъмин этган шароитда жуда яхши натижা беради. Шу билан бир вақтда уни ўсиш ва ҳосил беришни назорат қилиш имконини яратади.

Юқорида қайд қилинган ҳамма усулларни қўллаш билан баъзи олимларни фикрича (В.И.Будаговский, Н.Д.Спиваковский) барча механик ва хирургик таъсир қилиш билан ҳам кучли ўсувчи дaraohтни паст ёки пакана бўйича айлантириб бўлмайди.

Пакана, яrim пакана пайвандтагга уланган дaraohтлар ҳам барча ўсимликлар каби қуидаги биологик хусусиятни ўзида сақлаб қолган, ўсиш жараённада барг ҳосил бўлиши ва ўз навбатида мева куртакларни ҳосил бўлиши, дaraohтни танасини ташқарисига қараб йўналган.

Шу сабабдан дaraohтни танаси ортиб боради, шу муносабатда танани ичкарисида ҳосилсиз зона ҳам ортиб боради. Бу зона ҳосилсиз

зона деб аталади ва у дарахтни танасини 40% ва ундан ҳам кўп қисмини ташкил қилиши мумкин. Демак дарахтни танасини катта қисми дарахтни энг маҳсулдор пайтида мева бермайди.

Кучли ўсуви дарахтларни танасини қалинлашиб кетишини ва ўсиш кучини камайтириш мақсадида кўп меҳнат сарф қилинадиган кесиш, дарахт танасини сийраклаштириш ва ўсиш кучини кесиш мақсадида амалий доими амалга ошириб турилади.

Айнан шу йўллар билан кўпгина боғбонлар дарахтларни ўз изимларига солиб, ундан кўпроқ натижа, сифатли ва кўп мева олишагити.

Н.П.Гладишева ва В.М Лукъяновалар ўзларини илмий ишларидаги қайд қилишларича, дарахтни танасини ташқи томондан 1-1,5 м танаси сийракроқ бўлса, 2 м қалинликдаги қисми қуёш нурини 60-80% ўзлаштиради.

Табиий кичик ва сийрак тана ҳосил қилиш учун эса дарахт танаси қуёш нуридан тўлиқ фойдаланиши, албатта дарахтларни пакана, ярим пакана пайвандтагларда ўстиришимиз иложи бўлса, уларни симбағазга олишимиз зарур.

Охирги усулда дарахтларни танасида фотосинтез жараёни тўлиқ ва сифатли ўтиши учун яхши мухит яратилиб, дарахтни бутун танасини сифатли ва мўл ҳосил олиш учун хизмат қиласди.

Дарахтларни симбағазда ўстиришда уларни новдалари эгилиб бойланади. Бу ўз вақтида шохларни кесишни ўрнини босибгина қолмасдан, балки улардаги мавжуд баргларни саклаб қолиб, дарахтларни ички ресурсини оширади, фотосинтез жараёнида ҳосил бўладиган моддаларни қайта тақсимлаб, мева ҳосил қилувчи элементларни орттиради. Бу жараён асосан икки яшар ва бир яшар новдаларда кечади.

Шу билан бир қаторда новдалар вертикал бўлганда, факатгина уч қисмида куртаклар етилса ва ривожланса, булардан асосан новдалар ўсиб чиқади, новдалар 60-70 градус букилганда улар асосан майда шохлар билан қопланади. Келажакда улар асосан мева куртак ва шохларга айланади.

Юқорида баён қилганимиздек ҳосилни мўл бўлишини дарахтдаги баргларни сатҳи ва уларда кечадиган фотосинтез жараёнини жадаллигини белгилаб беради.

Күпгина олимларни фикрича (О.К.Афанасьев, Б.Ш.Улмасбаев, Р.М. Каримов ва б.) бир гектардаги дaraohтларни барг сатҳи 30-40 минг м² ташкил қилганда, боғдан максимал ҳосил олиш мумкин. Паст бўйли пайвандтагга уланган дaraohтларни 1 гектар майдонга жойлашиш миқдори кучли пайвандтагли дaraohтларга нисбатан 3-5 баробар кўпроқ бўлгани учун барг сатҳини миқдорини тез ортиради ва юқорида қайд этилган миқдорни (30-40 минг м²) тез орада таъмин этади.

Н.П.Гладишевани таъкидлашича, Мичуринск шароитида М-9 ўстирилган 4 x 2 м схемада экилган 8-9 ёшли олма боғида Папировка навли баргларни сатҳи 21 минг м² ташкил қилган.

Кучли пайвандтагга уланган 8 x 4 м схемасида экилган боғда эса бу кўрсатгич 16 минг м² ташкил қилган. 14 ёшли шу боғларда эса бу кўрсатгич нисбатан 30 ва 20 минг м²/га ташкил қилган.

О.К.Афанасьевни маълумоти бўйича эса сугориладиган бўз тупроқларда парваришланган 11 ёшли боғларда барг сатҳини тез ортиб бориши симбағазда ўсувчи боғда уларни ичиди эса пакана пайвандтагда (М-9) ўсувчи боғда кузатилган. Бу ўз йўлида боғда ҳосилдорликни тез ортиб боришига сабаб бўлади (3-жадвал).

3-жадвал

Хар хил пайвандтагда ва усулда ўстирилган 11 ёшли олма боғини баргини сатҳи (Пармен зимний золотой нави)

Т/Р	Пайвандтаг	Эркин ўсувчи боғ		Симбағазга боғланган боғ	
		Дaraohт-ларни экилиш схемаси, м	Барг сатҳи, минг м ² /га	Дaraohт-ларни экилиш схемаси, м.	Барг сатҳи, минг м ² /га
1.	Пакана М-9	4 x 4	23,6	3 x 2,5	36,3
2.	Ярим пакана М-2	6 x 6	22,8	3,5 x 3,5	35,7
3.	Кучли ўсувчи Сиверс олмаси	8 x 7	17,8	5 x 5	23,9

Юқорида келтирилган жадвалдан кўриниб турибдики, симбағазда ўсувчи боғларда ҳамма пайвандтагларда эркин ўсувчи боғга нисбатан барг сатҳи кўпроқ бўлган. Кучли пайвандтаг боғда 134%, ярим пакана боғда 156% ва пакана боғда 153%. Шу билан бир вақтда пакана пайвандтагда ўсувчи боғларни иккала шаклида ҳам барг сатҳи бошқа пайвандтагларникуга қараганда юқорироқ бўлади.

Паст бўйли пайвандтагга уланган дарахтларни илдиз системасини тупроқда жойлашиши ва тузилиши хам кучли пайвандтагда ўсувчи дарахтларни илдиз системасидан фарқ қиласди. Пакана пайвандтагга уланган дарахтни илдиз системасини умумий узунлиги ва тупроқда жойлашган ҳажми анча кичик, лекин жуда актив (шохлаган. Ярим пакана дарахтларда эса илдиз системаси кучлироқ, қалинроқ, анча зичроқ, шохланган ва актив, кучли пайвандтагдаги дарахтларни илдизига нисбатан.

О.К.Афанаевни маълумоти бўйича суғориладиган бўз тупроқда ўсувчи 11 ёшли Ренет Симиренко навининг дарахтларини ковлаб, илдизини ўлчаганда қўйидаги натижа олинди.

1 м чуқурликда жойлашган ҳамма илдизларни узунлиги М-9 пайвандтагида 1442 м, ярим пакана М-3 пайвандтагда 2019 м ва кучли уругли пайвандтада 2414 м ташкил қилди ёки биринчи пайвандтагдан деярли икки баробар кўп, иккинчисидан эса атиги 17% кўпроқ бўлган.

Шу билан бир пайтда пакана ва ярим пакана пайвандтагли дарахтларни скелет илдизини узунлигини бирлигига тўғри келадиган майда илдизларни сони 26 ва 24% кўпроқ ва ҳар бир майда илдизни ўлчов бирлигига тўғри келадиган сўрувчи актив илдизларни сони эса 34 ва 54% кўпроқ бўлган.

Шу ёшдаги пакана бўйли пайвандтагли дарахтларни илдиз системаси 200 см радиусда дарахт атрофида жойлашган. Ярим пакана пайвандтагда эса 300 см радиусда ва кучли пайвандтагда ўсувчи дарахтники эса 400 см

Шу билан бир вактда илдизни умумий узунлиги хам майда илдизларни ҳам нисбий узунлиги дарахтдан узоклашган сари ортиб борган (4-жадвал).

4-жадвал

Ҳар хил пайвандтагда ўсувчи дарахтларни илдизини тарқалиши (1 м чуқурликда мавжуд илдизларни умумий узунлигига фоиз ҳисобида)

Т/Р	Пайвандтаг	Дарахтни танасидан бўлган масофа, см.			
		0-100	100-200	200-300	300-400
1.	Пакана М-9	37	63	-	-
2.	Ярим пакана М-2	28	34	38	-
3.	Кучли ўсувчи Сиверс олмаси	11	22	34	33

Илдизни тупроқдаги зичлиги эса аксинча дарахтга яқинлашган сари ортиб борған. Бу ҳолда тупроқни илдиз әгаллаб турған ҳажми камайиб боради.

Паст бўйли пайвандтагга уланган дарахтларни, айниқса пакана бўйли дарахтларни илдиз системаси кучли пайвандтагга уланган дарахтларнига нисбатан дарахтга яқин бўлиши билан бир қаторда тупроқ сатҳидан юзароқ ҳам жойлашган.

Р.М Каримовни маълумоти бўйича 11 ёшли Ренет Симиренко навини илдиз системаси: пакана бўйли пайвандтагда тупроқни 10-20 см қатламида 18%, 20-60 см қатламда 49% ва 60-100 см қатламида эса 33% жойлашган бўлса, ярим пакана пайвандтагда бу рақамлар қуидагида бўлган. 12, 47 ва 41% ва кучли пайвандтагда ўсуҷчисида эса 9, 45 ва 46% ташкил қилди.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган ҳамма пайвандтагдаги дарахтлар илдизларининг асосий қисми 0,8-1 м чуқурликда жойлашган. Шу билан бир қаторда пакана пайвандтагли дарахтни илдизини тупроқда энг зич жойлашган қатлами 10-60 см (умумий узунликдан 67% жойлашган), ярим пакана ва кучли пайвандтагли дарахтларни эса 20-80 см (69 ва 70%).

Айрим илдизларни максимал чуқурликка етиб боришида пайвандтагларда деярли сезиларли фарқ йўқ. Жанубий Қозоғистонни Сари Агач хўжалигига И.Г.Андронов томонидан сугориладиган бўз тупрокларда ўсуҷчи 17 ёшли Кандил Синап нави пайванд қилинган. Парадизка УШ ва Дусен Ш пайвандтагда ўсуҷчи дарахтларни илдизини ўрганилди, улар 4,2-4,4 м чуқурликга борғанлиги аниқланди.

М П.Тарсенкони таъкидлашича Киев яқинида ўсуҷчи 5 ёшли Папировка ва Пармен зимний золотой навларини илдизини ривожланишини ўрганилганда, қуидагилар аниқлади.

М-9 ўсуҷчи дарахтни илдизи 340 см, Дусен Ш ўсуҷчи дарахтники 280 см ва ёввойи олмада ўсуҷчи дарахтни илдизи 360 см чуқурликка етгани аниқланди.

Йил қуруқ келган йиллари бундай чуқур жойлашган илдизлар дарахтни сув билан таъминлашда муҳим ўринни әгаллайди.

Пакана бўйли пайвандтагга уланган дарахтларни йўғон скелет илдизлари жуда кам ва улар жуда мўрт. Шу билан бир қаторда асосан улар тупроқни устки қатламида жойлашган. Бу эса дарахтни тупроқ билан жисплигини заиф эканидан далолатdir.

Зичлиги кам бўлган, сугорганда тез тўйиб кетадиган (ўтлоқ ботқоқ ва б.) тупрокларда ўсувчи боғларни сугорганда анча эҳтиёт бўлиш лозим Чунки бундай тупрокларда ўсувчи дараҳтлар эгилиши ёки йўқолиб нобуд бўлиши имконлари бор. Зич бўз тупрокларда ўсувчи дараҳтлар тўғри парвариш қилинса, кучли шамолларда ҳам ён бошламайди ва йиқилмайди.

Паст бўйли пайвандтагда барпо қилинган боғларни қатор орасига ишлов беришда уларни илдиз системасини жойлашиш тартибини ва чуқурлигини албатта ҳисобга олиш лозим

Бундай боғларда тупроқни юқори катталикда сўрувчи илдизни асосий қисмини жойланиши уларни тупроқ қатламини унумдорлигига ва уни бойитишга жуда эътиборлигини англатади.

Агротехник тадбирлар юқори даражада ўтказилса, бу салбий натика беради, акс ҳолда эса дараҳтларни жудаям толиқишига сабаб бўлади.

Тукроқни 0-20 см чуқурликда пакана пайвандтагли дараҳтларни ўсувчи майда илдизларини анчагина кўп қисмини жойланиши ва ярим пакана дараҳтларни нисбатан камроқ қисм илдизларини жойлашиши бундай боғларда қатор орасини, айниқса дараҳтни атрофига ишлов бериш, чуқурлигини чеклаш лозимлигини билдиради.

16-18 см қатор ораси ва 10-15 см дараҳт атрофини, шу билан бир вақтда илдиз системасинини асосий ишловчи қисми, дараҳтдан 0-100 см атрофида пакана боғларда ва 0-15 см, ўрта ўсувчи боғларда дараҳтга яқин ва юза жойлашгани сабабли боғ қатор ораларида агротехник тадбирларни юқори даражада ўтказиш лозимлигини билдиради.

Пакана, ярим пакана бўйли пайвандтагда барпо қилинган боғларда дараҳтлар танасининг ҳажми, уларни бўйи бир-бирига жуда яқин ёки бир хил бўлади уруғли пайвандтагда ҳосил қилинган боғларга нисбатан.

Бу пайвандтагларни бир хил ўсувчи она боғлардан вегетатив йўл билан етиштирилганлигидан далолатdir. Бу ҳам пайвандтагларни асосий биологик хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Уруғли пайвандталарда бу жараён уруғлар аввалом бор ҳар хил шароитда (эрта, ўрта, кеч) очилган ва чангланган, ташқаридан чангланиш оқибатида ҳар бир бошқа-бошқа дараҳт (нав) чангидан (ҳашоратлар

кам) фойдаланиш эҳтимоли мавжуд шаклланганлиги натижасида, улардан ўсиб чиқарилган ниҳолларни ҳам биологик ва ишлаб чиқариш кўрсатгичлари бир текис бўлмайди.

Шунинг учун бу пайвандтагда барпо қилинган боғларда кўпинча дараҳтларни бўйи ва танасининг ҳажмини нотекислиги кузатилади (кatta майдонларда боғ барпо қилганда). Бу жараён катта аҳамиятга ва таъсирга эга.

Паст ва айниқса пакана пайвандтагга уланган дараҳтларни маҳсулдорлик даври кучли пайвандтагли боғларга нисбатан анча қисқа. Пакана боғлар учун бир давр 18-20 йилни, ҳозирги замонавий бир гектар майдонда дараҳтлар сони 2500-3500 донани ташкил қиласидиган симбағазда ўстириляпти, боғларда эса 15-16 йилни.

Паст бўйли боғларда бу жараён 20-25 йилни ва уруғли боғларда 30-35 йилни ташкил қиласиди. Бироқ пакана боғлар маҳсулдор даври деярли икки баробар қисқа бўлса ҳам улар шу даврда уруғли боғ бутун умрида берадиган маҳсулотдан деярли 1,5-2 баробар кўпроқ ва сифатлироқ, таннархи арzonроқ маҳсулот беради.

Ҳозирги замонда қисқа муддатда (нав яратиш учун) кўпдан кўп янги маҳсулдор, сифатли, замонавий талабга тўла жавоб берадиган кўпдан кўп навлар яратиляпти (нав яратиш технологиясини такомиллашгани ва бу масала билан кўпроқ замонавий юкори технологик ташкилотлари шуғулланиши оқибатида) ва мавжуд навлар ўзларини баъзи жиҳатлари билан замон талабидан орқада қолиб кетаяпти.

Пакана бўйли пайвандтагга уланган боғларда навларни янгилаш жараёни ҳам икки баробар тезроқ амалга оширилади. Шу орада янги технологиялар пайдо бўлади ва уларни боғдорчиликка жорий қилиш имкони яратилади.

Замонавий пакана бўйли пайвандтагга уланган боғларни сугориш учун томчилатиб сугориш тавсия этилаяпти ва дараҳтларнинг ораси жуда яқин ($0,6-1,2$ м). Бу жараён ўз навбатида илдиз системасини ёйилишини чеклайди ва уларни танаси атрофида зичроқ жойлашишига мажбур этади.

Томчилатиб сугориш ҳам асосий илдиз системасини маълум жойда шаклланишини таъмин этади. Маълумки илдиз озукани тупроқдан эриган ҳолда олади. Демак тупроқдаги моддаларни эритиши учун сув зарур. Томчилатиб сугорганда асосан томчи маълум

ерга тушади ва уни атрофини, чуқурлигини, тупрок шароитидан келиб чиқкан ҳолда маълум миқдорда намлайди.

Томчи доимий намланган ерда дараҳтни сўрувчи илдизларини жамланишига олиб келади. Шу тариқа замонавий интенсив боғларда илдиз системасини тарқалишини керакли усулда бошқариши мумкин.

Томчилатгичларни жойини ўзгартириш лозим бўлса, юқорида қайд этилган жараённи ҳисобга олиш зарур.

Дараҳтларнинг ҳаво совуғига ва тупроқни турига чидамлилиги. Дараҳтларни совуққа чидамлилиги уларни турига, навига, пайвандтагни турига, агротехник тадбирларни тўғри бажарилишига ва об-ҳавони келишига, айниқса об-ҳавога чамбарчас боғлиқдир.



Ўзбекистонда хаттоки қор кам бўлган йилларда ҳам тупроқдаги ҳарорат -10-110дан паст бўлмайди ва интенсив кўчатларни илдиз системасига унча хавф туғдирмайди.

Кўпгина маълумотларга кўра боғда кўчат яхши парвариш қилинганда пакана, ярим пакана пайвандтагли боғларда илдиз системасини совуққа чидамлилиги, кучли ўсувчи пайвандтагдан деярли фарқ қилмайди.

Г.А.Дылевский маълумотига кўра 1931 йилдаги совуқда Тошкент худудида ўсувчи паст бўйли боғда олмалар (Пармен зимний золотой, Золотое Граймо, Ренет Симиренко ва б.) кучли пайвандтагда ўсувларига нисбатан анча камроқ заарлаган.

О.К.Афанасьев қизиқарли маълумот келтиради. 1968 йилни баҳорида олмалар қийғос гуллаётганида (17 марта) Тошкент воҳасида ҳавони ҳарорати кескин равишда -100 тушиб кетди. Буни натижасида барча гуллар ва гунчалар нобуд бўлди. Лекин орадан 9-10 кун ўтгач дараҳтлар қайтадан гуллай бошлади. Ўқидаги резерв куртакларни ҳисобига қайта гуллаш даражаси боғларни ва пайвандтагларни турига қараб ҳар хил бўлди.

Бир хил бўлган навларда ҳам ҳар хил пайвандтагда уларни дараражаси ҳар хил бўлди. Паст, айниқса пакана пайвандтагда уни устига симбағазда ўстирилаётганда гуллаш даражаси кучли пайвандтагдаги боғларга нисбатан ЎзБУ ва В ИТИ МСБда қайта гуллаган боғлардан (1968.) пакана пайванд тоғли симбағазли боғлардан (тўртинчи иили) олтида навдан ўртacha 92 ц/га ҳосил олинди. Белый налив ва Кандиль синап навларини ҳосилдорлиги 140 ц/га ташкил қлди. Ўн яшар эркин ҳолда шаклланган пакана бўйли боғлардан эса худди шу навлардан ўртacha 60 ц/га ва кучли ўсувчи боғлардан эса атиги 23 ц/га ҳосил олинди.

1968-1969 йй. қиши янаем нокулай келди ва ҳавони ҳарорати январь ва ферваль ойларида бир неча бора -30-340 тушиб кетди. Бундай совуқлардан дарахтни танасидаги ва она шохларини пўстлоги ёрилиб кетди. Икки ёшли ва бир ёшли новдалар ҳамда мева куртаклари шикастланди.

Шу билан бир вақтда шикастланиш даражаси нав, пайвандтаг тури ва боғни шаклига қараб ҳар хил бўлди. Энг кўп шикастланган боғлар бу кучли пайвандтагда ўсувчи боғлар эди. Пакана эркин ҳолда ўсувчи боғлар олдингидан камроқ ва энг кам шикастланган (5-жадвал).

5-жадвал

1968-1969 йилларда ҳар хил шаклдаги боғларда ўсувчи Пармен зимний золотой ва Ренет Симиренко навларини шикастланиш даражаси

Т/Р	Боғтури	Шикастланиш даражаси, балл			Мева куртагини шикастланиш даражаси, %
		танасини пўстлоги	бир яшар новдалар	икки яшар новдалар	
1.	Кучли пайвандтагда ўсувчи боғ	2,3	1,9	1,4	87
2.	Пакана пайвандтагда эркин ҳолда ўсувчи боғ	1,3	1,4	1,0	74
3.	Симбағазда ўсувчи пакана пайвандтагли боғ	0,0	1,0	0,7	43

Симбағазда ўсувчи пакана бўйли боғлар бўлди. Худди 1968 йилдаги каби кўпроқ пайвандтаг ва боғни шакл бриш турига боғлик бўлди. Энг кўп зарар кўрганлари бу кучли пайвандтагда ўсувчи од-



дий (эркин) усулда шаклланган боғлар бўлди. Ундан анча камроқ эркин усулда шаклланган паст бўйли пайвандтагли боғлар бўлди. Пакана, ярим пакана пайвандтагда ўсувчи симбағазли боғлар ундан ҳам камроқ зарар кўрди.

Шу билан бир вақтда симбағазли боғлар, дараҳтларни экилиш зичлиги кўплиги ва шоҳларни камлиги ҳисобига тутгич вазифасини ҳам бажаради. Уларни қатор орасида қор қатлами 50-60 см ташкил қиласиди ва уларни шамол учирив кетмайди, бошқа эркин усулда шаклланган боғлардаги каби.

Қор қатлами дараҳтни танаси ва илдизини совуқдан сақлаш билан бир вақтда эриганида катта қатлам тупроқни намлайди ва баҳор ва ёз ойлари учун катта нам захираси бўлиб хизмат қиласиди.

Шу йили паст бўйли М-3 пайвандтагига уланган боғлар пакана бўйли М-9 пайвандтагли боғларга нисбатан совуқдан кўпроқ шикастланди.

А.Х.Хамроходжаевни маълумоти бўйича пакана, ярим пакана пайвандтагли боғлар 1969 йилда нисбатан камроқ шикастланганлиги боис улар сезиларли даражада ҳосил беришди.

1959 йилда пакана пайвандтагда экилган боғда қиши анча қаттиқ келишига қарамай, Налив белый ва Ренет Симиренко навлари бўйича ўртача ҳосилдорлик 202 ц/га ташкил қиласиди. Кучли пайвандтагли боғда эса атиги 22 ц/га.

Пакана бўйли симбағазли боғда 1965 йилда экилган ўртacha ҳосилдорлик 252 ц/га ва айрим навлар бўйича : Пармен зимний золотой ва Ренет Симиренко тегишли равишда 380 ва 556 ц/га ташкил қиласиди.

Шундай қилиб, 1968 ва 1969 йиллари ўзларини баҳори ва айникса қиши Ўзбекистон шароти учун анча ноқулай келган бўлса ҳам ўзини бу ноқулай об-ҳаво шароитига қарши туриш қобилиятлари билан паст ва айникса пакана бўйли пайвандтаг уланган боғлар ажралиб туришди. Айникса симбағазли боғларни чидамлилиги анча юқори бўлди. Бундай боғларни қарови қониқарли бўлиб, ўз вақтида суви, озиқаси ва қатор орасига ишловлар берилса, уларни ноқулай шароитга чидамлилиги ортиб боради, айникса қишики ноқулай шароитига.

Бу омилларни ҳаммаси ҳар хил шароитда ҳам пакана, ярим пакана бўйли боғлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш гарови бўла олади.

Бизларга қүшни бўлган Жанубий Қозогистонда ҳам худди шундай кузатув олиб борилган. А.Г.Анроповни маълумоти бўйича Чимкент вилоятини “Сариагач” хўжалигида сугориладиган майдонда 1954 йил кузидаги бўлган совуқ натижасида кучли пайвандтагда ўсуви Розмарин белый ва Кандиль синап навлари хаммаси шикастланди ва совуқ уриб кетди. Лекин шу навлар пакана бўйли М-9 ва паст бўйли М-3 пайвандтагда ўсуви дараҳтлар умуман шикастланмаган ва кейинги йиллари тўлиқ ҳосил берган.

Шу муаллифнинг маълумоти бўйича 1968-1969 йиллари қаттиқ совуқда Олма Ата вилояти боғларида паст бўйли пайвандтагда ўсуви дараҳтлар камроқ заарланган.

В.И.Будоговскийнинг маълумоти бўйича Краснодар ўлкасидағи “Сад-Гиганд” хўжалигида ўсуви 1953-1951 йиллари қаҳратон қишидан сўнг паст бўйли пайвандтагда ўсуви боғлар кучли пайвандтагда ўсуви боғларга нисбатан яхшироқ сақланиб қолган.

1955-1956 йиллари эса шу хўжалиқдаги паст бўйли боғлар худди кучли пайвандтагли боғлар билан бир хил шикастланган. Шу йили (1955.) паст бўйли боғларда ҳосилдорлик анча юқори бўлган, бунга шу сабаб бўлган.

Россиянинг ўрта қисмларида шу муаллифни маълумоти бўйича қишиш қаттиқ бўлган йиллари совуқка чидамлилиги паст бўлган (Мелба, Папировка, Уэлси ва б.) навлар паст бўйли парадизка краснолистная пайвандтагли дараҳтлар кучли ўсуви пайвандтагли драхтга қараганда яхши сақланиб келган.

Шу билан бир вақтда М.А.Соловьев қайд қилиши бўйича вегетация даврида намлиқ етарли бўлмаган майдонларда қишиш қаттиқ келганда паст бўйли пайвандтагли боғлар кучли пайвандтагли боғларга нисбатан кучлироқ заар кўради.

Паст бўйли пайвандтагли дараҳтларни кучли пайвандтагда ўсуви дараҳтларга нисбатан совуқка чидамлилигини, уларда ўсиш даври эртароқ тўхташи ва шу билан пластик моддалар захираси кўпроқ бўлиши ва қишига яхшироқ тайёрланиши билан изоҳ қилинади.

Паст бўйли пайвандтагли дараҳтларнинг тупроқ шўрлигига чидамлилик даражаси бўйича жуда маълумот кам. Лекин шунга қарамай, баъзи маълумотлар бор. Мавжуд бўлган кам маълумотлар ҳам паст бўйли пайвандтагни шўрга чидамлилиги анча юқорилигини тасдиқлади.

Г.А.Дылевскийнинг маълумоти бўйича 1905 йилда Марказий чўлда ташкил қилинган боғларнинг етти йилдан кейинги аҳволи паст бўйли пайвандтагдаги боғни аҳволи аъло даражада бўлса, кучли пайвандтагда ташкил қилинган боғнинг 50 фоизи куриб қолган эди.

Р.Р.Шредер номли БУваB ИТИнинг чўл худудидаги филиалида (Жиззах чўлида) 1950-1951 йиллари экилган 8-9 яшар пакана бўйли M-9 пайвандтагли боғларда хатоси деярли бўлмаган ва ҳосилдорлик Ренет Симиренко навида 180-220 ц/га ташкил қилган. Шу билан бир вактда мевалари жуда сифатли бўлгани.

Паст бўйли пайвандтагли боғларни ер ости суви яқин жойлашган ерларда, айниқса ёздаги суғориш мавсумида яхши ўсиш ва ривожланиши сабаб илдиз системасини асосий қисми юзада жойлашган бўлади. Улар ер ости сувидан кам шикастланади ёки деярли шикастланмайди. Кучли пайвандтагда ўсувчи дараҳтларда эса илдиз системаси кучли шикастланган бўлиб, чуқур жойлашади ва сув кўтарилган вактда анча чуқурда жойлашган илдизлар сувда қолиб кетади ва нобуд бўлади. Бу асосан дараҳтларни учларини, кейинчалик дараҳтни тўлиқ қуришига олиб келади.

3. Пакана, ярим пакана мева боғларини ташкил этиш учун қўйиладиган агротехник талаблар

Ёш дараҳтларни парвариши. Дараҳтлари мўл сифатли ҳосил олиш учун жойни тупроқ ва сув шароитидан келиб чиқсан ҳолда пухта ўйланган дифференциялашган агротехник тадбирларни ўтказиш лозим

Биринчи экилган йилидан бошлаб дараҳтлар яхши ўсиш кучига эга бўлиб, мевали куртаклар ҳосил қила бошлаши лозим Шунинг учун ёз давомида қўчатлар тупроқ шароитидан келиб чиқиб, 10-18 маротабагача яхшилаб сугорилади. Кўчатнинг атрофи 3-4 маротаба 10-12 см чуқурлиқда юмшатилади. Ўсув даврида 2-3 маротаба минерал ўғит билан озиқлантирилади. Ўғитлар чукур (10-12 см) берилади ва иложи борича кетидан сув қуйиб сугориш яхши натижа беради. Ҳар бир сувдан сўнг, сув қуйилган жўякларни юмшатиш зарур.

Ўзбекистон шароитида ёш, пакана, ярим пакана бўйли боғларни қатор орасига 2-3 йил давомида, симбағазли боғларни қатор орасига факат экилган йили оралиқ экинлар экиб фойдаланиш мумкин, агар шунга эҳтиёж бўлса. Лекин ривожланган мамлакатларда: Европа мамлакатларида, АҚШ ва бошқа, ёш мевали боғларни қатор орасидан фойдаланиш самарасиз ҳисобланади ва у ёш боғ агротехникасига путур етказади деб ҳисобланади. Бунга энг асосий сабаб, чет элларда барча ишлар жараёни механизациялашган. Мевали боғларни қатор орасига бу механизмлар сифмайди. Шу сабабдан уни орасида етиштириладиган маҳсулотни таннархи юқорилашиб кетиб, иқтисодий самарасиз бўлади.

Ёш боғларни қатор орасига сабзавот (карам, помидор, бодринг ва б.) ва картошка экса бўлади. Богларни қатор орасига маккажўхори, буғдой ва шунга ўхшашиб бўйчанг ва маълум вақт (пишиш арафасида) сувдан чекланувчи экинлар экиш ярамайди. Чунки улар дараҳтларга соя қилиб, қатор орасида ҳавони айланишига ҳалақит беради. Пишиш даврида сувдан чеклаш, буғдой, арпа ва бошқа, дараҳтларни касалланиш ва қуришга олиб келиши мумкин. Айниқса боғ экилган йилда чунки дараҳтларни илдиз системаси заиф бўлади ва у етарлича ривожланмаган бўлади.

Ёш боғлар қатор оарсига экиладиган экинларга табиийки озуқа

берилади, дарахт шу озукадан фойдаланади деб ўйлаш нотўғри бўлади. Дараҳтларни у даврда тарқалиш кенглиги чегараланган бўлади, айниқса биринчи йили ва у оралиқ экинга берилаётган озукадан фойдалана олмайди. Шунинг учун дараҳтларга озукани алоҳида бериш лозим

Ўзбекистон шароити ўзига хос хусусиятларлга эга. Ёз ойи иссиқ ва қуруқ бўлади. Бунда ҳавода намлик пасайиб кетиши билан бир вактда ёш боғларни қатор орасидаги тупроқ ҳам қуриб кетади. Бу жараён барча мевали боғлар учун салбий таъсир қиласди.

Маълумки олма, айниқса нок дараҳтлари ҳавони ва тупроқни намлигига анча талабчан, уларни миқдори рисоладагидек бўлса улар яхши ўсади ва ривожланади.

Олма денгиз сатҳидан 700-1000 м баландликда нок 800-1200 м баландликда яхши ўсади ва ривожланади. Бу баландликда ҳавони ва тупроқни намлиги мўътадил бўлади. Мевали боғларни қатор орасига оралиқ экин экилганда уларга қўшимча ишлов бериш натижасида суғориш, қатор орасидаги тупроқни намлиги ва ўсаётган ўсимлик баргларидан доим сув парланиб туриши (транспирация) ҳисобига мевали боғни тупроғида ҳам ҳавосида ҳам нам миқдори анча юқори бўлади. Бу жараён дараҳтларни ривожланишига ижобий таъсир этади.

Тупроқни устки қисми ўсимликларни палаги билан ҳимояланганлиги сабабли намлик даражаси етарли бўлади ва у ерда микроорганизмларни фаолияти, ривожланишига яхши шароит яратилганлиги сабабли уларни миқдори ҳам кўп бўлади. Бу эса тупроқнинг унумдорлигига жудаям ижобий таъсир этади.

Ҳаводаги намликни етарли бўлиши ўсимликни ер устки қисмини ривожланишига ижобий таъсир этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон шароитида ёш дараҳтлар ораларини оралиқ экинлар билан банд қилиш боғни ривожланишига ижобий таъсир этади, ернинг самара-дорлигини ва унумдорлигини оширади.

Боғни орасида оралиқ экинлар экиб фойдалангандага жудҳам кечки экинлар экиш тавсия этилмайди. Оралиқ экинларни охирги ичадиган сув мурдати 15 сентябридан кеч бўлмаслиги лозим. Бундан кеч бўлса дараҳтларни қишига тайёрланишига салбий таъсир этади.

Дарахтларни оралари ўт босмаслиги учун, ёшига қараб 40-80 см кенглиқда эрта баҳорда гербицидлар билан ишлов берилса анча са-марали бўлади.

Кузда ёш боғларни қатор орасини октябрь ойининг охири, ноябрь ойининг бошларида 22-25 см чукурликда сўқа билан хайдалади. Хайдовдан олдин азот, фосфор ва калий ўғитлари солинса яхши самара беради. Ҳайдалганда қатор



орасидаги тупроқни ўртага олиб ҳайдалади (всвал). Сўқа ва трактор дарахтдан 50-60 см яқинроқ масофага бормаслиги лозим Чунки ундан яқин бўлса сўқа дарахтнинг илдизини, трактор дарахт танасини шикастлайди. Бундай хайдовда дарахтни қатори тракторнинг чап томонида бўлиши лозим

Эрта баҳорда тупроқ ишловга етилиши билан хайдалган майдан 15-17 см чукурликда ПРВН-2,5А агрегати билан, қатор орасига сифсоа (қатор оралари 4 м кўп бўлганда) КЗУ-3 агрегати билан қатор ораси чизелланади ва лозим бўлса керакли оралиқда сугориш учун ариқ олинади. Иккинчи йилдан дарахт ораларига маҳсус агрегатлар билан ишлов берса бўлади. Қатор орасини ва дарахтлар орасини бир йўла ишлов беришда дарахтларнинг тагини ишлов берадиган агрегатларни ишлов берадиган чукурлиги 10-12 смни. ташкил қилиши лозимки.

Агрегатларни ишловга тайёрлашда шуларга аҳамият бериш лозим, айниқса маҳсус қўшимча ҳаракатланадиган секцияли культиваторларда.

Ёш боғларнинг қатор орасини оралиқ экинлар билан банд қилганда, дарахт ораларини ёз давомида 3-4 маротаба қўлда юмшатиб чиқилади. Экилгандан сўнг 2-3 йиллари пакана, яrim пакана бўйли пайвандтагда барпо қилинган боғлар 6-8 маротаба сугорилади. Албатта кузда ҳам сугорилади (сентябрь-октябрь).

Қишлишга тайёрланиш жараёнида дарахтлар қуриб қолмаслиги учун қатор ораси кора шудгорда ушланса ҳар сугоришдан сўнг қатор ораларига культиватор ёрдамида ишлов берилади.

Замонавий интенсив боғларни қатор оралари, айниқса симбағазли боғларда оралиқ әкінлар билан банд қилинмайды. Қатор ораларини чим ўт билан қоплаб, дараҳт ораларига маҳсус механизм билан ёки гербицидлар ёрдамида ишлов беріб, тоза сақланади. Дараҳтлар қатор оралари чим ўт билан қопланған бўлса, уларнинг бўйи 20-25 смга етганида маҳсус техника билан ўриб, майдалаб қатор орасига ташлаб кетилади. Келгусида у чириб, тупроқ таркибидаги чириндини миқдорини оширишга омил бўлади.

Бир йил давомида ўтларнинг ўсишига қараб 2-4 маротаба ўрилади. Охирги ўримни иложи борича тупроқ қатламига яқинроқ қилип (пастрок) ўриш мақсадга мувофиқдир. Бунда заараркунанда ва қасалликлар қишлош макони иложи борича камайтирилган бўлади. Шу билан бир вактда дараҳтларни қатор орасидаги тупроқни ҳар хил емиришлардан (эррозия) сақлади.

Дараҳтлар ҳосилга киргунча ҳар йили уларнинг атрофига минерал ўғитлар берилади. Кузда 80-120 г фосфорли, 30-40 г калийли, 60-70 г азотли ва баҳорда 70-80 г азотли ўғит таъсир этувчи модда ҳисобида берилади. Улар дараҳтнинг атрофини юмшатиш йўли билан тупроққа 7-8 см чукурлигига кўмиб юборилади.

Дараҳтлар ҳосилга кириши билан бериладиган ўғит миқдори ҳосилга қараб ошиб боради. Шу билан бир вактда ўғит бериш нисбатлари ҳам ўзгаради. Барча мевали дараҳтларда мева куртагини ҳосил қилиш даври ёзниң иккинчи ярмiga тўғри келади. Бу жараённи нормал ўтиши учун бир қанча жараёнлар маъсул. Шу билан бир вактда асосий омиллардан бири озуқа.

Озуқа бўлганда ҳам фақат азот эмас, балки унга қўшимча қилип фосфор ва калий ўғити ҳам берилса мақсадга мувофиқ бўлади. Фосфор ўғити мева куртагини ҳосил қилиш жараёнини (дифференция) жадаллаштириб, уни сифатли ўтишига маъсул бўлса, калий ўғити ҳам бу жараёнда актив иштирок этиб, дараҳтни барча қисмларини қишига сифатли тайёрланишига ижобий таъсир этади.

Шунинг учун бериладиган фосфор ва калий ўғитининг teng ярмини ёзниң иккинчи ярмида берилса яхши самара беради.

Дараҳтларни кесиш ва уларга шакл бериш. Боғдорчиликни интенсивлаш дараҳтлардан иложи борича эртароқ мўл ҳосил олишни талааб этади. Бу масала бир томондан эрта ҳосилга кирувчи на-

вларни, эрта ҳосилга киргизувчи пайвандтагларда етиштиришни ва улар юқори агротехника жараёнида парваришилаш билан амалга оширилса, иккинчى томондан эса бу жараён дaraohтларни түғри кесиш ва шакл бериш билан назорат қилинади.

Ёш мевали дaraohтларга умуман шакл берилмаса ва кесилмаса, улар тез ҳосилга киради. Лекин ҳосилдорлиги жуда секин күпаяди ва мевасининг сифати пасайиб кетади. Шу билан бир вактда дaraohтнинг айрим қисмларининг мувозанати бузилади ва меваларни оғирлигига, айникса паст бўйли пайвандтагда ўсуви дaraohт бўлса бир томонга эгилиши, шохларининг синиши ва хаттоки дaraohтни ағдарилишига олиб келиши мумкин.

Бақувват танали мевали дaraohтга шакл бермай, кесмай, парваришилаб бўлмайди. Дaraohт кесгандা ҳам у танасидаги ҳосилдорликни, мева куртакларини шаклланишини ошириб бориши лозим. Бу жараённи мевали дaraohтини бутун ҳаёти давомида таъмин этиб бориб лозим

Дaraohтни танасини ҳамма қисмларига қуёш нури яхши тушиши ва дaraohт танаси ундан унумли фойдаланиши учун, ҳозирги вактда дaraohтга шакл берилганда она шохларини камроқ ва сийракроқ қолдиришга харакат қилинади. Мева шохчалари она шохини танаси бўйлаб текис тақсимланади. Сийрак танада қуёш нурини тушиши нормал бўлиб, ўз вактида танани маҳсулдорлигини оширади ва меваларни сифатини анча яхшилади.

Дaraohтни танасига еталича қуёш нури тушмаса, бу мева шохларини камайишига ва уларни тез орада нобуд бўлишига олиб келади. Ҳосил шохлари учida ҳосил бўлишига ва дaraohтни кучли ўсиб кетишига олиб боради.


Эркин усулда шаклланган дaraohтларнинг танасини ривожи шакл бериш ва кесиш билан назорат қилинса, симбағазда ўстириладиган дaraohтларнинг танаси ўсишини ва ривожини назорат қилиш, шохларини эгиш, мева шохларини ҳосил қилишни назорат қилиш, бир йиллик ўсуви шохларни иложи борича камроқ қисқартириш ва етарли даражада (шароидан келиб чиқсан ҳолда) кучли сийраклаштириш билан назорат қилинади.

Замонавий усулда ўстирилаётган симбағазли боғларда бу жараён янаям аҳамиятли, чунки доим дараҳтни ўсишини таъмин этиш билан бир вақтда шохларни қалинлашиб кетишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Дараҳт ва қаторни шакллантириш. Узлуксиз қаторни ҳосил қилиш ва барча бўш жойларни мева шохлари билан тўлдириш, дараҳтларни зич экиш ёки маҳсус шакл бериш усуллари билан амалга оширилади.

Гарбий Европа мамлакатларида мева кўчатининг нархи жуда қиммат. Маълум майдонда кўчатни сонини ошириш, боғ барпо қилиш харажатларини анча ошириб юборади. Шу ер фемерларини фикрича дараҳтни сийракроқ жойлаштириб, узлуксиз мева деворни ҳосил қилишни маҳсус шакл бериш усуллари билан эришиш лозим

Аввалдан бу мамлакатларда мукаммал шаклланган дараҳтлар мевачилигини ноёб ютуғи ҳисобланган ва улар шу ананадан келиб чиқиб шундай фикр юритаётган бўлиши мумкин.



Н.Гоше ва П.Шампанья фикрича маълум бўлган ва хаваскор боғдорчилигида кенг тарқалган ҳар хил нордон, пирамида, мураккаб пальметталарга шакл бериш усуллари ва уларга афзаликлари хақида кўп ёзилган. Бироқ уларни ишлаб чиқаришда қўллаш имкони чекланган. Сарф ҳаражат, шакл беришга кўп қўл меҳнати сарф бўлади.

Шулардан келиб чиқкан ҳолда замонавий интенсив (жадаллашган) пакана, ярим пакана бўйли пайвандтагда ўстирилаётган боғларда асосан веретиносимон шакл бериш усули (цилиндр – шпиндель) қўлланилаяпти.

Дараҳтларга бу усулда шакл бериш техникаси Мак Донелла (1976 йил) томонидан батафсил ёзилган. Биз Мак Донелла баён килган техника, баъзи кейинги муаллифларни фикрини ҳисобга олган республикамиз иқлим шароитидан келиб чиқкан ҳолда шарҳ беришга ҳаракат қиласми.

Бу системанинг асосий мақсади шакл беришнинг дастлабки йилларидаёқ тез ҳосилга кирувчи паст бўйли сер маҳсулдор дараҳт

ҳосил қилиш. Табиийки биринчи йиллари мева шохлари камрок ҳосил бўлади. Чунки ўсиш кучи анча кучли бўлади. Булар бир-бирига доим тескари нисбатда бўлади.

Шунинг учун ҳам дарахтни кесиш ва шакл бериш, дарахтни ўсиш кучини пасайтиришга йўналтирилади. Бунда кўпгина омиллардан фойдаланилади, новдаларни эгиш, тез ҳосилга кирувчи, секин ўсадиган навларни экиш (Голден Делишес, Джаймс Грив, Идаред ва ҳоказо), М-9 каби пакана бўйли пайвандтагда ўстириш.

Бог барпо қилинаётган вақтда ҳар хил кўчатлардан фойдаланишга тўғри келади. Бу эса боғларга бир хил веретино усулида шакл беришга қийинчилик туғдиради (расм).

Расмдаги В ва В кўчатларини шохламаган деб ҳисобласак бўлади. С ракамидаги кўчатимиз эса тана қисмида келажакда она шохлари бўладиган ерда маълум шохланишга эга.

Биринчи ҳолатда кўчатни баландлиги 75 см ортиқ бўлганда уни 80 x 5 см баландликда шохлатилади. Бунинг учун шу баландликда новда кесилади ва у ердан келажакда шохлар чиқади ва дарахтни она шохига айланади, кучлироқ ўсган кўчатларни эса баландроқда кесилади. 75 см бўйига етганда кўчатлар кесilmай қолдирилади.

Кучли шохланган (С) кўчатларда иложи борича кўпроқ ён шохлар қолдирилади. Синган бир-бирига ҳалақит берадиган ва учли бурчак остида ва ердан 45-50 см бўлган баландликда ўсиб чиққан шохлар олиб ташланади. Кўчатни эса 85-90 см баландликда кесиб, яна шохлашга кўйилади. Кесганда она шох мавжуд бўлса, ундан 2-3 куртак баландроқдан кесилади. Кўчатни ёнига 1,8-2 м келадиган қозик маҳкам ўрнатилади. Келажакда дарахт тўғри ўсиши учун шу шохга боғланади.

Дарахт бир йил ўсгандан сўнг озгина кесилади. Бунда марказий она шохини ўсишига қайта эътибор бериш лозим, уни ўсиш кучи ён шохларга нисбатан сустроп бўлиши лозим

Баъзи ҳолатда марказий навда ён шохга ўтказилади, марказий шохни ён шохгача бўлган қисмини кесиб ташлаш билан. Агарда пастдаги шохлар яхши ўсаётган бўлса, марказий шох кучли ўсувчи ён шохга ўтказилади, марказий шохни кесиш йўли билан. Ёмон ўсаётган бўлса марказий шохни кучсиз ўсаётган ён шохга ўтказилади.

Бундай марказий шохни алмаштириш дарахтни тепага ўсишини секинлатиб, ён томонга йўналган шохларни ўсишини жадаллаштира-

ди. Ҳар йили шохни қарама-қарши томондан танлаб, уларга ўтказиш йўли билан дараҳтга илон изидай шакл (зигзак) бериб, унинг баландга ўсишини секинлаштириб туришга эришилади.

Ҳамма тик ўсиб, ўринбосар бўлиши мумкин бўлган новдалар олиб ташланади ёки лозим бўлса эгиб, уларни мева шохларига айлантирилади. Ён шохлар кесилмайди, лекин ўшиш даврида вертикал ҳолатга яқинлашса, улар эгилиб, горизонтал ҳолатга олиб келинади.

Иккинчи йили ўсаётган дараҳтдан гулларни, агар улар бўлса, олиб ташлаш керак эмас, айрим ҳоллардан ташқари (агар дараҳтни ўшиш кучи жуда суст бўлса). Дараҳт озгина ҳосил бериши мумкин ва уларни ўсишини кисман пасайтириб, тезроқ ҳосилга етишига имкон беради.

Иккинчи ўсув йилидан сўнг дараҳтлар етарли даражада катта бўлишлари ва уларни пастки шохларида сезиларли миқдорда ҳосил шаклланиши лозим Бундай ҳолатларда олдинги йилдай дараҳтни кесиши кам ҳажмлик (минимальный) бўйича қолади.

Марказий шох доим сусайтириб борилса ҳам у бошқа ён шохлардан юқори бўлиб туриши лозим Бошқа шохлардан қалин ва баланд бўлиши керак.

Худди олдинги йилдек марказий шох ён шохга (кесиб) ўтказилади. Бу новдани ўшиш кучи суст бўлса, уни ўзи кесилмайди. Ўшиш кучи кучли бўлса у қисқартирилади. Дараҳтни танасини ички қисмини тўлдириш учун зарур бўлган новдалар қолдирилади ва лозим бўлса улар эгилиб боғланади. Кучли ўсадиган новдалар олиб ташланади (кесиб). Пастки скелет новдаларга ракобатдош бўлган ҳамма новдалар олиб ташланади (расм).

Дараҳтда иложи борича кўпроқ ёғоч қисми сақланиб қолинади. Келаси йили кўпроқ ҳосил олиш учун кузда ёки баҳорда дараҳт янга қозикга тўғрилаб боғланади.

Учинчи сезондан сўнг дараҳт “цилиндр – шпиндел” шаклига эга бўлиши лозим Ён шохлар қатор орасидаги дараҳтларни ён шохлари билан туташиб кетган бўлиши ва дараҳтнинг бўйи 1,9-2,1 мга етган бўлиши лозим

Олдинги йиллардаги каби бу йил ҳам марказий шох ён шохга ўтказилади. Агарда ўшиш кучи кучли бўлса уни суст ўсаётган ён шохга ўтказилади. Марказий шохни ўсиши суст бўлса ўзини қолдирилади.

Пастда жойлашган кучли ўсган шохлар ўзини қалинлиги би-лан дaraohтни танасини 1/2 қисмидан ошганлари тескари түнка қолдирилиб кесилади (расм), кесган ердан кучли ўсуви эмас, балки мева шохи ўсиб чиқиши учун.

Она шохларда ўсиб чиқкан кучли новдаларни ҳам олиб ташланади (кесиб) ёки лозим бўлса (танада шунга жой ва эҳтиёж бўлса), горизонтал ҳолигача эгилиб боғланади. Ҳосил остида эгилган новдалар ён шохга ёки куртакка қисқартирилади. Скелет шохлардан паст жойлашган майда шохлар ҳам олиб ташланади. Дaraohтни танасини ичидаги жойлашган майда шохлар, агар улар доимий сояда қолиб кетган бўлса, кам ва сифатсиз ҳосил беради.

Шунинг учун бу ўшдан бошлаб мева шохларини сийраклаштиришни бошлаш лозим. Кучли ҳосил бўлган вақтда майда мева сони ортади ва дaraohтларнинг сусткашлик билан ҳосил беришга ўтиш эҳтимоли ортади.

Тўртинчи ва ундан кейинги ўсуви йилларида дaraohт тўлиқ шаклланган веретино шаклига эга бўлиши лозим. Скелет шохлари нисбатан кучли бўлиши лозим ва улар ён дaraohтнинг она шохлари билан туташиб кетган бўлиши лозим.

Дaraohтни юқори қисмida ингичкароқ новдалар жойлашган бўлади (расм). Шу даврдан бошлаб дaraohт новдаларини ўсиши билан ҳосил қилиш куртак ва шохларини ривожланиш балансини мёърида сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Дaraohтни конус шакли уни ҳар қандай қисмини хаддан ташқари кучли ўсишини чеклаш билан амалга оширилади. Акс ҳолда дaraohтни пастки қисми сояда қолади.

Бир ёки икки сезон давомида дaraohтларни айрим қисмларини жуда кучли ўсиши дaraohтни кейинги бир неча йиллик маҳсулдорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

Дaraohтларни баландлиги 2,1-2,4 м бўлиши лозим. Агар бўйи бундан кўп бўлиб, катор ораси торрок бўлса, ён қатордаги ўсимликка соя қиласиади. Шу билан бир вақтда уни парваришига ва мевасини теришга кўшимча маблағ сарф бўлади ва у дaraohтни бўйи ошган сари ортиб боради. Шунинг учун кучли ўсан дaraohтларни марказий шохлари ён шохларга йўналтирилади (ўтказилади) юқорида баён қилингандек.

Дaraohт танасидаги паст қисмини қалинлашиб кетмаслиги учун мевали шохлар пайдо қилиш мақсадида она шохлардаги новдалар-

ни доим сийраклаштириб ёки қисқартириб туриш лозим, бунда мос келадиган новдага ўтказилади. Бундай кесишни эътибор билан новдани ва дараҳтни ўсиш кучини ҳисобга олган ҳолда бажариш лозим

Агарда жуда кам ва суст ўсаётган ён шохга ўтказилиб кесилса, унда ўсиш кучи ҳам дараҳтни танасини ёруғлик даражаси ҳам ижобий томонга деярли ўзгармайди. Хаддан ташқари кучли кесилса, дараҳтни ҳосилдорлиги пасайиб, янги ўсиб чиқсан кучли новдалар дараҳт танасини янаям соялаштиради.

Дараҳтларни пастки қисмидан ўсиб чиқсан кучли тикка (вертикал) ўсувлари новдалар олиб ташланади. Акс ҳолда улар дараҳт танасида соялик ҳосил қилиб, мева куртакларини ҳосил бўлиши ва ривожига салбий таъсир кўрсатади. Ўсаётган новдаларни ён ёки тикка ўсаётган новдага ўтказиб кесиш лозим

Баъзи вактда айрим новдалар марказий шохдан ҳам кучли ўсиб кетади. Уларни шароитга қараб олиб ташланади ёки пастроқда жойлашган қулай новдага ўтказиб юборилади. Дараҳтни танасини ўсиб чиқишига қарамай, кучли ўсувлари новдалар олиб ташланади. Чунки уни суст ўсувлари ён шохга ўтказиш керакли натижани бермайди. Тажрибали боғонлар бундай жараённи дараҳтнинг ўсув даврида амалга оширишади. Бунда асбоб ускуна (ток қайчи, appa) ишлатилмайди. Яна бу новдалар котмасдан олиб ташланади ёки лозим бўлса керакли баландликда чилпинади (ўсимликка ишлов беришда қанча танасига пўлат асбоб тегизилса шунча яхши бўлади ёки пўлат асбоб дараҳт танасига салбий таъсир этади).

Агар кучли ўсувлари новда дараҳт танасини бирон қисмини тўлатиши учун зарур бўлса у қолдирилиб, шу қисмини тўлдириш мақсадида керакли еридан керакли вактда кесилади. Дараҳтларни веретино (цилиндр – шпиндель) усулида шакллантириш тез ҳосилга кирувчи серҳосил дараҳтларни шакллантириш имконини беради. Уларни эса зич экиш маълум майдондан эрта ва кўп ҳосил олиш имконини беради.

Дараҳтларга бу йўсинда шакл бериш усули асосан Фарбий Европада яратилган ва уларнинг иқлим шароитига мослашган. Бу усулни кўр-кўрониа тўлиқлигига қабул қилиш самараасиз деб ҳисоблаймиз. Чунки бизни иқлимимиз Фарбий Европадан анча фарқ қиласди. Шунинг учун бу усулни асос қилиб олинган ҳолда ўз иқлим ва тупрок

шароитимиздан келиб чикиб, унга ижобий ўзгартиришлар киргизиб, ўз икlim шароитимизга мослаштиришимиз лозим

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ҳозир бөгбонларимиз олдига паст бўйли интенсив турдаги боғни қўшимча тирговучиз парвариш қилинадиган турларини яратиш масаласи қўйилган.

Бу масалани ҳал қилиш бўйича Р.Р.Шредер номли ЎзБУвАВ ИТИ ҳам анча ишлар олиб бориляпти. Жумладан кучли пайвандтагга пакана пайвандтагдан илдиз бўғиз қўйиб, унга истиқболли нав пайванд қилиб, истиқболли боғлар учун мевали кўчатлар яратиш ишлари олиб бориляпти.

Баъзи адабиётларда қайд қилингандай бундай кўчатларнинг дарахти бўйи пакана пайвандтагда ўстирилаётган дараҳтдан деярли фарқ қилмайди. Аммо илдизи кучли пайвандтагли бўлгани учун дарахтни ҳосилдорлиги ва мевасини сифати анча юқори бўлади.

Бундай боғларни яна бир энг афзал томони шундаки, улар республикамизни барча худудларида бемалол ўсишлари лозим (илдизи кучли бўлгани учун). Тоғ ва тоғ олди худудларида, шағалли ерларда, ўрта шўрланган ерларда ва ҳоказо, бундай майдонлар республикамизда жуда катта майдонни ташкил қиласди. Бундай дараҳтларни тупроқдаги намга бўлган талаби ҳам камроқ бўлади.

Эркин усулда ўсуви дараҳтларни танасига шакл бериш ва кесиши. Пакана, ярим пакана бўйли пайвандтагда ўсуви дараҳтларни танасига шакл бериш усуулари кучли пайвандтагда ўсуви дараҳтлар билан бир хил. Улар сийраклашган ярус шаклида шакллантирилади. Мустаҳкам ва яхши ёритилган танани ҳосил қилиш учун асосий она шохларини ва марказий (лидер) шохни нисбати тўғри танланади. Бунда шохларни ўсиш кучи ва уларни йўғонлиги ҳисобга олинади. Марказий шох бошқа она шохларга қараганда йўғонроқ ва узунроқ бўлиши лозим Ҳар бир она шох ўзидан пастроқда жойлашган она шохдан ингичкароқ ва калтароқ бўлиши лозим

Сийраклаштирилган ярусли танани (Ренет Симиренко ва б.) биринчи тартибда 5-6 она шох ёрдамида шакллантирилади. Кучлироқ ўсуви танаси кўтарилиган навларда (Пермен зимний золотой) 7-8 та новдадан шакллантирилади.

Биринчи пастки ярус учта яқин жойлашган новдадан шакланади. Бу навларни жойлашиш баландлиги ҳам иложи борича бир-бирига

яқин бўлиши лозим Тепада жойлашган якка бўлиши мумкин ва пастки новдалардан 8-10 см баландроқ бўлиши лозим Кейинги она шохлари якка қилиб жойлаштирилади.



Баъзи кам шохлайдиган навларда жуфт қилиб жойлаштириш мумкин. Ҳамма шароитда ҳам охирги навда (она шоҳ) якка бўлиши лозим Биринчи ярусдан сўнг жойлашдиган, якка жуфт она шохларни оралиғи (бир-биридан) 40-60 см бўлиши лозим

Пакана пайвандтагга уланган олма дараҳтларида (Айва Ага уланган нокда) иккита тартиб она шохлари шаклланади ва паст бўйли пайвандтагли олмаларда эса учта тартибда. Тегишли равишда биринчи пайвандтагда ўсуви дараҳтларни она шохларида иккитадан, яrim она шохлари ва иккинчи пайвандтагда ўсуви дараҳтларни она шохларида 3-4 тадан яrim она шохлари шаклланади.

Юкорида жойлашган она шохларида яrim она шохларни шакллантириш танани зичлашишига олиб келади. Шунинг учун уларда фақат яrim она шохлар ҳосил қилинади.

Икинчи тартибли она шохини марказий шохдан 50-60 смда жойлаштирилади, кейингилари эса бир-биридан 40-60 см масофада жойлаштирилади. Ҳамма вазиятда ҳам кучли шохлайдиган навларда иккинчи тартибли шохлар камроқ қолдирилади ва улар 80 см оралиқда жойлаштирилади.

Дараҳтнинг танасида етарли даражада яrim она шохларни ҳам ҳосил қилиш лозим, уларда асосан мева шохчалари жойлашган бўлади. Уларни якка ёки жуфт қилиб жойлаштирилади ва бунда танани зичланмаслигига эътибор бериш лозим Кам шохлайдиган навларда яrim она шохларни ораси 30-40 см ва кучлиларида эса 60 см гача бўлади.

Ҳамма она шохларни ҳосил қилиб бўлгач, марказий шохни 2-3 йил давомида кучли кесиб ўтказилади. Кейинчалик марказий шоҳ бутунлай олиб ташланади. Сийраклаштирилган ярус системасини шакллантириш техникаси қуйидагилардан иборат.

Ёш дарахтларни танасини шакллантирганда бир ёшли новдаларни учдан бир кисмини шохлатиш мақсадида қолдириб кесилади. Шу билан бир вақтда ҳамма ўриндош бўлувчи ва танани зичлаштирувчи новдалар олиб ташланади. Танани шакллантиришига керк бўлмаган ва уни зичлашишига сабаб бўлмайдиган кучли ўсуви новдаларни кела-жакда мева шохларини шакллантириш мақсадида тўрт кўз қолдириб кесилади. Шундай новдаларни ҳар йили кучли кесиш йўли билан яrim она шохлар шакллантирилади.

Дарахт тўлиқ ҳосилга кирган даврда новдаларни ўсиш кучи анча сустлашган бўлган даврда дарахтни танаси нисбатан сийраклаштирилиб борилади. Дарахтни танасини зичлаштирувчи новдалар олиб ташланади. Шу билан бир вақтда вақтинча қолдирилган яrim она шохлар ҳам олиб ташланади. Баъзи кучли ўсган новдалар калташтирилади. Она шохларини ўсишини давом эттираётган бир йиллик шохлар қисқартирилади. Мева шохларини жудаям кўп ҳосил қиласидиган навларда ёши каттароқ кисмини сийраклаштирилади ёки қисқартирилади.

Паст бўйли пайвандтагда, айникса пакана пайвандтагда ўсуви дарахтни актив ўсувини таъмин этиб туриш жудаям зарур. Бу турдаги дарахтлар эрта ва мўл ҳосил бериш қобилиятига эгалиги учун ўсиш жараёнига тескари равишида ёшартирувчи кесишни, кучли пайвандтагда ўсуви дарахтларга нисбатан эртароқ амалга оширилади. Йиллик ўртача ўсиши 8-10 см кам бўлган олма ва нокзорларда танасида икки ёшли ёғочга кесиш билан амалга оширилади. Фақат ҳалқасимон шохларда ҳосил берувчи навлар (спур) ёшартирувчи кесишни эртароқ талаб этади.

Дарахтларни танасини ёшартирганда уларга оширилган нормада минерал ўғитлар бериш ва боғларни кўпроқ суғориш лозим

Дарахтни танасини симбағазга мослаб шакллантириш. Ўзбекистон шароитида ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган асосий симбағазда мева ўстириш усули бу оддийлаштирилган итальян пальметта усулидир. Замонавий дарахтларни юқори зичлашган усулида эса веретино усули ҳисобланади. Хориждан янги ва янги усувлар кириб келяпти. Буларни ичиди энг машхур ва мўл ҳосил берувчи усул V шаклидаги боғлардир. Бу усувларни ҳаммасида ҳам маҳсус устунларга бир неча қатор сим тортилиб, дарахтни танаси шунча шакллантирилиб ўстирилади.

Ўзбекистон шароитида экилган кўчатлар кучли ўсиш билан аж-ралиб туради. Шунинг учун кўчат экилган йилдаёқ симбағазларни ўрнатиш лозим Чунки ёзни иккинчи ярмидан дараҳтларга шакл бера бошлаш лозим

Веретино усулида ўстириладиган боғларда эса дараҳт танасини тўғрилаб тортилган симга боғланади. Акс ҳолда мевани оғирлиги остида ва шамол таъсирида дараҳтни танаси эгилиши ва қийшайиши мумкин. Симбағаз ўрнатиш имкони бўлмаса, ҳар бир дараҳтга маҳсус қозиқ қилиб (рейка, бамбук) қадаб чиқилади. Қозиқлар 2 м дан кам бўлмаслиги лозим

Экилган дараҳтларни оддийлаштирилган итальян усулида шакллантириш учун дараҳт экилган йилидаёқ тиргагичларни ўрнатиш ва уларга иложи бўлса ҳамма тўрт қатор симни, иложи бўлмаса бир қатор бўлса ҳам симни тортиш зарур. Чунки июль ойининг охири август ойида дараҳтларни биринчи яруси симга олинади (боғланади). Бунда дараҳтни биринчи шоҳларга қадар бўлган қисми 50-55 см ташкил қилиши лозим

Биринчи ярудаги шоҳларни июль ойининг охири август ойининг бошида қаторларга йўналтирилган ҳолда 80-850 остида эгиб, симбағазнинг симига боғланади. Бу даврда дараҳтларни актив ўсиши қисман тўхтаган бўлади ва шу билан бир вактда мева куртаклари шаклланиши бошланади (дифференция плодовых почек).

Новдаларни эгиб боғлашдан мақсад баргларда ҳосил бўлаётган пластик моддаларни илдизга бўладиган оқимини секинлатиб, мева куртакларини ҳосил қилишга кўшимча имкон яратишидир. Мева куртакларини ҳосил қилишда фосфор катта ижобий роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам боғга бериладиган фосфор ўғитини иккинчи ярмини июнь ойида беришни тавсия этилади.


Дараҳтларни ўсиш кучига қараб, биринчи ярудаги шоҳлар сони ҳар хил бўлиши мумкин. Агар улар бир жуфтдан ортиқ бўлса дараҳтни ўсиш кучига қараб шакллантирилади. Дараҳт ўсиш кучи кучли бўлса, дараҳтни умумий ўсишини секинлаштириш мақсадида ҳамма мавжуд новдаларни орасида 10-15 см масофа сақлаб эгилади. Бу жараён дараҳтни тезроқ ва мўлроқ ҳосилга етишига имкон беради. Новдаларни эгиш жараёнида дараҳтларнинг ўсиш кучидан келиб

чиқилади. Нав қанча кучли ўсадиган бўлса, эгиш бурчаги шунча катта бўлади. Бу жараён алоҳида ўсувчи новдаларга ҳам тегишли.

Дарахтларнинг юқори яруслардаги она шохлари кучли ўсади. Уларни пастки ярусларига нисбатан каттароқ бурчак остида эгишга тўғри келади.

Она шохларни эгиш миқдори навнинг ўсиш хусусиятига ва тасининг шаклига ҳам узвий боғлиқ. Танаси тикроқ ўсадиган (Пармен зимний золотой ва б.) навларда новдаларни эгилиш бургачи 45-500, кенг ёйилиб ўсадиган танали (Ренет Симиренко ва б.) навларда кўпроқ бўлади (60-700).

Пастки ярусда жойлашган биринчи тартибли она шохларда бир ёки иккитадан, иккинчи тартибли шохлар парваришланади. Бу орадаги бўшлиқни тезроқ мева шохлари билан тўлдиришга имкон беради. Барча ён атрофга ўсувчи новдаларни қатор йўналишга қараб эгиб, олдин эгилган новдаларга, симга ва ҳоказоларга боғлаб эгилади ва уларни ҳам ҳосил шохларга айлантирилади. Ҳамма ярусларни шакллантириб бўлгандан сўнг, марказий она шохини кучли кесиш ўйли билан 2-3 йил давомида ўтказиб борилади ва бутунлай олиб ташланали



Оддий итальян пальметтали шакллантириш техникаси. Ўзбекистон шароитида етиштирилган кўчатлар кўчатхонада маҳсус пинцировка (чилпиш) қилиниб, шохлатиб ўстирилади. Экиладиган кўчатлар икки ва ундан кўп шохга эга бўлиши мумкин. Кўчатлар боғга экилаётганда шохларини қатор орасига (қаторни йўналишига) қараб йўналтириб экиласди. Бу шохлар келгусида биринчи ярусли она шохларга айланади. Улар узун бўлса 25-30 см қолдириб кесилади ва

марказий шохни заминидан 30-40 см баландликда кесилади. Барча бошқа она шохлар ҳосил қилиш учун, зарур бўлмаган шохлардан келгусида мева шохларини шакллантириш мақсадида 4-5 куртак қолдириб кесилади.

Симбағазни ҳамма қисмини тез орада мева шохлари билан тўйлатиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бир вақтда танани қалинлиги ҳам назорат қилиниб, уни қалинлаштириб бориш лозим

Ёзда (июль) қолдирилган она шохда ўсиб чиқкан новдалардан икки донаси танлаб олинади. Биттаси новдани давом эттириш учун, иккинчиси эса она шох ҳосил қилиш учун қолдирилади. Танада ҳосил бўлган қолган новдалар эгилиб боғланади. Бу билан она шохини ўсишини кучайтирилади. Эгилиб бойланган новдаларда эса мева шохлари ҳосил қилинади.

Кучли шохланувчи навларни ўсишини давом эттираётган новдасини эркин ўсишда вегетациянинг охиригача, биринчи йили қолдирилади. Суст шохлайдиган навларда эса бу новдалар 40-50 см ташкил қиласи.

Бирининг ярусни ҳосил қилган кўчатлар экилган бўлса, уларни марказий шохи керакли иккинчи ярусни ҳосил қилиш баландликка етган бўлса, уни ярус ҳосил қилиш лозим бўлган баландликда кесилади.

Агарда ўсан марказий шохни бўйи иккинчи ярусни ҳосил қилишга етмаса, иккинчи ярусни ҳосил қилишни ёзга қолдириш лозим. Она шохларнинг ўсишда орқада қолаётгани сезилса, ўсув новдаларини кесиб ўсишини кучайтириш лозим. Ён шохлар марказий шохдан кучлироқ ўсиб кетса, уларни эгиб, қанча ўсиш кучли бўлса, эгиш ҳам шунча кучли бўлади, ўсиш нормаллаштирилади.

Дараҳт далага экилгандан сўнг биринчи йилиёқ марказий шохда ҳосил бўлган ярусни шакллантиришдан ортган шохлар жойлашишига қараб, эгилиб боғланади ва мева шохларига айлантирилади. Она шохларни умумий узунлиги 100-120 смдан ошган бўлса улар эгилади в боғланади. Бу жараён биринчи бўлиб танаси ёйиқ бўлиб ўсадиган навларда амалга оширилади (Ренет Симиренко, Джонатан ва б.). Бу навларда ён шохлари вертикал холатда бўлади ва марказий шохни ўсиш тезлигини секинлаштириб қўяди.

Кўчат экилгандан сўнг йилнинг охирида (қишда) ёки кейинги йилнинг бошида (эрта баҳорда бу муддат кулайроқ). Биринчи ярусда-

ги она шохларида ўсишни давом эттирадиган новдалар ажратиб оли-нади ва иккинчи тартибли она шохларини шакллантириш учун новда-лар ажратиб олинади. Ўсиш давом эттириладиган новдалар узунлиги 40-45 см ошиқ бўлса, улар 1/3 қисмга қисқартирилади. Ярим она шохга ажратилган новда эса ундан анча қисқароқ қилиб кесилади. Қолган новдалар эгилиб, пастдаги новда ёки симга боғланади. Уларни қаторни йўналишига йўналтириб, лозим бўлган бурчак остида эгиб боғлаш зарур. Новдаларни эгиб боғлашда улар дараҳтнинг тана-сини жудаям зичлаштириб юбормаслгига эътибор бериш зарур.

Кейинги йиллари дараҳтнинг кейинги ярусларини шаклланти-риш давом этади. Улар ҳам худди олдингисига ўхшаб шакллантири-лади.

Дараҳтлар тўлиқ ҳосилга кириб, новдаларнинг ўсиш кучи камай-гандан сўнг новдаларни йилда бир маротаба эгиб боғланади. Қишида 5-6 йилдан бошлаб новдаларни эгиб боғлаш даврида (3-4 йилда бир маротаба) дараҳтнинг танаси сийраклаштириб борилади. Дараҳтни танасини зичлаштирувчи вақтингчалик ярим она шохларни кучсиз ҳалқасимон мева шохлари олиб ташланади ва осилиб қолган новда-лар қисқартирилади.

Кучсиз ва ўртача шохловчи Ред Мельба, Пармен зимний золо-той ва бошқа навдаларда пальметта шаклини ўринбосар новдалар ёрдамида шаклланади. Бунда она шохларни ўсишни давом эттирувчи новдалари эгилиб, симга боғланади. Новда учидаги конкурент новда-лар вертикал йўналтирилади ва улар ўсишни давом эттирувчи бўлиб қолади.

Шундай қилиб дараҳтни танасини нормал ўртача зичлигига, нов-даларни кучли қисқартирмай эришилади. Бир яшар новдада ҳосил берувчи навларда ҳосил сақланиб қолинади.

Европа мамлакатларида кенг тарқалган “горизонтал пальметта” усулини ҳам Ўзбекистон шароитида олма ва нокларда синаб кўриш мақсадга мувофиқdir. Бу усулда ўстириладиган дараҳтлар оддий-лашган веретино усулида шакллантирилади (плоский шпиндель-буш). Бунда кўп афзалликлар билан (дараҳтни унча катта бўлмаган бўйи, тез ҳосилга кириши, ҳосилдорликни юқорилиги) бир вактда бир қанча камчилиги ҳам аниқланди. Булардан асосийлари бир гек-тар майдонда кам дараҳт жойлашиши, танасини зичлиги ва новдалар-

ни хаддан ташқари паст жойлашиши ва ерга тегиб туриши оқибатида замбууругли касалликларга чалиниши, мевасини сифати пасайиб кетиши ва дараҳтларни туби атрофига ишлов беришни қийинлиги.

“Веретино” шаклни асосий афзалликларини сақлаган ҳолда горизонтал пальметта шпиндельбуш пальметтасига хос камчиликларга эга. Дараҳтларни жойлашиш зичлиги ошади, шу билан бир вактда ҳосилдорлик анча ошади ва мевани ранги яхшиланади. Пальметтани бу усулининг асосий афзаллиги оддийлашган итальян пальметтасидан шундаки, бу усулда асосан устунсиз ўстирилади.

Р.Р.Шредер номли ЎзБУвАВ ИТИда ишлаб чиқарилган усулда горизонтал пальметта усулида экиладиган боғлар пакана бўйли пайвандтагда $3\% \times 1,5 - 2$ м ва паст бўйли пайвандтагда эса $4 \times 4 - 2,5$ м схемада экилади. Бу усулда шакл беришни асосий омиллари куйидагилардан иборат.

Танасидаги ҳамма шохлар горизонтал ҳолатда жойлаштирилади. Фақат энг пастдагиси горизонтал ҳолатдан 150 тепага қаратиб жойлаштирилади. Уларни қотириш учун вактинчалик қозиқ қошиб, бир қатор сим тортилади. Новдаларни жойлашиши яруссиз, эркин ҳолда, новдалар орасидаги интервал 25-30 смни ташкил қиласди. Новдалар иложи борича қатор бўйлаб ўналтирилган бўлади. Ҳаммаси бўлиб 10-12 скелет шохлар ҳосил қилинади. Ўсиш кучи ўрта ва кучли бўлган (Боровинко ташкентская, Голден Делишес ва б.) навларни шохларини жойлашишига тескари қилиб эгиш лозим. Бу горизонталликни ҳосил қилиши билан бир вактда уни ўсишини ҳам қисман секинлатади.

Танадаги ҳамма шохларни шакллантириб бўлгач марказий шоҳ эгилади. Ўсиб борувчи ҳосилдорлик вегетатив ўсишини сусайтиргач, уни кесиб олиб ташланади. Шакллантириш жараёнида новдаларни эгиб бойлаш кўлланилади, танани қалинлаштирадиган новдалар олиб ташланади (эркак овдалар). Танани сийраклаштириш кўпинча кучли шохлайдиган навдаларда амалга оширилади (Джонатан. Ренет симиренко в б.).

Горизонтал пальметтани баландлиги 3,5-4 м ва қалинлиги 2 м гачани ташкил қиласди.

Ҳозирги вактда Европа мамлакатларида шу жумладан Украина, Россия, Туркия ва бошқа мамлакатларда мевали дараҳтларни зич экиб (қалин), интенсив боғ яратиш жараёни кетяпти. Бу асосан олма

ва боғларга таълуқли бир гектар майдонга нав ва пайвандтагни турига қараб, 1500-6000-7000 тубгача жойлаштириляпти. Айрим ўтлок боғларда эса бу сон 10000-15000 гача етятти.

Маълум ерга экилаётган кўчатларни сони бу боғларни ташкил қилиш анча кимматлиги кўриниб турибдики, боғ ташкил қилганда маблағни энг кўп талаб қиласидиган бу кўчатдир.

Ўзбекистон шароитида бу жараён ҳозирда жуда катта маблағ талаб этятти. Чунки ҳозирги вактда бизларда замонавий интенсив боғлар учун маъқул келадиган кўчатлар энди ишлаб чиқиляпти. Четдан олиб келинган кўчатлар эса анча қиммат.

Лекин шунга қарамасдан бу боғлар истиқболли ҳисобланади ва сарфланган сармояни тўғри парваришлаганда. 2-3 йилда тўлик оқлайди ва қолган вақт йилдан-йилга ҳосилдорлик ошиб боради, катта иқтисодий самара беради. Тўлиқ ҳосилга кирган йилларда боғни ташкил қилиш учун сарфланган ҳаражатлардан бир йилда 1,5-2,0 барабар кўпроқ даромад олинади.

Бу боғларда дараҳтларга шакл бериш юқорида баён қилинган боғлардан озгина фарқ қиласиди. Бундай боғларда мевали дараҳтлар асосан “веретино” (арчасимон) усулида шакллантирилади.

Бу системасада дараҳтларда қалин скелет шохлари бўлмайди, яруслар бўлмайди, асосан мева шохлари бўлиб, уларни ҳам 3-4 йилда янгиланиб турилади.



Мевали дараҳтларга веретино усулида шакл бериш технологияси. Аввалом бор бундай мевали дараҳтлар кўчатзорда маҳсус усула ўстирилади, яъни улар чилпинмайди (пинцировка қилинмайди) ва танасидан ўсиб чиқкан шохлар тупроқдан 50 см юқорида сақланиб қолади. Баъзи шохламайдиган навларга шохлашга ёрдам берадиган маҳсус эритмалар сепилади. “Скар” эритмаси уч маротаба тўрт кун оралатиб сепилади.

Бу усул асосан кам шохлайдиган навлар учун қўлланилади. Баъзи сершоҳ навлар учун (Қизил Делишес навлар гурухи Айдоред нави ва ҳоказо), бу усул қўлланилмайди.

Боғ барпо қилингандан сўнг ҳам кам шохланадиган навларга “Скар” эритмасидан 1-3 йиллари қўллаш яхши самара беради. Кўзларни кербовка қилиб шохлатиш яхши самара беради. Факат у кўп меҳнатни ва вақтни талаб этади.

Веретино усулида шаклланадиган дaraohтлар асосан майда мева шохларда ҳосил беради. Шунинг учун уларни сонини кўпроқ бўлиши аҳамиятлидир. Мева боғига экилган дaraohтларнинг танаси симга ёки қозикқа боғланади.

Боғга экилган дaraohтлар шохламаган бўлиб, сух новдадан иборат бўлса, улар боғга экилгандан сўнг 5-6 кундан сўнг (бу орада дaraohтларни илдизи тупроқ билан мулоқатда бўла бошлайди) шохлатиш лозим бўлган баландликда (60-70 см) кесилади.

Дaraohтлар ўсиш жараёнида (вегетация даврида) 3-4 новда ҳосил бўлади ва маълум узунликда ўсади. Бу боғни иккинчи йили кесганда, аввалом бор марказий шох ажратиб олинади ва у 60 см қилиб кесилади. Пастроқ жойлашган новдалар эса 4-6 кўз қолдириб, пастки кўзда кесилади (новда ғовламаслиги учун). Марказий шохда яна 3-4 ўсуви чиҳни новда пайдо бўлади, уларни марказини ажратиб олиб, қолганларини 4-6 баргли бўлганда (15-20 см) учидан чилпиб, мевали шохга айлантирилади. Бу жараён ўз навбатида марказий шохда ҳосилли шохларни пайдо қилишига омил бўлади.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, бу усуlda асосан пакана пайвандтагга уланган дaraohтлар парваришланади ва улар тирганичга муҳтож. Ён шохлар қалинлиги танани 1/3 қисмини ташкил қилганда улар кесиб олиб ташланади ва улар ўрнига янги мева шохи ўстирилади.

Бунда тескари тўнка ҳосил қилиш усулида шохлар кесилади. Бир йилда кесиладиган шохлар сони бир туп дaraohтда 2-3 тадан ошмаслиги лозим. Бу жараён новдаларни янгилаб туриш билан бир вақтда дaraohтни мўтадил ўсишини ҳам таъмин этади. Бу эса ўз вақтида дaraohтни соликашлигини бартараф этади ва йиллар давомида ҳосилдорликни текис бўлишини таъмин этади.

Агар кесиладиган новдалар сони кўп бўлса ва уларни қалинлиги танага нисбатан анча қалин бўлса бу ҳол дарахтни кучли ўсишига сабаб бўлиб, шу йилларда мева куртагини ҳосил қилишни анча сусятиради. Бу мева дарахтини ҳосилдорлигига ва соликашлигига салбий таъсир этади.

Шунинг учун дарахт 4-5 ёшга тўлгандан сўнг етилган қалин шохларни навбати билан ҳар йили бир текис (2-3 тадан) кесиб туриш лозим. Дарахт ўсгани сайн танаси навбатдаги тортилган симга маҳсус қулуфлик ҳалқасимон боғичлар билар боғланиши лозим, улар дарахтнинг танасини сиқиб юбормайди. Уларнинг ичида дарахт танаси bemalol сиқилмай ўсади.

Боғдорчиликда дарахтларни танасига ёруғлик етарли даражада тушиши қанчалик муҳимлиги юқорида бир неча бора қайд қилинди. Бироқ сув етарли бўлган майдонларда хаттоки пакана пайвандтагда ўсувчи дарахтларни бўйи 4 м ва ундан ҳам ортиқроқ бўлади. Шу билан бир вактда уларнинг эни ҳам шундай ҳажмга эга бўлади (А.Х.Авсарагов, 1977 йил, И.Г.Андронров, 1964 йил. Г.В.Трусевич, 1964 йил).

Бундай ҳажмга эга бўлган дарахтларни танаси бир-бирига жудаям катта зичликни ва соликашликни юзага келтиради. Бундай боғларга ишлов бериш, мевасини териш ҳам қийинчилик туғдиради. Шу билан бир вактда ҳосилдорлик миқдори ҳам ва уни сифати ҳам паст бўлади. Шунинг учун мева деворини оптимал ҳажмларда ушлаш боғбонларнинг асосий вазифасидир.

Мевачиликда дарахтларни бўйини асосан кесиш йўли билан чекланади. Унинг самарадорлиги асосан кесиш вақти ва тури билан белгиланади. Бу мавзу ҳақида кўпгина адабиётлар мавжуд (Б.Н.Анзин, 1962 йил, В.Велков, 1968 йил, П.С.Гельфондбей, 1965 йил, Н.П.Донских, 1960 йил. П.Г.Шит, 1952 йил, А.А.Рыбаков, 1948-1956 йиллар, О.К.Афанасьев, 1964-1978 йиллар). Уларни мукаммал муҳокама қилиш жуда кўп вақтни олади. Лекин ҳамма тадқиқотчилар ҳам бу жараённи богоччиликдаги энг муҳим ва шу билан бир вактда энг қийин ва кўл меҳнатини кўп талаб қиласидиган агротехник жараён эканлигини эътироф этишган. Уни механизациялаш имкон даражада боғбонларни азалий орзузи.

Хозирги даврда боғларни (дарахтларни) кесишни механизациялаш жараённи қисман амалга оширилган ва у мевали девор ҳосил

қилиб, дараҳтларга бир хил шакл беріб кесишидір (В.А.Герасимов, 1972 йил, В.Г.Кужеленко, 1972 йил).

Бирок бұусылда дараҳтларни тинчлик даврида кесилғанда, у кучли ўсишни юзага келтиради. Бу эса ўз навбатида дараҳтни танасини қалинлаштиради. Мева куртагини ҳосил қилиш (дифференция) жараёнини сұстлаштириб, ҳосилдорлыкни ва уни сифатини пасайтиради (R.Hauden, 1976 йил, C.Vrie, 1978 йил). Қалинлашиб кетган танасини тартибга келтириш анча құл мәхнатини сарфланишини талаб қиласы да бу кесиши самаrasи салбий натижага зәға бўлади (D.Ferree, 1976 йил).

Бу жараённи тўғри бошқариш учун дараҳтларнинг шохлашини чеклаш, мева куртакларини ҳосил қилиш учун мевачиларга қадимдан маълум бўлган дараҳтларни ёзда буташ усулига қайтишга тўғри келди (П.Шампонья, 1957 йил, V.J.Lerd, 1978 йил).

“Дараҳтларни ёзги кесиши” деганда факат бу жараённи ўтказиш муддати тушинилади. Бу муддатда дараҳтни танасини сийраклаштириш мумкин. Эркак новдаларни ва кераксиз ёш новдаларни олиб ташлаш, ўсаётган новдани қисқартириб, гул куртакларини шакллантиришни жадаллаш мумкин (B.Волков, 1968 йил, S.Stembridge, 1977 йил, H.Utermann, 1973 йил).

Дараҳтни ёзги кесиши самарадорлиги уни ўтказиладиган вақтига боғлиқ. Гуллашдан кейин ўтказиладиган кесиши, кесилған ерни атрофидаги куртакларни кучайтириб, қолган новдаларни ўсишини кучайтиради ёки худди дараҳтни тинчлик даврида кесгандай таъсир этади (У.Чендлер, 1960 йил).

Ёзнинг бошида новда ва барг пишиб етилмаганда ва барг новда ҳосил қилиш учун сарфланган энергиясини қайтишга улгурмасдан новда кесилса, у дараҳтни қаттиқ кучсизлантиради. Ундан ташқари ўринбосар новдалар ёзги кесишида сўзсиз ҳосил бўлувчи, ҳосил бўладиган озукани катта қисмини ўзлаштиришади (З.А.Метлицкий, 1973 йил). Охир оқибатда бу жараёнлар мева куртагини ҳосил бўлишига тўсқинлик қилиб дараҳтни ҳосилдорлиги анча пасайиб кетади.

Ёзнинг иккинчи ярмида дараҳт кесилғанда умуман бошқача жараён юзага келади. Бу даврда дараҳтни актив ўсиш жараёни охирланган бўлади. Новдаларни бу даврда қисқартирилганда маълум қисқа

новдаларни ҳосил бўлишига олиб келади, улар секин ўсади ва қолган куртакчаларида вақтинча тўпланадиган углевод ва азот (мева куртакларида) мева кураткларини шаклланишига сабаб бўлади (У.Чендер, 1960 йил, A.V.Drincard, 1915 йил).

Шунинг учун июль ойининг охирида август ойининг бошида кесилган дараҳтлар танасиға ёруғлик тушиши яхшиrok бўлиб, уларни кейинги йили ҳосилдорлиги ва унинг сифати ҳам юқорироқ бўлади (6-жадвал).

6-жадвал

Олманинг карлик навини ҳосилдорлигига кесиш вақтининг таъсири

Дараҳтни кесиш муддати	1975 йил 0,9 гектар майдонда олинган ҳосил, кг.	1976 йил 0,9 гектар майдонда олинган ҳосил кг.	1975-1976 йиллари ҳосил йигиндиси
Қишиқи	32820	32760	65580
Ёзги	36460	44280	80740

Ю.Л.Кудасов (1977 йил) М-9 пайвандтагда ўсувчи Заря Алатау навли олмада 1974 йил ўтказган ёзги кесиш бўйича тажрибасида қуйидаги муддатларда олма дараҳти кесилган: 1 апрелда, 15 июня ва 15 июля. 1975-1976 йиллари ҳосилни йигиндиси биринчи ҳоатда 100% қабул қиласак, ёзги кесишда у тегишли равища 110 ва 152% ташкил қилди.



Шу тадқиқотчининг бошқа Мекентош навида ўтказган тажрибасида мева деворини бошланғич баландлиги 3 м ва эни ҳам 3 м бўлган. 20 июля маҳсус машинада 2 x 2 м қилиб контур усулида кесилган. Келаси йили ҳосилдорлик кесилган боғда 126,1 ц/га, кесилмаган боғда эса 93,6 ц/га. ташкил қилди.

Маълумки (J.C.Cain, 1972 йил) меваларни сифати юқори бўлиши ва мева куртакларни ҳосил бўлиши учун олма барглари 30000 кол/см² энергияни вегетация даврида олишлари лозим ёки бир кунда бу 240 кол/см² ни ташкил қилиши лозим. Ҳисоб китобларга қараганда кунни ўртасида ўсимлик 0,3 кол/см²лик энергия олиши лозим



Дарахтнинг танаси кесилган ва кесилмаган дарахт танасига тушаётган ёруғлик миқдори бир хил эмас. Жумладан 20 августда соат 10 дан 15 гача дарахт танасига тушаётган ёруғлик миқдори қуйидагича кўрсатчиларга эга бўлди. Танаси кесилмаган дарахтни мева деворини 45% ҳажмга ёруғлик кам ёки жуда кам тушган (энергияни тушиши 0,17-0,3 кол/см²), 20%га қониқарли ёруғ тушган (0,3-0,5 кол/см²), 11% ҳажмга яхши (0,5-0,7 кол/см²), ва 24% ҳажмга жуда яхши (0,7 кол/см²) ёруғлик тушган.

Дарахтни танаси кесилган вариантда ёруғлик жудаям кам тушган худуд 0,2 кол/см²дан деярли кам бўлмади. Кам ёруғлик тушган худуд. Мева деворни 30% тушган мева деворини қолган 70% ёруғлик яхши ва жуда яхши тушган.

Ёруғлик режимининг яхшиланиши, танаси кесилган йили мевани сифатига яхши таъсир этади. Мевани ўртacha оғирлиги 4,5 г.га орди. Калмараз касаллиги билан (парша) шикастланган мевалар сони 43%дан 18%га камайди. Меванинг рангдорлиги деярли ўзгармади, бу дарахтни кеч кесилгани учун бўлса керак. Ёзни ўртасигача танага ёруғлик унча яхши тушмаган (J.Bennet, 1977 йил).

Қозогистоннинг мевачилик ва узумчилик илмий-тадқикот институтини тажриба хўжалигида 1979 йил Заря Алатау нави иштирокида ўтказилган тажрибада дарахтлар ҳар хил муддатда кесилган ва улар пакана M-9 ва паст бўйли MM-106, № 490 ва 118 пайвандтагларда ўстирилган.

Қизиқарли маълумот: 118 пайвандтагда ўсуви дарахтларда бўлган дарахтларни кесиш муддати қуйидагича бўлган. Бир дарахтни тинчлик даврида 1.04 гача, иккинчи дарахтни ёзда кесиш 25.07, учинчи дарахтларни тинчлик даврида 1.04 гача ва шу дарахтларни ёзда 25.07 кесиш, тўртинчи дарахтни назорат варианти кесувсиз. Ҳамма вариантларда дарахтлар бир хил контурда: дарахтларнинг бўйи 2 м ва қўшқаторни эни 2 мни ташкил қилган.

1980 йили хисоб китобга қараганда баҳорда ҳар бир пасайтириб кесилган шохларда 2-5 гача узунлиги ўртacha 105 см (60-150) бўлган новдалар ўсиб чиқкан. Учинчи вариантда 23 см (10-45), факат ёзда кесилган иккинчи вариантда 7 см (1-10) ва назорат вариантда эса 65 смни (30-90) ташкил қилди.

Мева деворини умумий баландлиги кесилмаган вариантда 3,3 м, баҳорда кесилгандариники 3,0 м ва ёзда кесилган дараҳтларники 2 м ташкил қилган.

Бу тажрибада мева гуллари дараҳтларни танасида жойлашиши ҳам ҳар хил бўлган (7-жадвал).

7-жадвал

Дараҳтларни механизм ёрдамида кесиш муддатига қараб, тўп гулларни сони ва уларни дараҳт танасида жойлашиши

Кесиш муддати	Дараҳт танасини ҳудудлардаги тўп гул сони							
	0 – 1 м.		1 – 2 м.		2 м. ортиқ		Ҳаммаси, дона	
	дона	%	дона	%	дона	%		
1. 04	22	25,6	57	65,3	7	9,1	86	
25. 07	79	32	156	64,8	6	2,4	241	
1.04 – 25.07	33	22,7	110	75,9	2	1,4	145	
Назорат	65	19,8	188	57,3	75	22,9	328	

Кутилгандай энг кўп тўп гул кесилмаган дараҳтларда бўлди. Бироқ уларнинг 1/4 қисмидан кўпроғи 2 м дан баландроқда жойлашган. Бу ҳосилни териш жараёни анча мураккаблаштиради. Дараҳтларни кучли ўсишини ҳисобга олганда, келгусида бу ерда маҳсус ускуналарсиз мева теришни имкони бўлмайди.

Дараҳтларни баҳорда кесган вариантда ўринбосар новдаларни ўсиш жараёни ва кучи кўпайиб кетди. Бу эса мева куртакларини ҳосил бўлишига салбий таъсир этди. Шунинг учун тўп гуллар сони бир дараҳтда бу вариантда энг кам Шу билан бир вақтда биринчи вегетациядан кейин дараҳтларни бўйи яна 3 м ошиб кетди. Демак мева деворини оптимал ҳажмда ушлаш учун бу кесиш муддати ярамайди.

Бир йилда икки маротаба кесишга катта умидлар қилинган эди. Тахмин бўйича биринчи кесишида баҳорги тикка ўсан новдалар кесилганда, дараҳтни ҳамма қисмida новдалар ўсиши кўпайиб, дараҳтдаги барг сатҳи кўпайиши кутилганди.

Ёзги кесишида эса дараҳтни бўйини пасайтириб, танасини ҳамма қисмига ёруғлик тушишини орттириб, фотосинтез жараёнини жадаллаштириб, уни маҳсулдорлигини орттириш ҳисобига мева куртакларини ҳосил бўлишига ва ҳосилдорликни ошишига ижобий таъсир қилиши кутилганди. Бироқ бундай бўлиб чиқмади. Гул тўпи баҳорда кесилган дараҳтга нисбатан ортган бўлса ҳам кесилмаган ва айниқса факат ёзда кесилган дараҳтлардан кам бўлди.

Бунда балким ёзниңг биринчى ярмида новдаларни қучли ўсиши, мева куртагини хосил бўлишига ҳалақит бергандир. Уларни маълум қисми кузгача шаклланиб улгурмагандир.

Июнь ойининг охирида кесилган дaraohтлардан яхши натижка олинди. Гул тўпларини миқдори икки бора кесилган ва баҳорда кесилган варианtlарга нисбатан тегишли равишда 1,7 ва 2,8 баробар кўпроқ бўлди. Сон жиҳатидан кесилмаган вариантда гуллар сони охирги вариантдан кўпроқ бўлган. Лекин уларни дaraohtnи 1 м³ тасасига ҳисоб қилганда уларни сони яна ёзги кесилган дaraohtларда кўпроқ бўлди.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бу ерда тўп гуллар йиғимтерим учун қулай жойда жойлашган. Шунга ўхшаш натижалар бошқа пайвандтагда ўсувларнда ҳам кузатилган. Шундай қилиб ёзги контур кесиш факат дaraohtnи бўйини пасайтирибгина қолмай, хосилдорлигини ошириб, уни ишлаб чиқаришда теришга қулай бўлган дaraohtnи қисмида хосил бўлишига имкон беради.

Шу билан бир вактда кечки қишки навли олмаларни йиғимтеримдан бир ой олдин кесиш, мевани таркибидаги кальций миқдорини орттиради ва ўз навбатида мевани сақлаш муддати ортади. Сақлаш вактида мева чукур чириш касаллиги камаяди (V.J.Lord 1978 йил, M.A.Perring, 1976 йил).

Охирги жараённи таъсири йиллар давомида ортиб боради. Тинчлик даврида кесилган дaraohtларни меваси сақлаш даврида чукур чириш касали билан 35% меваси шикастланган бўлса, ёзда 2 ва 3 йил давомида кесилган дaraohtларнинг меваси тегишли равишда 21 ва 8% зарарланган (M.A.Perring, 1976 йил).

Зич экилган боғларда ҳар бир дaraohtnи алоҳида кесиб шакл бериш жуда катта ишчи кучи, маблагни ва вактни талаб этади. Шунинг учун бу ерда механик кесиш усулини қўллаш самарали бўлади. Айниқса ёзги кесишни механизациялаш яхши самара беради. Бунда новдалар хаддан ташқари ўスマайди. Новдаларнинг учидаги мева куртаги хосил бўлишини жадаллаштиради.

Бундан ташқари доим механик кесишни қўллаганда, дaraohtdаги майда новдалар олиб ташланади. Бу ўз навбатида кичикроқ техникаларни қўллаш имконини беради (G.S.Roosje, 1970 йил). Шубҳа йўқки ёзги дaraohtnи кесиш, боғни тури, ўсаётган шароит ва туридан қатъий назар кенг қўламда оммалашади, айниқса зич экилган боғларда.

В.Ф.Колтунов (1972 йил) фикрича дарахтни эрта ҳосилга кириши, уни ҳаёт циклини қисқартиради ва табиийки ҳосилдорлик даври ҳам қисқаради. Бундай дарахтлар түлиқ ҳосилдорлик даврига тез етади. Бунда новдаларнинг ўсиш жараёни деярли тўхтайди ва барча куртаклар, шу жумладан бир яшар новдаларни учидагилар ҳам

Интенсив боғлар озукага жудаям талабчан, сўрувчи илдизни асосий қисми тупроқни юза қатламида 0-60 см жойлашган. Шунинг учун юқори ва сифатли ҳосил олиш мақсадида тупроқни унумдорлигини юқори савияда ушлаб туриш бизнинг вазифамиз.

Боғларнинг ёши ва ҳосилдорлиги ошиб бориши билан уларга берадиган озуқа миқдори ҳам ошиб боради. Ёш боғларга бериладиган озуқа миқдори N – 100 кг., Ф – 60 кг. ва K – 40 кг/га бўлса. Боғлар тўлиқ ҳосилга киргач, бу рақамлар N – 1000 кг., Ф – 400-500 кг. ва K – 300-400 кг/га ташкил қиласди (соғ ҳолда).

Маълум миқдорда азот, фосфор ва калий макро ўғитларни ва шу билан бир вақтда микро ўғитларни олиб чиқиб кетади. Ҳосил қанча юқори бўлса олиб чиқиб кетадиган макро ва микро ўғитлар миқдори шунча кўп бўлади. Демак уларни ўрни ўз вақтида тўлдирилмаса, ўсимлик уларга эҳтиёж сезади. Уларни ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Замонавий интенсив боғ ташкил қилган хўжаликлар асосан уларни сугориш системасида томчилатиб сугоришни кўллаяпти. Озуқани шу система орқали берилса, самара янаем юқори бўлади (фрикция). Бу усулда берилган озуқа анча самарали бўлади, тўғридан-тўғри илдизга боради. Бу усулни кўллаганда ўғитларни тўлиқ эрувчанлигига катта аҳамият бериш лозим. Шу билан бир вақтда қайси ўғит турини қандай ўғит тури билан қўшиш мумкин ёки мумкин эмаслигини яхши аниқлаб олиш зарур.


Мисол учун кальций элементи бор ўғитларни фосфор ва олтингугуртли ўғитлар билан аралаштириб бўлмайди. Булар чўкма ҳосил қилиб, найчаларни кўммага тўлдириб қўйиши мумкин. Энг қулайи, ҳар бир сувда алоҳида-алоҳида турдаги ўғитдан эритма қилиб бориш ҳам самарали ҳам унумли.

Натижалар орқали озуқа беришда 1 л. сувда 1 г. ўғит эритилса, яхши самара беради (Европа мамлакатларида қўлланиладиган нисбат). Бизларда уларга нисбатан сув сарфи ҳар бир сугоришда ва йил

давомида ҳам анча күпроқ бўлади (иқлинимиз иссиқлиги ҳисобига). Демак эритма суюкроқ бўлиши ҳам мумкин (буни самараси юқорироқ бўлади).

Қатор ораларига ишлов бериш худди юқорида баён қилганимиздек юза бўлиши шарт.

Тиркагичларни ўрнатиш. Пакана бўйли мевали боғлардаги дараҳтларни танасига оддийлашган итальян системасида шакл берилганда, дараҳтни танасидаги шаклини ушлаш учун таркагичлар ва уларга маълум баландликда тортилган симлар зарур. Бу мақсадда ишлатиладиган тиркагичларни бўйи ер сатҳидан пакана пайвандтагли боғлар учун 3,0-3,2 м, паст бўйли мевали боғлар учун 3,8-4,0 м бўлиши лозим



Тиркагичлар ўрнатилганда ерга 0,6-0,7 м қисми киришини ҳисобга олганда, тиркагичларни умумий узунлиги тегишли равиша 3,6 ва 4,4-4,6 мга teng бўлади. Каттароқ тиркагичларни ҳам ишлатса бўлади. Лекин 3-4 йилдан сўнг уларга кўшимча бирор бир материалдан (уч бурчак темир ёки бошқа бирор материалдан) улаб, керакли баландликка етказиш зарур.

Мевали боғларга симбағазлар тортиш учун устунлар ўрнатилганда, уларнинг оралиғи ва майдонга зарур бўлган сони экилган мевали боғни турига, пайвандтаг ва нав комбинацияларига, шакл бериш усулига боғлик.

Оддий итальян пальметтаси усулида шаклланадиган боғга пакана бўйли пайвандтагда ўсувчи дараҳтга ўрнатиладиган усутунлар ораси 18-20 мни ташкил қиласи. Симбағазга тушадиган юқ миқдорини маълум бир қисмини дараҳтни она шохлари ўз зиммасига олади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ораси 3,5 м бўлган боғни бир гектар

майдони учун тиркагичларни ҳисобга олиб, 200 дона қатор ораси 4 м бўлган боғларда эса 175 донани ташкил қиласди.

Устунларга боғланган симлар тўғри туриши шарт. Шунинг учун улар маҳсус ускуналар билан кучли тортилади. Бош устунлар силжимаслиги учун тиркагичлар маҳкам ўрнатилиши зарур. Тиркагич сифатида кўп йиллар давомида темир бетон столбалар ишлатилган. Хўжаликни буортмаси асосида заводларда маҳсус куйилган. Улар чиримайди ва кўпол механик таъсир бўлмаса кўп йиллар давомида хизмат қиласди.

Чет элларда боғустунларни ҳар хил металл қоришмаларидан тайёрланади (зангламаслик учун). Бизнинг республкамизга ҳам маълум ерларга улардан ўрнатилди. Уларни ўзига хос афзаллик томонлари бор. Улар пишиқ бўлиши билан бир вактда енгил, ўрнатиш осон ва механик таъсирга анча чидамли.

Вазирлар Махкамасининг қарори билан бундай усутунларни ишлаб чиқариш республикамида ҳам йўлга кўйиляпти.

Устунларни жойига ўрнатишида 60 см чуқур ковланади ва уларга зичлаб ўрнатилади. Агарда хўжаликда маҳсус устунни ўрнатадиган техника бўлса, техникалардан фойдаланилади. Бунда усутунлар анча тупроққа зич ўрнашиб, тепа қисми бир текисда бўлади. Бу усулда усутунлар маҳсус агрегатлар билан куч билан ерга ботирилиб киргизилади. Бу усулда иш унуми ҳам анча юқори бўлади.

Устунларга пакана пайвандтагга уланган боғларда тупроқдан 50 см баландликда биринчи қатор сим тортилади, оддий итальян усулидаги боғлар учун. Иккенинчи қатор сим ундан 35-40 см баландликда тортилади. Кейингилари 60 см оралиқда тортилади. Биринчи ва иккенинчи қатор симни яқинлиги дарахтни скелет шохларини тўлиқ ва сифатли шакллантиришига ёрдам беради. Ҳаммаси бўлиб бу усулда шакллантириладиган боғга 5-6 қатор сим тортилади. 1 гектар боғга 2,5 мм диаметрли руҳланган симдан 400-500 кг. сарф бўлади. Веретино усулида шакллантириладиган боғларга эса уч қатор сим тортилади ва симга асосан дарахтни марказий тана шохи боғланади, лозим бўлса вақтинча биринчи ярусдаги шохлар боғланади, қолган шохлар эркин ўсади.

Хосилдор мевали боғларни қатор орасига ишлов бериш.
Интенсив боғни, айниқса симбағазда ўстирилувчи ҳосилдорлигини

юқори бўлиши бу агротехник тадбирларни юқори савияда ўтказиш билан ва тупроқ унумдорлигини доим ошириб бориш билан боғлиқ.

Ўз навбатида дарахтга тўғри шакл бериш ва кесиш, тупроққа етарлича органик ўғитларни бериш, юқори савияда тупроққа ишлов бериш, ўсимликни ва унинг хосилини заарарли заараркунанда ҳашорат ва касалликлардан ҳимоя қилиш ва вегетация даврида сифатли сугориш, бу асосий омиллардан ҳисобланади.

Пакана ва паст пайвандтагда ўстирилаётган боғларни, айниқса симбағазга олингандарини, қатор орасини майин ўтли ҳолда ушлаган мақсадга мувофиқидир. Бу усул кўпгина мамлакатларда қўлланиб келингипти ва республикамизда ҳам қўлланяпти. Бу тупроқ ҳароратини хаддан ташқари ошиб кетишидан сақлаб, унинг таркибидаги микроорганизмларнинг иш фаолиятини нормал ўтишига имкон беради.

Шу билан бир вактда ўтлар ўзидан доим сув пуркатиб туриши ҳисобига (транспирация) бօғни ичидаги намлик атрофдан юқорирок бўлади. Бу эса мева дарахтини ривожига ижобий таъсир этади.

Боғ тўлиқ ёшга етгач қатор орасини қора шудгорда ҳам ушлаш мумкин. Чунки дарахтларни сояси кун ярмида қатор орасига тушиб, уни қизиб кетишидан асрайди. У ердаги микрорганизмларнинг иш фаолияти нормал шароитда ўтади. Қатор орасини қора шудгорда ушлашни афзалликларидан бири у тупроқдан сув парланишини камайтириб, у ерда ҳашорат ва заараркунандаларни қишлишига ва ин кўйишига имкон бўлмайди.

Р.Р.Шредер номли ЎзБувВ ИТИ тажрибасидан келиб чиккан ҳолда, пакана ва паст бўйли мевали боғларнинг қатор орасини кузда (бошқа даврда ҳам) шудгор қилишдан воз кечиш лозим Айниқса симбағазли боғларда, сўка билан бундай боғларда тупроққа ишлов берганда юза жойлашган илдизлар шикастланади. Симбағазли боғларда сўка дарахтни танасига яқин боради ва илдизларга кўпроқ шикаст етказади.

Кузда қилинадиган шудгорнинг ўрнини мевали дарахтлар қатор орасини 15-17 см чукурликда культивация (чизель) қилиш ҳам босади. Фақат қатор орасига органик ўғитлар солинган йилларда уларни тупроқнинг пастки қатламига тушириш мақсадида 20-22 см чукурликда сўка билан ҳайдалади.

Эрта баҳорда боғларнинг қатор ораларидаги тупроқ етилиши билан культивация қилинади ва ҳар бир сувдан сўнг бу жараён қайтариб турилади.

Узоқ вақт мевали боғларнинг қатор орасини қора шудгорда ушлашнинг салбий томонлари ҳам бор. Бунда тупроқни юза қатламида донадорлик ёқалаб тупроқ чангга айланана бошлайди ва тупроқни физикавий ҳолати ёмонлашади.

Тупроқда ўтадиган нитрофикация жараёни сустлашади, тупроқдаги ўзлаштириладиган фосфор ва гумус микдори камаяди. Шу билан бир вақтда тупроқка ўз вақтида ишлов берилмаса, айниқса тупроқ етилмаган даврда ишлов берилса, маълум чуқурликда сув ва ҳаво ўтмайдиган довон ҳосил бўлади. Бу тупроқни физикавий хусусиятига ва дарахтни илдизини ривожига салбий таъсир этади.

Ёзнинг иссиқ кунларида қора шудгор бўлган ерларда тупроқнинг устки қатлами жудаям қизиб кетади (тупроқни юза қатлами +48-520C) ва боғдаги ҳавони нисбий намлиги жудаям пасайиб кетади (18-20%).

Қишидаги қаҳратон совукларда бу тупроқлар нисбатан чуқурроқ музлайди, ўт қатлами бўлган ерларга нисбатан. Қиялиқда экилган мева боғларини қатор ораси қора шудгорда ушланганда, уларда тупроқ эррозияси бўлиб туради. Қалин қор қатлами тез эриганда, жала сифатида ёғингарчиликлар бўлганда, сугориш технологиялари бузилганда, бу жараён юзага келганда тупроқнинг энг унумдор қатлами ювилиб кетади ва айрим ерларда илдиз очилиб қолишига олиб келиши мумкин.

Боғларни қатор орасини қора шудгорда ушлаш иқтисодий томондан энг кўп маблағ талаб қиласидиган усул ҳисобланади. Боғ қатор орасидаги тупроқни кўп маротаба ишлов беришга тўғри келади. Кўп микдорда минерал ва органик ўғитлар солинади ва ҳоказо.

Биринчи йиллари ҳосилдорлик кескин ошиб боргани учун бу ҳаражатларни қоплайди. Бироқ кейинчалик мевани сифати кескин пасайиши натижасида, айниқса минерал ўғитларни кўп берган йиллари қора шудгор интенсив боғларга қўйилаётган талабга жавоб бермай қўяди.

Қатор ораси қора шудгорда ушланадиган мевали боғларни ҳосилдорлигини доим юкори савияда, сифатли ва мўл бўлиши учун пакана ва паст пайвандтагли мева боғлари қатор орасига доим юкори нормада органик ўғитлар бериб туриш лозим

Булар кўпгина хўжаликларда етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда у ерларда боғларни орасига сидерат экинларини тавсия этиш мумкин. Бунда органик ўғитга бўлган талаб қисман қониқтирилади. Сидерат экинларини шундай танлаш лозимки, улар тупроқни азот билан бойитиб туриши лозим ва қисқа муддатда ер устки массасини иложи борича кўпроқ бериш лозим. Бу мақсадда асосан данакли ноҳ хот тулари ишлатилади.

Сидерат ўсимликлар асосан кузда, сентябрь ойининг иккинчи ярмида экилади. Қиши сисик келса, уларнинг ўсиши давом этади. Лекин ўсиш энергиясининг энг кўп даври баҳорга тўғри келади. Бу даврда кўк массанинг энг кўп қисми шаклланади. Уруғни яхши тайёрланган тупроқка экиш лозим. Эккандан сўнг жўяклар олиниб, яхшилаб сугорилади.

Сидерат ўтлар одатда гуллаш даврида, май ойининг бошида хайдаб, тупроқка аралаштириб ташланади. Хайдашни осонлаштириш мақсадида сидератларни ўт майдалагичда майдалаб ташласа яхши бўлади. Уларни тупроқ билан аралашиб кетиши ҳам яхшиланади.

Мевали боғларни сугориш учун сув етарли бўлган ерларда, шу жумладан ер ости суви яқин бўлган ерларда, пакана бўйли пайвандтагга уланган дарахтларни (айниқса паст ва ўрта бўйли пайвандтагга уланган) мева боғларини, қатор орасига, Ўзбекистон шароитида чим чиринди тизимини қўллаш яхши натижга беради.

Шу максадда бօғ барпо қилингандан сўнг 4-5 йили қатор орасига кўп йиллик бошоқли ва дуккакли ўтлар экилади (бедадан ташкари). Уларни ёз давомида бўйи 12-15 см бўлганда доим ўриб турилади. Ўрилган ўтлар боғларни қатор орасида мульча сифатида қолдирилади. Бу ўз навбатида чириб, тупроқдаги чиринди миқдорини ошишига ёрдам беради.

Бу ўтлардан 2-3 йил фойдаланилади, сўнг 18-20 см чуқурликда сўқа билан хайдаб ташланади. 2-3 йилдан сўнг қатор ораларига янгидан, лозим топилган ўт мажмуасини экиб, тизим қайтарилади.

Ўт чиринди тизимини ҳосил қилишда, бошоқли кўп йиллик илдизлари юзароқ жойлашадиган ўтлардан фойдаланиш лозим. Буларга қуйидаги ўтлар киради : райграс, мятлик луговой, овсянница луговая, тимофеевка луговая. Уларни бир гектар майдонга экилиш

нормаси тегишли равища қүйидагича : 8-10, 12-14, 10-12, 8-10 кг. Экишдан олдин тупроқни яхшилаб тайёрлаш лозим ва шу баробаринда минерал ўғитлар билан ўғитлаш зарур.

Экиш эрта кузда ёки баҳорда амалга оширилади. Уруглар чукур кўмилмайди. Экилгандан сўнг бороланади ва сугориш учун жуяклар олинади. Ўт чиринди тизими қўлланилганда боғлар кўпроқ сугоришни талаб этади ва ўғитни ҳам кўпроқ талаб этади.

Чет элдаги боғбонлар мевали боғларнинг қатор ораларини табии ўтлар билан чиринди ўтлоқ тизимни тавсия этишади. Бу албатта иқтисодий жиҳатдан анча арzon. Лекин биз яна омилга аҳамият беришимиз зарур. Уларни тупроғида чиринди микдори бизларниги қараганда анча кўп (бизларда 0,8-1,2% бўлса, уларда 4-6, хатто 10%гача боради). Шунинг учун ҳам ер устидаги ўтни озгина ҳажми ҳам тупроқ унумдорлигини (гумус микдорини) керакли даражада сақлаш имконини беради.

Бу усусларни қўлланимизда мевали боғларнинг қатор орасига ишлов бериш учун сарф бўладиган харажатимиз қора шудгорли боғларга нисбатан 2-2,5 баробар кам бўлади. Энг асосийси мевали дарахтларни илдиз системаси деярли шикастланмайди.

Шу борада яна шуниям айтиш лозимки, иложи борича боғларни орасига техникани, айниқса ғилдираклиларни камроқ киргизишга ҳаракат қилиш лозим, айниқса қатор орасидаги тупроқ ишловга етилмаган бўлса. Чунки ҳар бир техника қатор орадаги тупроқни маълум тарзда зичлаштиради ва илдиз системасини иш фаолиятига қаттиқ салбий таъсир этади. Айниқса, қатор орасидаги тупроқнинг намлиги юкори бўлса.

Ўғитлаш. Пакана, ярим пакана бўйли пайвандтагда ўсуви мевали боғларни ўғитлаш ўзига хос технологияга эга. Бундай боғларни маҳсулдорлиги, илдиз системасини жойлашиши, ҳосилни ўзи билан тупроқдан олиб чиқиб кетадиган минерал элементлар микдори ва хоказо ҳисобга олинади.



Дарахтларнинг ўсиши ва ҳосил бериши нисбатини оптимал мувозанатда ушлаш учун, интенсив боғларни ўғитлаш нормаси, оддий кучли пайвандтагда ўсуви бояга нисбатан, айниқса, симбағазли боғларда кўпроқ бўлади.

Ҳосилдорлик бошлангич йилларда 150-200 цн. ва тўлиқ ҳосилга кирган йиллари 300-400 ц/га бўлганда, ўғит нормасини 1,5-2,0 барабарга, симбағазли замонавий интенсив боғларда ҳосилдорлик юқоридагилардан 2-3 баробар кўп бўлишини ҳисобга олганда, уларга ҳам шу ҳосилга нисбатан ўғит нормаси оширилади ва уларни самаралироқ ўзлаштирадиган формада берилса (сугориш найчалари орқали) минерал ўғит бериш нормасини нисбатан камроқ қилинса ҳам бўлади.

Бу усулда (фритация) ўғит эритмаси сув билан бирга қўшилиб, дарахтни танасига (илдиз орқали) яхши сўрилади ва ташки муҳитлар таъсирида бесамара қолмайди. Бу ўз вактида ўғитни тежашга имкон беради. Найча билан ўғитни имкони бўлмаган ерларда ўғитни тўлиқроқ дарахтлар ўзлаштириши ва ташки муҳит таъсирида камроқ парчаланиши мақсадида чуқур қилиб бериш лозим

Ўғитни қанча талаб этилишини аниқлаш учун тупроқни ва баргни кимёвий таркибини аниқроқ билиш лозим. Шуларни асосида маълум боғда қайси ўғитдан қанча кераклиги аниқланади.

Қуйида келтирилаётган П.Г.Копытконинг тупроқдаги ҳаракатчан озиқаларни миқдори жадвалини (С.С.Рубин 1974 йил) асос қилиб олса бўлади (8-жадвал).

8-жадвал

Олма дарахтини тупроқдаги ҳаракатчанг озиқалар билан таъминланганлиги, 100 г. тупроққа кг. ҳисобида

Т/Р	Озука моддалари ва уларни аниқлаш усуллари	Таъминланганлик даражаси		
		паст	ўртacha	юқори
1.	Азот, Тиорин ва Кононова усуллida	< 8	91-15	> 15
2.	Фосфор, Бурриелю ва Гернандо $P_2O_5 P$	< 1,5 0,05	1,6-3,5 0,7-1,5	> 3,5 > 1,5
3.	Калий, Маслова $K_2O K$	< 1,5 12,5	16-25 13-20	> 25 > 20

С.С.Рубин маълумотига биноан олма ва нок баргидаги озуқаларни қуйидаги миқдори оптимал ҳисобланади.

Тур	N	P2 55	K2 O
Олма	2,0-2,4	0,13-0,22	0,9-1,3
Нок	2,0-2,5	0,13-0,22	1,0-1,5

Фосфор ўғитининг нормаси юқори бўлса ва ярим озукани ювиб кетиш холати юқори бўлса, уни бир кисмини азот билан биргаликда вегетация даврида озиқлантиришда бериш лозим Шу билан бир вақтда калий ўғитини ҳам тупроққа бериш зарур.

Ўзбекистон тупроқлари унинг таркибидаги азот ва гумус миқдори билан кескин фарқ қиласди. Буни минерал ва органик ўғитларни йиллик нормасини ва нисбатини белгилашда эътиборга олиш зарур. Ўтлоқ тупроқлар нисбатан азот ва гумусга бой. Бундай тупроқларга минерал ўғитни белгилашда фосфор ўғитини улиши кўпроқ бўлади. Азот ва гумус таркибida камроқ бўлган бўз тупроқларда азотни улущи кўпроқ бўлади.

Азот ва фосфор ўғитларини нисбати йиллик меёърда, уларни миқдорига қараб ўзгариб туради. Ўғитларни йиллик меёъри кам бўлган вақтда азот ва фосфор нисбати 1 : 6 0,75 ташкил қиласа, йиллик меёър кўп бўлганда, йиллик ўсиш кучи кўпайиб, ҳосил камайиб кетишини олдини олиш мақсадида бу нисбат фосфор томонга қараб кўпайиб боради ва 1 : 1 ташкил қилиши мумкин.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда эскидан экилиб келинаётган пакана, ярим пакана бўйли боғлар учун азот, фосфор, калий нисбатини йиллик меёърда қуидагига нисбатда тавсия этса бўлади (9-жадвал).

9-жадвал

Азот, фосфор ва калийни тахминий нисбати

Т/Р	Ўғит меёъри	Тупроқ турлари	
		Қўнгир бўз	Бўз ўтлоқ тупроқлар
1.	Оддай	1 : 0,75 : 0,25	1 : 1 : 0,30
2.	Ўртacha	1 : 0,85 : 0,25	1 : 1,35 : 0,5
3.	Юқори	1 : 1 : 0,30	1 : 1,5 : 0,5

Пакана, ярим пакана юйли пайвандтагда ўстирилаётган мевали боғлар учинчи-тўртинчи йили ҳосилга киришини ҳисобга олганда, уларни қатор орасига озукани иккинчи йили куздан бера бошлиш лозим

Танаси эркин усулда шаклланган пакана, ярим пакана пайвандтагларда парваришланаётган боғларга минерал ўғитларни йиллик



меёри, бир гектар бөгөн миқдори қуидагичан ташкил қилади: бўз тупроқларда азот 180, фосфор 140 ва калий 45 кг., бўз ўтлок тупроқларда бу нисбат 135, 180 ва 60 кг. ташкил қилади.

Симбағазда ўсувчи мевали боғларда муқум мўл ҳосил олиш учун бўз тупроқларда азот 240, фосфор 180, калий 60 кг. ва бўз ўтлок тупроқларда тегишли равишда 180, 240 ва 90 кг., соф ҳолда тупроқларга чукур бериш лозим

Юқорида кўрсатилган нормаларда тупроқни табиий таркибиغا ва унда мавжуд бўлган озуқага қараб ўзгариб туриши мумкин.

Замонавий интенсив мевали боғлар анча маҳсулдор ва уларнинг илдиз системаси юза жойлашган. Шу боис улар тупроқни юза қисмидаги унумдорлигига анча талабчан. Бу боғларда табийки минерал ўғитларни нормаси анча юқори бўлади ва боғни ҳосилдорлигига узвий боғлиқ. Уларни орасидаги нисбат эса юкорда кўрсатилгандай қолади.

Замонавий интенсив боғларда асосан томчилатиб сугориш кулланиляпти. Бу система орқали ўғитлашни амалга оширилганда уни ўзлаштириш самарадорлиги ортиши билан бир вақтда ўғитни иқтисод қилиш имкони ҳам мавжуд.

Оддий боғларда азот ва фосфор ўғитлари иккига бўлинниб берилади. Бундай томчилатиб сугориладиган боғларда эса ўғитларни анча майдалаб, дарахтни ўсиш ва ривожланишига қараб, 2-3-4 ва ҳоказо бўлиб бериш мумкин. Бу жараён қўшимча ортиқча харакатни талаб этмайди, самараси эса жуда юқори бўлади.

Барча ҳолатларда азот ўғити 2-4 бўлинниб берилади апрель ва июль ёки март, май ва июль ойларида йиллик меёри тенг бўлган ҳолда. Фосфор ва калий ўғитлари 50% кузда (шудгорга) ва қолган 50% июль ойида. Бу ўз навбатида мева куртакларини сифатли шаклланишига имкон беради ва дарахтларни қишига тўлиқ ва яхши тайёрланишига ёрдам беради.

Минерал ўғитларни боғни сугоришдан олдин чукур қилиб берган яхши самара беради, кузда хайдовдан олдин берилади. Бунда ўғитни чочиб берадиган РУ-4-10 агрегатидан фойдаланса бўлади. ПРВН-2,5 машинасига ўрнатилган ПРВН-17 агрегати ўғитни 20-22 см чуқурликка беради.

Органик ўғитлар чиринди, компост шаклида ҳар 2-3 йилда бир маротаба тегили равища 40-60 ва 20-30 т/га ҳисобида берилади.

Дараҳтларни вегетация даврида ўсишини ва ҳосилни шаклантиришда ва пакана бўйли пайандланган дараҳтларни, айниқса симбағазда ўстирилаётган боғларни сув билан мол ёки товуқ гўнгини шарбат қилиб бериш жуда самарали.

Бунда ҳар квартал ёки боғни сув келадиган бурчагига, катта ҳовуз қилиб унга гўнг солинади ва 1-2 кун давомида сув қуйиб ачитилади ва сугориш даврида сувни ҳовузни бир бурчагидан киргизиб иккинчи бурчагидан чиқкан сувни боғ қатор ораларига тарапади. Лозим бўлганда ҳовуздаги шатмоғ қўзгатилиб турилади. Бу усулда берилган гўнг эритмаси тўғридан-тўғри илдиз орқали ўзлаштирилади ва шу билан бир вақтда тупроқдаги гумус миқдорини оширади.

Гўнг таркибида ўсимлик ривожи учун зарур бўлган барча элементлар мавжудлигини ҳисобга олганда, бу усул озуклантиришни нақадар аҳамиятлилигини англаб етамиз.

Кўпгина тадқиқотчилар маълумотига қараганда Менделеев даврий жадвалининг барча микро ва макро элементлари гўнгда мавжуд. Бу эритмани унумдорлигини янаям ошириш максадида эҳтиёж бўлса (гўнг миқдори мўлжалдан кам бўлса ва ҳоказо) унга маълум миқдорда минерал ўғитларни қўшиб эритиб оқизса, уни натижаси янаям самаралироқ бўлади.

Ўзбекистон ўзининг азал-азалдан ширин-шакар мевали боғлари билан бутун дунёга танилган ва довруги кетган. Транспорт системаси танқис бўлган пайтларда Туркистон ўлкасида етиштирилиб куритилган меваларни довруги бутун дунёга ёйилган.

Кейинги йилларда боғдорчиликка эътибор камроқ бўлгани сабабли, мевали боғларни сони ва сифати бирмунча пасайиб кетди. Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги № 255-сонли қарори чиқди. Бунда Ўзбекистонда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш ва уни маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари ўз ўрнини топган.

Шундан сўнг боғдорчиликка, айниқса интенсив боғдорчиликка эътибор кучайиб кетди. Шу билан бир вақтда кўпгина худудларда совутгичлар, мевани қайта ишлайдиган замонавий цехлар қурилиб ишга тушириляпти.

Давлатимиз томонидан интенсив боғларни барпо қилиш, шу боғларни тупроқ унумдорлигини етарли даражада сақлаш ва ошириб

бориш, интенсив боғ маҳсулотини қайта ишлаш, боғларни касаллик ва зааркунандалардан сақлаш, сугориш системасини такомиллаштириш ва ҳоказо масалаларини ҳал қилиш юзасидан катта ишлар қилингапти.

Боғларни, айниқса интенсив боғларни самарадорлигини оширишни яна бир муҳим омилларидан бири, уларни маълум бир худудларга (ўсиш, ривожланиши маъқул келадиган) концентратациялаш, бундай худудларда боғдорчиликни барча ютуқларини кенг қамровда жалб қилиш имкони мавжуд бўлади.

Нав ва мева турини тўғри танлаш, уларни тўғри жойлаштириш, нав пайвандтаг уйғунлигини аниқ танлаш, дараҳт танасига шакл бериш усулини тўғри танлаш, тупроқ унумдорлиги, боғни турига жавоб бериши, касаллик ва зааркунандлаларга қарши кураш чораларини такомиллаштириб бориш, агротехник тадбирларни механизациялаш даражасини ошириб бориш, доим нав ва пайвандтагларни янгилаб бориш, замонавий рационал конструкция боғлари яратиш, уларни янги самарали шакллантириш усулларини яратиш ва ҳоказо. Бу боғдорчиликни иқтисодий самарадорлигини ортиб боришига асосий омил бўлиб хисобланади.

Юқорида баён этилган омилларни бирортасини бажармаслик боғнинг интенсив иқтисодий самарадорлигига салбий таъсир этади.

Боғдорчиликни жадаллаштиришнинг асосий йўлларидан бир бу пакана, ярим пакана пайвандтаг дараҳтларидан фойдаланиш. Уларни иложи борича зичроқ жойлаштириш, айниқса симбағазда ўстирилувчи боғларни бу боғларда механизация даражаси юқорироқ бўлади.

Интенсив боғлар ҳар бир гектар боғ майдонидан кам ҳаражат билан кўп ва сифатли хосил олиш имконини беради.

Республикамиздаги сугориладиган майдонларда боғ ташкил қилиш анча маблаг талаб қилиши билан бир вақтда озиқ-овқат учун етиширилладиган экинлар майдонини эгаллайди. Шунинг учун бундай майдонларда экилган боғларни самарадорлиги иложи борича жудаям юқори бўлиши шарт.

Замонавий интенсив боғларимиз, уларнинг барча агротехник талаблари ўз вақтида бажарилганда, шу талабларга жавоб беради.


5. БОГ ВА ТОК КҮЧАТЛАРИНИ ЭКИШ УЧУН МАЙДОНЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ СХЕМАСИ

Дараҳтларни жойлаштириш. Мевали боғларда, айниқса интенсив боғларда ҳосилдорликни миқдори факт нав ва пайвандтаг уйғунлигини түгри танлаш, агротехник тадбирларни самарали ўтказиш билангина эмас, балки қатор ораларини кенглиги ва уларда дараҳтларни жойлаштириш масофасига ҳам боғлик.

Дараҳтларни жойлаштиришда шуни эътиборга олиш лозимки, бир гектар майдонда қанча кўп дараҳт жойлашган бўлса ҳосил ҳам шунча кўп бўлади. Лекин буни ҳам меёри ва чегараси бор. Чегарани белгилаб берувчи омиллар дараҳтларни ҳажмига, уларга шакл бериш усулига, қатор ораларига ишлов беришда, механизациялаш дарражасига, турига ва бир қанча бошқа омилларга боғлик.

Интенсив боғларни ташкил қилишда айниқса симбағазли боғларни, дараҳтлар анча қалин (зич) экиляпти. Айниқса замона- вий интенсив боғлар ва уларни парваришилашда йўл қўйилган хато, айниқса шакл беришда, жуда нохуш ҳолатларга олиб келади. Дараҳтлар жудаям зичлашиб кетиши оқибатида мевасини миқдорига ва айниқса сифатига салбий таъсир этади.

Баъзи боғонлар дараҳтнинг бўйини кесиш билан чегаралаб турса бўлади деб ҳисобланашади, айниқса кучли пайвандтагда ўсуви чегараларни. Тажрибалардан кўриниб турибидики дараҳтни қанча кучли кесссангиз у шунча кучли ўсади, ҳосилдорликни анча пасайтиради, ўсаётган новдалар танасини зичлаштириб юборади, танасини



маълум шаклда ушлаш учун доим танасини сийраклаштириб бўйини чегаралаб туриш лозим Шуни ҳисобга олиб, дараҳтларни бўйини назорат қилиш мақсадида пакана, ярим пакана бўйли пайвандтагларга уланган дараҳтлардан фойдаланиш, барча масалаларга ижобий жавоб беради.

Симбағазли боғларда ўстирилаётган мева дараҳтини эни (танасини қалинлиги) пакана бўйли дараҳтларда 100 см ва паст бўйли дараҳтларда 150 см ташкил қилиш лозим, шунда танасини қуёш нурлари яхши ёритади. Дараҳтларни бўйи эса 3,5 м дан ошмаслиги керак. Қатор оралари 3,5-4,0 м бўлганда дараҳтларни таналари қуёш нури билан яхши таъминланган бўлади.

Пакана, ярим пакана бўйли дараҳтларнинг қатор ораларини кенглиги тупроқни унумдорлигига, сув билан таъминланганлигига ва айниқса навни ўсиш кучига узвий боғлиқ.

Ўз вақтида Р.Р.Шредер номли ЎзБУваВ ИТИ бу соҳада кенг кўламли тажрибалар ўтказган ва пайвандтагни, навни ўсиш кучига ва уларни танасига бериладиган шамол йўналишига усулига қараб, дараҳтларни боғда жойлаштириш схемасини ишлаб чиқкан.

Шу билан бир вақтда ҳозир республикамизга кенг қамровда кириб келган замонавий усулда дараҳтларни зичлаштирилган усулда жойлаштириш технологиясини ҳисобга олган ҳолда куйидаги схемада дараҳтларни экишни тавсия этади (10-жадвал).

10-жадвал

Пакана, ярим пакана пайвандтагли дарахтларнинг боғда жойлашиш схемаси

Мевани ва пайвандтагни ўсиши кучига қараб	Навларни ўсиши кучига қараб	Қатор ораси, м.	Дарахтларни ораси, м.	1 гектар боғдаги дарахтлар сони, дона
Олма				
	Танасига эркин усулда шакл бериш			
Пакана	Паст ўсуви	5	4	500
	Ўрта ўсуви	5	5	400
Паст	Паст ўсуви	6	5	333
	Ўрта ўсуви	6	6	277
Ўрта	Паст ўсуви	7	5	285
	Ўрта ўсуви	7	6	238
Нок				
Пакана (Айва "А")	Паст ўсуви	5	3	666
	Ўрта ўсуви	5	4	500
	Кучли ўсуви	5	5	400
Олма				
	Симбағазда			
Пакана	Паст ўсуви	3,5	2,5	1142
	Ўрта ўсуви	3,5	3	952
Паст	Паст ўсуви	4	3	833
	Ўрта ўсуви	4	3,5	714
Ўрта	Паст ўсуви	4	3,5	714
	Ўрта ўсуви	4	4	425
Нок				
Пакана (Айва "А")	Паст ўсуви	3,5	2	1428
	Ўрта ўсуви	3,5	2,5	1142
	Кучли ўсуви	3,5	3	952
Олма				
	Замонавий (зичлашган) симбағазли боғ			
Паст	Паст ўсуви (спур)	3,5	1	2857
Нок	Ўрта ўсуви	3,5	1,3	2197
Нок	Паст ўсуви	3,5	1	2857
	Ўрта ўсуви	3,5	1,3	2197
Олма				
	Танасига эркин усулда шакл бериш			
Паст	Паст ўсуви	4	2,5-3	833-100
	Ўрта ўсуви	5	4	500
	Кучли ўсуви	6	5	333

Пакана ва паст бўйли пайвандтагда ўстириш учун тавсия қилинаётган олманинг навлари куйидаги гурухларга бўлинади : паст ўсуви – Ред Мелба, рояль ред Делишес, ўрта ўсуви – Первенец Смарканда, Боровинка ташкентская, кинг Девид, Пармен зимний золотой, Джонатан, Слава Победителям, Старк, Голден Делишес, Ренет Симиренко, Нафис.



Нокда паст ўсувчи гурухлар қуйидагилар киради – Оливье де Серр, Вильямс руж, Бере Жиффер. Триумф Пакгама, ўрта ўсувчи – Пасс красан, Подарок, Любимица клаппа, кучли ўсучилар – Кюре, Бере Ардонон, Бере ранняя, Мореттини, Нашвати зимняя 2, Бере Аманли.

Олма навини факат халқасимон мевали шохчаларга ҳосил берадиган навларни (Спур) дараҳтларни бўйлари оддий паст ўсувчи навлардан 20-25% пастроқ. Бунга қуйидаги навлар киради – Голд Спур, Велспур, Старкrimson, Иэллоспур ва бошқалар. Табиийки бу навларни боғга экилганда бу хусусиятлар инобатга олиниши шарт. Бундай навлар эркин шакл бериладиган боғларда паст ўсувчи пайвандтагда бўлса, қатор ораси 1 м ва дараҳтни орасини 2 м, симбағазли боғларда эса факат дараҳт ораларини 1 м камроқ қилиш лозим

Хаваскор боғбонлар пакана, ярим пакана бўйли пайвандтагда ўсувчи дараҳтларни ўзларини майдонида зичроқ экса бўлади. Чунки боғни қатор орасида бўладиган ишларни хаваскор боғбонлар асосан кўлда бажаради ва уларда танасига мунтазам керакли шакл бериб, уни бўйини чеклаб туриш имкони мавжуд.

Олманинг парадизка ва нокни Айва “А” пайвандтагли боғларига эркин шакл берганда қуйидаги схемада экса бўлади. Қатор орасини 4 м ва дараҳтлар орасини эса 2,5-3 м ва паст бўйли пайвандтагларда эса $5 \times 3,5-4$ м симбағазли боғларни эса факат парадизка пайвандтагида экиш лозим, бунда қатор ораларини 2,5 м ва дараҳт ораларини 2 м (оддий итальян услида шакл берганда). Дараҳтларни танасига кўёш нурини яхши ёритилишини тъмири этиш лозим

Ишлаб чиқаришга янги кириб келган замонавий усулда экилаётган интенсив боғларда дараҳт зичлиги пакана пайвандтагда 1 гектар боғда 1900-2900 гача боради. Буларда навни тўғри танлаш ва уларни ўсиш кучига қараб жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу боғларда энг асосий омиллардан бири тўғри шакл бериш.

Олдинги усулда экилган симбағазли боғларда шакл оддий итальян усулида берилган бўлса, замонавий боғларда веритино (арчасимон) усулида амалга оширилади. Адашиб бу боғларни ҳам оддий итальян усулида шакл бериб қўйилса, кўпгина нохуш ҳолларга олиб келади ва боғни самарадорлиги кескин тушиб кетади. Шунинг учун бу боғларни парвариш қилиш технологиясини мукаммал ўзлаштириб, тўлиқ қўллаш лозим

Чет элдан кириб келаётган олма навларини кўпчилиги асосан ҳалқасимон мева шохларида ҳосил беради (спур) – Ред Чиф, Топ Ред, Камспур, паст ўсувчи – Бребурн, ўрта ўсувчи – Джонаред, Джона-гольдъ, Спартан, Лондон, Пени, Фридон, Гипсон, кучли ўсувчи – Гранни смит, Фуджи Киру, Мелроуз, Гала ва уни дурагайлари ва бошқа кўпгина навлар.

Республикага кириб келаётган нок навларининг дарахтлари ҳар хил ўсиш кучига эга. Демак бу навларнинг ҳаммаси бир хил схемада бояга жойлаштириш нотўғри бўлади. Буларни экиш схемаси ҳам ўсиш кучидан келиб чиккан ҳолда ҳар хил бўлиши керак. Симбағазда ўстиришда ҳам дарахтларни ўсиш кучини ва ҳосил берадиган куртакларини асосий турини ҳисобга олиш лозим

Ўсиш кучи паст бўлган ва ҳосилни асосан ҳалқасимон куртакларда қиласидиган навларни паст бўйли (ММ-106) пайвандтагида парваришлаган мақсадга мувофиқидир.

Тупроқни тайёрлаш ва қўчатларни экиш. Интенсив мевали боғлар экилган майдонда узлуксиз 8-35 йил ўсиб ривожланиб ҳосил беради (пайвандтаг турига қараб). Бу жараёнларни ҳаммасини нормал кечиши учун боққа экиладиган тупроқ жуда сифатли тайёрланиши керак.

Олдиндан боғ экиладиган майдон яхши сув юриши учун яхшилаб текисланиши лозим Шу мақсадда олдиндан геодезик ишлар олиб борилади ва шу асосда лозим бўлса текислаш ишлари олиб борилади.

Пакана ва паст бўйли мевали боғлар экиладиган майдонларни плантаж сўка билан камида 50-60 см чуқурликда хайдаш шарт. Фақат бу амални боғни экишдан олти ой олдин, имкони бўлмаса уч ой олдин ўтказиш керак (шу орада тупроқ ўтириб, майдон янга зичлашади). Бу амални ППУ-50 ёки ПП-50 ПГ агрегати ёрдамида амалга оширилади.

Туби қумлоқ бўлган бўз ўтлоқ тупроқларда плантаж хайдови 40-45 см чуқурликда амалга оширилади. Бунда ППН-40 агрегатидан фойдаланилади.

Плантаж хайдовидан олдин боғ экиладиган майдонга ҳар гектар ҳисобига 50-60 тн. гўнг чириндисидан ва минерал ўғитлардан фосфорлигидан 180 кг/га, калийлидан 90 кг/га ва азот ўғитини аммоний

формалигидан 120 кг/га таъсир қилувчи моддаси ҳисобида бериш лозим Ер қуруқ бўлса плантаж хайдовидан олдин сугориш лозим Бу амалларни боғни экилишидан энг ками билан 2-3 ой олдин амалга ошириш лозим Тупроқда нам камлик қилса майдонни сугориб олиш лозим

Хўжаликда чиринди масаласи тансик бўлса, боғ экиладиган майдонга сидерат ўсимликларини экиб, улар гуллаган даврда хайдаб ташланади. Экиладиган сидератларни гуллаш даврида ерни хайдаш даврига тўғри келадиган қилиб экилади.

Интенсив мевали боғларни 2-3 йил бедазор бўлган ерларда ташкил қилиш жудаям яхши самара беради.

Мевали боғларни ташкил қилишни энг мақул даври бу куз (ноябрь-декабрь). Кўччатларни экиш техникаси паст бўйли интенсив кўччатларники худди кучли ўсуви пайвандтагда ўсуви кўччатларнига ўхшашиб.

Озиқланиш майдонлари. Бир неча ўн йиллар олдин бутун дунё боғдорчилигига асосан дараҳтлар 10×8 , 10×10 ва 12×12 м масофа да экилиб, танаси фақатгина эркин усулда (acosan сийраклаштирилган ярус) шакл берилади. Алоҳида ўсган дараҳтларда ҳосилдорлик ҳар бир тубда юқори бўлишини ҳисобга олиб юқори ҳисобланади.

Айрим рекордсмен дараҳтлар бир йилда 1-2 ва ундан ҳам кўпроқ тонна ҳосил беради (Чиноз тумани “Алмазар” хўжалигини 2-участкасида 1975й. Розмарин белый навли 19 яшар боғдан ўртача 1100 кг. ҳосил олинган, айрим дараҳтлар 2600кг ва ундан ҳам кўп ҳосил берган). Бундай мисолларни бошқа хўжаликлар бўйича ҳам кўплаб келтириш мумкин. Лекин булар кескин соликашликка эга. Айрим дараҳтларни кўп ҳосил бериши бутун боғни ҳосилдорлиги юқори бўлишини таъмин этолмайди.

Жумладан Р.Р.Шредер номли ЎзБУваВ ИТИда ўтказилган тажрибалар бу фикримизга далил бўла олади. 10×3 м схемада экилган дараҳтларни ҳар бир тубидан олинган ҳосили 10×10 м экилган дараҳтларга нисбатан 2 баробар кам бўлишига қарамай, умумий маълум майдондан олинган ҳосил зич экилган боғда 70% ортиқроқ бўлган (А.П.Драгавцев, 1970 йил).

Буни устига дараҳтда ҳосилни кўп бўлиши уни қишига чидамлилигини пасайтириб, ҳосилни сифатини пасайишига ва кескин соликашлигига сабаб бўлади (П.К.Урсленко, 1960 йил). Бироқ, дараҳтни ҳажми ва у эгаллаб турган майдоннинг ҳар бир квадрат метрини

маҳсулдорлиги орасида тескари нисбат (короляция) мавжуд (C.J.Cain, 1970 йил). Бу нохуш ҳоллардан ҳосили бўлиш ва асосан ҳар бир гектар боғни маҳсулдорлигини ошириш мақсадида мевали дараҳтларни зич экиш лозим

Ўтган асрнинг 60 йилларида кўпгина олимлар дараҳтларни боғда зичроқ жойлаштириш тарафдорлиги матбуотда аниқ намоён бўлди. Бунда зич экилган боғларнинг ижобий тарафлари дараҳтларни эрта ҳосилга кириши (Н.П.Донских, 1960 йил), ҳар йили мўл ҳосил бериси (С.Вуличенко, 1973 йил, И.И.Молчанов, 1960 йил, А.А.Семенов, 1961 йил), қишига чидамлилигини ошиши (Н.И.Калашников, 1960 йил).

Ўз даврида (П.Г.Шит, 1973 йил, Н.Г.Жучков, 1936 йил) зич экилган мева боғларда дараҳтларнинг экстремал шароитга чидамлилиги ошиши ҳақида қайд қилишган.

А.П.Драговцев (1970 йил) фикрича зич экилган боғларда фитоценоз ҳолати эртароқ ҳосил бўлади ва ўсимликни ўзига яраша маҳсус микроиқлими вужудга келади. У ерда шамолни кучи 2-3 баробар секинлашади, 2,5-3% ҳавони нисбий намлиги ошади, тупроқни устки қатламини қизиши камаяди. Камида 25% тупроқдан сувни буғланиши камаяди. Қатор орасидаги тупроқни ташқарига иссиқликни камрок тарқатиши ҳисобига унда юзага келадиган температура фарқи ҳам кам бўлади.

Шунинг учун ҳам зич экиладиган мевали боғлар кенг ривож топади. (H.Barker (1968 йил) ва D.V.Fisher (1969 йил) фикрича ҳамма турдаги мева боғлари бутун ҳаёти давомида зич жойлашган бўлса, уларни самараси юқори бўлади. Дараҳтнинг ҳосилдор ёғочли қисми ҳар бир майдонда максимал бўлади ва мевасини сифати юқори бўлади. Шунинг учун бу жараён барча давлатларда кенг тарқалмоқда ва ўрганилмоқда.

Ҳозирги вактда мева боғларида ўртача ҳосилдорликни барча турдаги боғларда олиш мумкин (F.Vinter, 1978 йил). Шунинг учун барпо қилинадиган боғни танлаш имкони кенг ва унда энг асосий кўрсатгич бўлиши маълум ҳудудда иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган турдаги бօғ тури танланади. Бунда барча омиллар ҳисобга олиниши шарт.

Шунинг учун интенсив боғларни турларини аниқлаганда маҳаллий шароитдан келиб чиқиши лозим, тупроқ таркиби, сув таъминоти, боғ майдонининг рельефи ишчи кучини мавжудлиги, боғни марказий коммуникацияларда жойлашиши, масофаси (темир йўл, марказий автомобил трассаси ва ҳоказо), қайта ишлаш корхоналарни узоқлиги ва энг асосийси шу ҳудудда қайси мева тури яхши ўсиб ҳосил бериши ҳисобга олинади.

Юкорида қайд этилгандек, мевали боғни ҳосили юқори бўлишлиги, уни мева куртакли шоҳлар билан қопланиш ҳажмига боғлиқ. Шунинг учун сийрак жойлашган дараҳтларда, айниқса кучли пайвандтагда ўсуви, агротехник тадбирларни ҳаммаси бошланғич филларда бақувват она шоҳларини шакллантиришга, уларда кела-жакда ҳосил шоҳлари шаклланади.

Бундай дараҳтлар биринчي йилларда кучли ўсиши лозим Бу эса ўз навбатида ҳосилга кириш муддатини орқага суради. Буни устига танасига қуёш нури яхши тушишини яхши таъминлаш учун дараҳтни танаси ҳар хил усуллар билан кесилади ва янаем кучлироқ ўсишига имкон яратилади. Бу эса ўз навбатида ҳосилга киришни янаем орқага чўзади. Шу билан бир вақтда қўшимча ҳаражатга шароит яратилади ва боғни иқтисодий самарадорлиги пасайиб боради. Бироқ тўғри шакл берилган дараҳт доим ўсади ва шу жумладан керак бўлмаган томонга ўсади. Буни доим назорат этиб тўғрилаб туриш боғбонни вазифаси.

Дараҳт ўсиб борган сари уни кесиб шакл беришга бўладиган сарф ортиб боради. Умуман олганда дараҳт ёш бўлганида у яхши ўсади ва фақат ҳосил бермайди. Ҳосил бера бошлаганида эса уни эгиб териб олиш учун маҳсус анжомлар зарур ва дараҳтни ҳосилдорлигини доимий саклаб туриш ва мевасини сифатли бўлиши учун эса маҳсус агротехник чоралар кўрилади. Бу вазиятдан чиқиши ягона йўли бу боғ экилган дастлабки йилларда ундан мўл ҳосил олиш, дараҳтлар ёшлигига доим ҳосил беради ва дараҳтлар ортиқча ҳаражатга муҳтож эмас.

Шунинг учун бутун дунё боғбонлари боғни парваришлаш ва уни мевасини териш технологияларини жадаллаштириш, боғдаги барча агротехник тадбирларни механизациялаштириш йўлида изланишлар олиб боришапти.

Охирги 20-25 йил ичидә боғдорчиликда сезиларли ўзгаришлар бўлди. Биринчидан кенг кўламда пакана ва паст бўйли пайвандтаглар кўпайиб, уларга паст бўйли эрта ҳосилга кирадиган навлар уланиб, маҳсулдор даври қисқарди. Иккинчидан ҳар бир гектар майдонга экиладиган кўчатлар сони 50-100 тадан 2,0-3,0 минггача ошди. Бу ҳосилдорликни анча ошириш билан бир вақтда иш унумини ҳам анча оширди. Бир иш кунига чиқадиган ҳосилни 1955 йил 20 кг бўлса, 1971 йил 64,7 кг.ни ташкил қилди (S.Vertheist, 1973 йил). Нихоят симбағазда ўсадиган шакл юзага келиб, у кўргина жараёнларни, дарахтлар танасига шакл беришни осонлаштириди.

Хозирги вақтда кенг тарқалган конуссимон шакл бериш усули (цилиндир, шпиндер, веретино). Бунда дарахтда она шохлари умуман йўқ, дарахтни кесиш, чилпиш, новдани буташ ва эгиш билан алмаштирилган (E.Baldini, 1974 йил).

Бу ўз навбатида жадаллашган боғ талабларига тўлиқ жавоб беради, дарахтни ўсишига, танани яшаш жараённига, она шохларига ва илдизга сарф бўладиган вақт ва озука, ҳосилдорлик ҳисобига бўлади (П.П.Иванов, 1972 йил).

Хозирги вақтда зич экиладгиан боғларни ҳар хил турлари барпо қилингапти. Қатор ораси мавжуд бўлган техникага ўтишига мослашган ҳолда ва дарахтлар танасига қуёш нури яхши тушишини ҳисобга олган ҳолда қолдириляпти. Охиргиси жуда муҳим чунки сифатли мева олиш учун унга қуёш нури камида 50% тушиши лозим (J.E.Jacksjn, 1971 йил).

Бундан ташқари ўтган асрнинг 20 йилларида қатор тадқиқотчилар томонидан қайд қилинганки, соя ерда мева куртаги ҳосил бўлиши чекланади (E.C.Auchter, 1926 йил). Дарахтни танасига тушаётган ёруғлиқ микдорини ўлчаш шуни кўрсатди, қуёш нурини 30%дан кам тушадиган ерида ҳосилдорлик тўхтайди (D.B.Heinicke, 1963-1966йй.)

Бундай майдонда ҳосил бўладиган мева шохчаларини микдори минимал бўлиб, нолга яқинлашади (J.C.Cain, 1971 йил). Ҳалқасимон мева куртаклари дарахтни танасини ичкарисида кўпроқ жойлашган бўлиб, ўз навбатида фотосинтез жараёнида ҳосил бўлади. Бундан келиб чиқсан ҳолда дарахтни танасига қуёш ёруғлигини ўтиши қанча аҳамиятлиги маълум бўлади (J.C.Cain, 1973 йил), В.В.Гриненко (1976

йил) фикрича қалинлашиб кетган дараҳт таналарида, баргларда фотосинтез энергияси суст бўлган ерларда бу жараённи сустлашгани кузатилди. Ундан ташқари сояда олган баргларда ёруғлик билан туй-иниши эртарок бўлиб, фотосинтез даражаси сустроқ, куёш нурини тўлиқрок ($0,7\text{-}0,9$ кал/см 2 минут) олган баргларга нисбатан.

Шундай қилиб, дараҳтни танасида ҳосил бўладиган соя худудлари мева боғини ҳосилдорлигини камайишига олиб келади (В.В.Гриненко, 1974 йил).

Мева боғларида қатор орасидаги очиқ масофа танасига ёруғлик яхши тушиши учун дараҳтни бўйига teng бўлиши лозим деб ҳисобланади (S.Vertheist, 1973 йил). Оптималь ёруғ тушиши учун эса қатор ораси дараҳт бўйига нисбатан икки баробар кенгрок бўлиши лозим (J.C.Cain, 1971 йил).

Бир қатор экилган боғларда дараҳтларни танасига тушадиган куёш нурини миқдори кўпроқ бўлади ва дараҳтларга ишлов бериш анча самарали бўлади (M.Comai, 1972 йил). Бу усулни камчилиги маълум майдонда дараҳт сонини оширишни чегаралангандиги, мевасини сифат нисбати пастлиги ва майдондан фойдаланиш даражаси (коэффициент) пастлиги.

Дараҳтлар ораси камайган сари мевани ҳажми ҳам камаяди (L.V.Pabme, 1973 йил), дараҳтларни 3×1 м схемада экилганда майдонни 40% қатор орасига тўғри келади (Van Osten, 1978 йил). Шу билан бир қаторда механизмлар бир йўлакдан доим ўтиб, тупроқни жуда зичлаб юборади. Бу боғни маҳсулдорлигига салбий таъсир этиди (В.В.Пашкевич, 1927 йил).

Боғларни лента усулида икки қатор схемасида экиш, юқорида кўрсатилган камчиликлардан ҳоли. Бу усулни биринчи бўлиб П.П.Шит (1987 йил) таклиф қилган “ўз ўзини ҳимояловчи боғлар” деб номлаган. Паст бўйли пайвандтагларда ўсуви чи кечи ва эрта ҳосилга кириувчи боғлар учун буни H.J.Blaes (1959 йил) таклиф қилган.

Бироқ бундай боғларни тажриба нусхалари ўтган асрнинг 60-йиларида гербицидлар кенг кўллана бошлагандан сўнг барпо қилинди.

Бир қатор қилиб экилганларга қараганда икки қатор қилиб экилган боғларда ўсимликлар куёш нуридан ва тупроқдан унумлирок фойдаланилади ва уларда новдаларни ўсиш кучи сустроқ бўлади (H.Hangen, 1975 йил). Бу усулда экиладгиан боғларда ўсимликларни

(дарахтларни) ораси кенгроқ бўлиб, қатор ораси торроқ бўлади. Қуёш нури дараҳт танасига яхши тушиши учун қаторлардаги дараҳтлар шахмат усулида жойлаштирилади.

Тавсия этиладиган экиш схемаси $3,5 \times 4 \times 2/1 \times 1,25$ м ёки бир гектар майдонга $3,2\text{-}3,5$ мингта дараҳт жойлашади (B.Borel, 1975 йил, G.Bos, 1969 йил). Шу кунларда бу системани тўғрилиги ҳақида аниқ маълумотлар бор (G.Spruit, 1974 йил).

Боғни икки қаторли қилиб экилганда дараҳт сони анча ортади. Бунда уни маҳсулдорлигига ва мевани сифатига деярли путур етмайди. Бироқ (Ю.Л.Кудсов, 1977 йил) бир гектар майдонда дараҳт сони бир хил бўлганда (мисол учун 4 ёки 9 минг/дар/га), икки қаторли боғ бир қаторли боғни қаршисида ҳеч қандай афзалликка эга бўлмайди.

Мева боғининг кўп конструкциялари синовдан ўтди, жумладан кўп қаторли тасмасимон ва жўякли (блокли) конструкциялар. Охирги ҳолатда блоклар орасида колган кенг қатор оралари техника ўтиши етарли. Жўякларда дараҳтлар қуидаги схемада экилган $1,5\text{-}1,25 \times 0,5$ м Охирги конструкцияда пайвандтаг сифатида супер карлик пайвандтаг ишлатганда (М-27, М-20, 3426) иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган. Бунда эрта ҳосилга кирувчи Голден Делишес ва Джемс грив навлари иштирок этган (A.P.Preston, 1974 йил).

Англияда батамом янги технология ишлаб чиқарилди. Мевани етиштиришни тўлиқ механизациялаш, мева териш жараёни мақсадида тажриба қўйилди (L.C.Luskvill, 1969 йил). Лонг Эштон тажриба станциясида 1969 йили ММ-106 пайвандтагига пайванд қилинган, Лорд Ламбурн ва Эгрэмонт навли бир яшар кўчатлар қатор ораси $1,8$ м ва тублар ораси 30×45 см (1 гектар майдонга 72 минг дараҳт). Кейинроқ тажрибада бошқа пайвандтаг ва нав комбинациялари қўлланилган. Лекин кейинги боғлар барпо килишда олдин пайвандтаг боғга экилиб, жойида унга нав уланган (L.G.Luckyill 1972 йил).

Бундай усулни асосий афзаллиги шундаки, мева дараҳти кўчатзорида мева куртакларини ҳосил қилдириш, бир яшар новдаларда ҳосил куртаги ҳосил қилиш. Буни кўчатзорда кўчатларга $0,15\text{-}0,25\%$ Алар эритмасини пуркаш билан эришилади. Бунда навларни қўлда учини чилпиш ёки ёғли кислоталар ёрдамида кимёвий чилпиш ўтказиш лозим Охирги усул афзалрок, чунки кимёвий чилпиш калта

ён шохлар ҳосил қилишга сабаб бўлади ва Алар эритмаси билан қайта ишлов берилганда улар мева куртакларига айланади (L.G.Luckyill 1972 йил).

Ҳосил териб олингандан сўнг бир яшар новда пайванд қилинган ердан 10-25 см баландда кесиб ташланади, механизм ёрдамида кесгандай қилиб. Келаси йилда тўнкадан янги новда чикади ва бутун юқорида баён қилинган жараён қайтарилади. Шундай қилиб бу усулда боғ парвариш қилинганда ҳосил йил оралаб бўлади.

Ҳосилдорлик кўп олимларга боғлиқ, жумладан пайвандтаг турига, навига, агротехника савиясига ва хоказо. Мисол учун ММ-106 пайвандтагда ўстирилган Лорд Ламбурн нави (1972 йил) 16,2 тн/га. ҳосил берган бўлса, шу пайвандтагда ўсуви Старкспур голден делишес навини ҳосили бир гектарга хисоблаганда (1975 йил) 117,7 тн. ташкил қилган (B.D.Child, 1976 йил).

Қуйидаги жадвалда шундай боғларни ҳосилдорлиги келтирилган (11-жадвал).

11-жадвал

Голден Делишес навини иккинчи жараёндаги ҳосили

Т/Р	Пайвандтаг	Тўп гуллар сони дона-даражат	Дарахтдаги мева сони		Ҳосилдорлик, тн/га	100 дона мевани ўртacha оғирлиги, кг.
			дона	кг		
1.	ММ-106	10,0	5,3	0,52	37,0	9,76
2.	ММ-111	17,0	5,5	0,58	41,5	10,46
3.	ММ-109	19,0	8,4	0,89	63,7	10,46
4.	М-9	30,6	11,2	0,95	75,3	8,*4
5.	М-26	18,8	15,8	1,46	104,8	9,27

Бу йўсингдаги боғлар йўл оралатиб ҳосил беришини ҳисобга олсанак, бу ҳосилдорлик ўртacha ҳисобланади. Бундай боғларни барпо қилишда бир қанча муаммолар келиб чиқди. Жумладан бир яшар новдалар махсус эритма билан ишлов берилган бўлса ҳам баъзи навларда мева куртаги ҳосил қилмаган. Бу эса ҳосилдорликни жудаям тушириб юборган.

Мисол учун 1972 йил Кримда М-9 пайвандтаг билан экилиб, жойида пайванд қилинган боғ 1975 йилгача баъзи дарахтлар умуман гулламади (В.И.Якушев, 1976 йил).

Иккинчидан новда кесиб олингандан сўнг қолган қисмида келаси йили бир эмас, балки бир неча новда ўсиб чиқган. Уларни олиб таш-

лаш күшимча мөхнат сарфини талаб этади. Учинчидан ҳамма навларда ҳам ҳосилдорлик ва мевани ҳажми боғни ҳамма ерида бир хил бўлмаган четда жойлашган қаторларда ҳосил ҳам меванинг сифати ҳам юкорироқ бўлган (L.G.Luckvill, 1972 йил, S.Verheism, 1973 йил).

Бундай боғларда ерга тушган меваларни териш имкони жуда чегараланган. Демак бир қисм маҳсулот нобуд бўлади, мевани оғирлиги ҳисобига баъзи ёш дараҳтлар эгилиши, ҳаттоқи ерга ётиб қолиш ҳоллари кузатилган. Бу эса механизация жараёнини анча чеклайди (Ю.Л.Кудасов, 1977 йил). Шу билан бир вактда бир гектар майдонга экиладиган кўчатларни нархи (1 гектар 72 минг дона кўчат) жуда баланд бўлиб, уни иқтисодий самарадорлиги паст бўлади (L.G.Luckvill, 1969 йил).

Табиийки бундай боғларни ўзини танасидан илдиз чиқариш қобилияти яхши бўлган истиқболли навлардан барпо қилиш лозим. Бу кўчатларни нархи анча арzon.

L.G.Luckvill (1978 йил) маълумоти бўйича Англиядага бундай тажрибалар бошлаб юборилган ва бундай тажрибаларга Пенин оранжевый Кокса ва Голден Делишес навини пакана бўйли мутантлари жалб этилган. Бироқ бундай боғларни авторлари уни четга суриб кўйиб, ҳозир “плодовой степь” (мева девори ёки мевадан ҳосил қилинган девор) системасидаги боғлар технологияси билан шуғулланишяпти (B.D.Child, 1979 йил, L.G.Luckvill, 1977 йил).

Худди шундай тажрибалар шафтоли билан ҳам ўтказилган. Унда навнинг ўзини илдиз орттириб, ўзи билан боғ барпо қилинган. Бунда ҳар йили ҳосил олиш имкони бўлган. Чунки шафтолида ҳосил куртаклари бир яшар новдаларда бўлади. Ҳосилни комбайн териб олгандан сўнг кеч кузгача кесилган ердан янги новда ўсиб чиқиб, мева куртакларини ҳосил қилишга улгурган (мева куртаклари асосан август ва сентябрь ойларида шаклланади).

Лекин бунда боғнинг четда жойлашган дараҳтларда ҳосилдорлик ва мевани сифати ўргатда жойлашган дараҳтларга қараганда юқори бўлган. Ҳосилдорлик эса 18-20 т/га.ни ташкил қилган. Ҳосил терилаётган даврда дараҳтни новдаси кесиб олинганда, баъзи ерларда кесиши нуктасидан пастроқда пишмаган новдалар қолиб кетган. Келаси йили улар жуда мўл ҳосил берган ва бу жараённи кузатган олимлар янги тажриба ўтказишга киришишган ва уни “интенсивный” (жадаллашган) деб номлашган.

Бунда бир гектар майдонга 3,5 минг дона күчат экилган ва ҳар бирида ҳосил ва ўринбосар новдалар иккитадан новда қолдиришган. Ҳосил берган новда кишда 10 см түнка қолдириб олиб ташланган. Келаси йили кесилмаган новда ҳосил берган. Қолдирилган түнкадан эса янги новда шаклланган.

Бу усул кучли ўсуви, яхши пишган ҳосилдор новдаларни олиш имконини берди. Табиийки бундай новдалар сермаҳсул бўлади. Шунинг учун ҳам бундай боғда ҳосилдорлик юкори бўлиб, 67,6 т/га.ни ташкил киласи ва олдинги усулдаги боғдан уч баробар кўп ҳосил бера бошлади. Бироқ бунда мева ва шакл бериш кўлда бажариладиган бўлди. Лекин бу ўзини иқтисодий томондан оклади.

Шундай қилиб, замонавий боғдорчиликни асосий йўналиши бу маълум майдонда дараҳтлар иложи борича зич экилган, юкори маҳсулдор, ишлаб чиқариш жараёни қисқа бўлган боғларга қараганда.

Бундай экинзорларда мевали боғ якка тартибда ўсуви дараҳтларни мажмуасини эмас, балки сунъий равишда ҳосил қилинган агрофитоценоз ва уни қонунларига бўйсинувчи ўсиш ва ривожланиш, ўсимликни ўсиш шароитидан келиб чиқиб, бир-бирига бўлган муносабатини тартибга солувчи жараён юзага келади.

Юкорида қайд этилганидек, маълум бир майдонда ўсимлик қанча кўп бўлса, ундан чиқадиган биомасса шунча кўп бўлади. Ўсимликни фойдали маҳсулдорлиги охиригача боғлиқ деган сўз эмас, бу ўз навбатида ўсимлик ошган сари ортиб боради. Бу эса тескари нисбат билан камайиб боради маълум меёнерга қадар.

Агар мевани сифатини ҳам инобатга олсақ, мевани ҳажми ва ранги максимал ҳосилни маълум зичлиқда олиш мумкин (Дж.женин, 1975 йил). Бу хулоса асосан дараҳтни зичлигини ортириб бориб, юкори ҳосил олмокчи бўлганларга таълуклидир.

Ҳеч бир шубҳа йўқки, зич экилган дараҳтлар ўзаро рақобат натижасида маҳсулот сифати пасаяди. Бошқа сўз билан айтганда ўсимлик ҳосилдорликни ўсимликнинг сонига қараб ортиб боради ва мевасини сифати ҳам юкори бўлади. Бу жараён агротехник тадбирлари билан назорат қилиниши мумкин. Бу вазиятда майдондаги туп сонига ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ. Мевачилик учун бундай хулоса жуда катта аҳамиятга эга. Чунки бир томондан боғ етарлича зич бўлиши лозим.

Бириңчи йиллари маҳсулдор ҳосил бериб, ўзини сарфини оқлаш лозим, иккинчи томондан дараҳтлар девор шаклида бўлиб, танасига етарли қуёш нури тушиши ва кейинги йил ҳосили учун барглар етарли дараҷада маҳсулдор ишлашини таъмин этиши лозим

Маълумки ўсимликларда энг аввал рақобат қуёш энергиясидан кўпроқ фойдали ишдир. Ундан қанча барглар кўп баҳраманд бўлса, ҳосилдорлик юқори бўлади ва дараҳтлар яхши ўсиб ривожланади.

Ҳамма нарсани меёри бўлганидай барг сатхини ҳам унумли меёри мавжуд. Уотсонни фикрича ценозни маҳсулдорлиги дараҳтдаги баргни сатхини дараҳт ўсаётган майдонга бўлган нисбатига боғлиқ. Бу нисбат “барг сатхини индекси” дейилади.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, барг сатҳи индексини оптимал кўрсатгичи, фотосинтез интенсивлигини энг юқори бўлган вақти. Бу 3-4 ни ташкил қиласи. Барг сатхини индекси 4 дан ошиб кетса, дараҳтни паст қисмдаги ва ичкарисидаги барглар сояда қолиб, умумий фотосинтез активлиги паст бўлади.

Демак кўп ҳосил олиш учун барг сатҳи индекси тезроқ оптимал даражага этиши керак ва шу дараҷада кўпроқ вақт сақланади лозим (С.Дональд, 1964 йил). Албатта ёруғлиқ жудаям зарур бўлган омиллардан, лекин дараҳтларни оптимал зичлигини анриклийдиган ягона фактор эмас.

Рақобатга сабаб бўладиган омиллардан яна муҳимлари тупроқдаги намлиқ ва минерал элементлар мавжудлиги. Шунинг учун сунъий агрофитоценозларда зич экилган боғлар шунга мансуб. Агрономни вазифаси шу омилларни олдиндан кўра билиши ва шунга яраша чорасини кўришдан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда зич экиладиган интенсив боғлар учун тупроғи унумдор сув билан яхши таъминланган майдонлар танланади ва боғ экишдан олдин катта дозада органик ва минерал ўғитлар берилади (B.Dodd, 177 йил). Ҳосилдорликни ошиб бориши бундай боғларда пайвандтаг ва навни ўсиш кучига боғлиқ.

Мисол учун M-9 пайвандтагга пайванд килинган Голден Делишес олма нави бир гектарга 2645 дараҳт экилган. Тўрт йил давомида ҳосил бергандан сўнг ҳам ҳосилдорлиги ошиб борган, кучлироқ ўсуви чархи нав Джеймс Грив эса M-7 пайвандтагга уланган. Бу даврга келиб ҳосилдорлиги ва мевасини сифати пасая бошлади. Бунинг асо-

сий сабаби дараҳтларни танаси қалинлашиб, баргларини кўп қисми сояда қолиб кетади. Бу нав учун экилган схема қалинлик қилди ва ёруғлик учун рақобат бошланди (J.V.Palmer, 1973 йил).

Шунинг учун ҳам замонавий зич экиладиган боғлар карлик ёки ярим карлик пайвандтагда экилади.

Кўпгина хорижий мамлакатларда ўтказиладиган тажрибалар бу боғларни тез ҳосилга киришини ва сермаҳсуллигини кўрсатди. Мисол учун (R.Gierriego, 1978 йил) Италияда М-7 пайвандтагда ўстирилаётган Старкаримсон нави қуйидаги зичликда экилган 3000, 4500 ва 833 дараҳт/га. Биринчи уч йилда уларнинг жами ҳосили тегишли равишда 43,50 ва 30 т/га ташкил қилди. М-27 пайвандтагда ўсувлчি Голден Делишес нави эса $1,5 \times 0,5$ м схемада экилганда, учинчи йили 784 ц/га ҳосил берди (J.Goedegebuure, 1978 йили).

Руминия ва Польшада эса иккинчи йилда 4-20 т/га ва тўртинчи йилда эса 60-80 т/га ҳосил олинган (V.Chena, 1978 йил, G.Hobubovcr, 1976 йил).

Францияда эса иккинчи йили ҳар гектардан 8 тн. ҳосил олинган ва саккизинчи йили ҳосилдорлик 276,5 т/га ташкил қилган (M.Gautier, 1977 йил).

Ирландияни Балигаган тажриба станциясида М-9 пайвандтагида ўстириувчи Голден Делишес навини гектарига 1250 ва 3333 дараҳт экиб синашган. Икки йилда ўртача ҳосил биринчи ҳолатда 3 т/га ва кейинги беш йил давомида эса 23 т/га бўлган. Иккинчи ҳолатда эса зич экилганда бу рақамлар тегишли равишда 11 ва 50 т/га ташкил қилган (N.D.Okenedy, 1968 йил).

Қозогистоннинг мевачилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институтида “қисқа циклли” мевали боғлар 1970 йилда М-9 пайвандтагда ўсувлчি Заря Алатау нави билан ташкил қилинган. Гектарига 8000 туп дараҳт экилган вариантда биринчи ишлаб чиқариш ҳосили 1973 йили олинган ва у 103,8 ц/га ташкил қилган. Икки ёшли кўчат билан экилган боғда эса тўртинчи ҳосил берган йилда ҳосилдорлиги 674,9 ц/га ташкил қилган (Ю.Л.Кудасов, 1977 йил).

Юқорида қайд этилганларнинг бирортасида ҳам зич экилган боғларни ҳолати маҳсулотни сифатига салбий таъсир этмаган, аксинча беш йил узлуксиз ҳосил бергандан сўнг ҳам ҳосилдорлик ортиб борган.

Симбағаз орқали ҳосил қиласидиган “мевали девор” усулидаги боғларда бир тубга тушадиган мевани салмоги кўп бўлмагани сабабли дараҳтлар бақувват новдаларга эҳтиёж сезмайди. Демак ёш дараҳтни кучли кесиш йўли билан ўсувни кучайтириш эҳтиёжи йўқ ва бу шароитда дараҳтни танасига қўёш нури яхши тушади.

Дараҳтларни зич экиб, мевали девор ҳосил қилиш агроilmниг охирги ютуқларидан бири. Бу боғларда агротехник тадбирларни ҳаммаси дараҳтни ўсишини секинлаштириб, мева шоҳларини кучайтиришига йўналтирилган.

Ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан келиб чиқсан, бундай деворлар ўзларини оптималь ҳажмларига 3-4 йилда етади. Бундан кейинги даврда янги мева шоҳчалар ҳосил қилувчи, ёғочликлар ҳосил бўлиши камаяди. Олма дараҳтида мева шоҳчалари актив ҳосил бериш даври 6 йил (R. Watkins, 1976 йил) бўлса, демак бу боғни актив ҳосилдор даври 10-12 йилни ташкил қиласи.

Кейинчалик мўл ҳосил олиш учун мева куртакларини ҳосил қилувчи новдаларни янгилаш лозим. Бунинг учун доим эски мева берувчи новдаларни дам-бадам кесиб, янги мева шоҳларини шакллантириб туриш лозим.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдикি, ҳозирги вактда зич экилган боғларни ҳар хил тури мавжуд. Албатта маълум бир турни танлаб олиш, ҳар хил табиий ва иқтисодий шароитга, ҳар бир навга, пайвандтагга ва парваришлаш турига, мева турига, амалий мумкин эмас. Бироқ ҳамма турдаги боғлар юқори маҳсулот бериши учун лозим бўлган талаблар мавжуд, айниқса интенсив боғлар. Булар қуидагилардир :

1. Қатор ораси даги очиқ масофа техника ўтишини ва дараҳтларни тнасини ҳамма ерига етарли ёруғ тушишини таъмин этиши лозим

2. Мева деворини баландлиги, мевани нарвон ва бирорта ёрдамчи ускунасиз териш баландлигидан ошиб кетмаслиги лозим. Деворни ҳамма ерига қўёш нури яхши тушиши ва фотосинтез жараёни етарли даражада ўтишини таъмин этиш лозим

3. Маълум майдондаги дараҳтлар сони биринчи йили маҳсулдор ҳосилни таъмин этиши ва 3-4 йил ичida барг сатҳини индекси оптималь даражага этиши зарур.

Юқорида қайд этилганидек қўёш нури дараҳтни танасидан яхши ўтиши учун мева деворини баландлиги 2 м ва эни 1,3-1,5 м ошмас-

лиги лозим Бу ҳажмлар хўжалик талабларига ҳам мос келади, чунки барча жараёндаги ишларни шу жумладан мева теришни ҳам ерда туриб амалга оширса бўлади.

Қатор орасидаги бўш масофа 2 м бўладиган бўлса ва мев деворини эни 1,5 м бўлса, демак қатор ораси 3,5 м бўлиши лозим Қатор оралари торроқ бўлиб, дарахтни бўйи ҳам кичик бўлса, мева деворини фойдали ҳажми камаяди. Бу боғни маҳсулдорлигига, айниқса маҳсулдор даврда салбий таъсир этади. Мисол учун қатор ораси 3 м бўлса, қатор орасидаги бўш масофа 2 м бўлганда мевали девор ҳажми 1/3 камаяди.

Мевали боғни ташкил қилганда энг мураккаб жараён бу боғни зичлигини тўғри белгилашдир. Бир томондан дарахтларни зичроқ жойлаштириш лозим, фитоциноз жараёни тезроқ ижобий таъсир этади ва биринчи ҳосилда маҳсулдор миқдорни олиш мақсадида. Иккинчи томондан хаддан ташқари оптималь миқдордан ортиқ дарахт зичлигини ошириш ўсимликлар орасидаги рақобат, умумий ҳосилдорилкни пасайтириб юбориши мумкин.

Шу билан бир қаторда дарахтларни сийрак экиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки биринчи ҳосил анча кеч ва оз бўлади. Мева деворини тўлиқ шакллантириш учун анча вақт ва меҳнат сарф этиш лозим бўлади.

Шуни ҳам инобатга олиш лозимки фитоценоз ҳоссалари дарахтларни илдизи ва танаси бир-бирига текканда яхши самара беради (И.Н.Рахтеенко, 1963 йил, Ю.В.Титов, 1978 йил). Шунинг учун зичлик шундай бўлиши лозимки бир-икки йил ўсгандан сўнг дарахтларни танаси ва илдиз системаси бир-бирига тегиши керак.

Юкоридаги келтирилган ҳисоб-китоблар бу оптималь шароитда ўсаётган боғлар учун тупроқ унумдорлиги юкори, сув таъминоти яхши бўлган майдонлар учун. Тупроқ унумдорлиги паст, сув таъминоти етарли бўлмаган ерларда дарахтлар зичроқ экилса бўлади. Бу шароитда дарахтларни ҳажми кичикроқ бўлади ва зичлик меёъри дарахтни сони билан нормаллаштирилади (Ю.В.Титов, 1967 йил).

Кўчат экиш ва уни сифати. Зич экилган интенсив боғни эрта ва мўл ҳосил беришига бу боғ қандай сифатдаги кўчатлар билан барпо қилинганилиги катта аҳамиятга. Мисол учун Ван Остейн (1978 йил) қуйидаги жадвалда бир яшар кўчатни танасининг (пайванд қилинган

ердан күчтеп шохлаган жойигача бўлган оралиқ) қалинлигини биринчи уч йил мобайнидаги ҳосилга бўлган таъсирини кўрсатган (12-жадвал).

12-жадвал

Шон ван Боскун нави танасининг қалинлигини биринчи ҳосилга таъсири

Бир яшар кўчтеп танасини қалинлиги, см.	Бир дараҳтда 3 йил мобайнида олинган ҳосил
3,4 – 3,5	23,2
3,6 – 3,7	23,0
3,8 – 3,9	25,5
4,0 – 4,1	26,8
4,2 – 4,3	29,7

Бунга кўчтеп шохлаш даражаси ва шохларни умумий узунлиги ҳам катта таъсир этади (M.Shepherd Ursula, 1976 йил). Ён шохлари бўлмаган кўчтеплар экилган йилда 0,3 кг. мева берган бўлса, шохланганлари 2,1 кг. берган. Икки яшар дараҳтда эса шохларни умумий узунлиги 560 см бўлган тубларда 162 дона мева ҳосил бўлди ёки ҳар 3,4 см ёғочликда бир дона мева бўлди, 175 см узунликда тегишли равишда 50 дона, 3,5 см ва 30 см узунликда эса 5 дона 6,0 см

Худди шундай маълумотни Ва Остен (1976 йил) ҳам кўйидаги жадвалда келтирган. Зич экилган иқтисодий самарадорлиги уни биринчи йиллардаги ҳосилдорлигини миқдорига боғлиқ ва бир яшар ён шохлари кўпроқ бўлган кўчтеп иложи борича экиш мақсадга мувофиқ (13-жадвал).

13-жадвал

Бир яшар мевали күчатларни ён шохлар миқдорини биринчи икки йилдаги ҳосилдорлигига таъсири (1973 йили экилган, 1974 + 1975 йиллардаги ҳосили)

10 см. ёғочланғандаги гул түп сони	Ҳосилдорлик, кг/даражат
Пепин оранжевый Кокса	
0 – 5	19,1
6 – 9	21,5
14 – 17	22,5
17	23,3
Голден Делишес	
0 – 4	18,6
5 - 7	18,6
8 - 10	25,5
11 – 15	26,4
Шон ванн Боскун	
0 – 2	12,5
3 – 5	16,1
6 – 8	19,1
8	209,1

Шохланган күчат етиштириш масаласи бу янгилик эмас. П.Г.Шитт (1937 йил) күчатхоналардан чиқазилаётган бир ёшли күчатларни, уларни шохлатиш мақсадида, чилпишни тавсия этган.

Ўзбекистонни суғориладиган ерларида етиштирилаётган мевали күчатлар иккинчи далада доим чилпинган ва у қайта ўсиши билан шохлашни ҳам кучайтирган А.П.Бонин (1957 йил), К.С.Глущенко (1957 йил), С.Н.Степанов (1963 йил) фикрича бу усул ҳамма жойда ва ҳамма навда ҳам етарлича натижада бермайди.

Жанубий Қозогистоннинг күчатзорларида қурғоқчилик бўлган йили ҳам етарли натижада бермаган (Г.В.Трусеевич, 1974 йил).

Тажрибалар шуни кўрсатадики, күчатхонада күчатларни учи чилпиганда эмас, балки уларни ўсишини тормозлаганда яхши шохланган (J.D.Quinlan, 1973 йил). Кўчатхонадаги күчатларни битум эритмасида эритилган 1% АНУ препарати билан ишлов берганда, кўчатларни ён шохларининг сони 3 маротаба кўпроқ бўлган, ишлов берилмаган ерга нисбатан.

МБ 25105 ва НЦ 9634 препарати билан ишлов берганда натижада аввалгисидан яхши бўлган ва кўчатларда ҳосил бўлган ён шохлари нисбатан 10,2 ва 7,7 донани ташкил қилган. Назорат вариантда эса 2 шох бўлган (J.D.Quinlan, 1978 йил).



Хозирги вақтда янаям янги самарадор препаратлар чиқкан. Замонавий интенсив боғлар асосан шохланган күчатлар билан барпо қилингенди. Шохланмаган бир яшар күчатлардан боғ яратилғанда, уларни 90-100 см баландлықта кесиб шохлатиш лозим Танаси ердан 25-30 см бўлган қисми тозалаб ташланади, шох-шабба ҳосил бўладиган (65-75 см) қисмидаги эса ҳосил бўлган кўп миқдордаги майда, катта бурчак ҳосил қилиб чиқкан шохлар қолдирилади ва уларда биринчи йилида ёки мева куртаклари ҳосил бўлади. Етарлича зичликда экилган мевали боғдан келаси йили маҳсулдор ҳосил олиш имкони бўлади.

Экиладиган күчатларни тури ва ёши ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Д.Ферри (1976 йил) ўтказган тажриба асосида куйидаги пайвандтаглар М-9, М-26, ММ-106 ва ММ-111 пайвандтаглар 2 гурухга бўлинган.

Биринчи гурухга 1972 йил баҳорида уланган, қолган иккинчи гурухи август ойида пайванд қилинган.

1973 йил апрель ойида ҳар иккала гуруҳдаги пайвандтагларнинг ярмида қайта экилган.

Танасининг айлана ҳажми, новдаларни умумий узунлиги, танасини баландлиги ва эни, энг катта кўчириб экилмаган күчатларда бўлган.

1975 йили шу дараҳтларда гул миқдори 35, 75 ва 90% қайта экилган күчатларнидан кўпроқ бўлди.

М-9 пайвандтагига уланган боғда $2,5 \times 0,5$ м (бир гектарда 8000 туп) схемада экилган боғда икки ёшли дараҳтлар биринчи маҳсулдор ҳосилни 103 ц/га берди (Ю.Л.Кудасов, 1976 йил). Бунда келиб чиқкан ҳолда боғларни пайвандтаг билан барпо қилиб, унга жойида нав улаган яхши натижа беради ёки қиши пайванд қилинган пайвандтаглар билан экилгани маъқул. Бунда экишга ва күчатни нархидан анча маблағ тежалиб, боғни баланс қиймати анча арzon бўлади (Ю.Л.Кудасов, 1977 йил).

Бироқ пайвандтаг ёки қиши пайвандтаг қилинган пайвандтаглар билан боғни ҳамма ерида барпо қилиб бўлмайди. Чунки бунга зарур бўлган хомашё ва малакали ишчилар фақат маҳсус мевачилик күчатхоналарида мавжуд.

Бошқа турдаги хўжаликларга фақат пайванд қилинган күчатлар билан боғ экишни тавсия этамиз. Бунда энг яхши күчатлар бир йил-

ликларидир. Икки ва ундан катта бўлган кўчатлар ковланаётганда та-насига нисбатан кўпроқ илдиз ётади ва уларни кўкариш жараёни та-бийики сустроқ бўлади. Шу тариқа ўсиши ва ривожланиши ҳам анча суст бўлади. Табиийки улар кечроқ ҳосилга киради. Бундан ташқари кўчатхоналар скелет шохларга эга кўчат етиштиради, бу эса ҳосилга киришни кечиктиради.

Зич экиладиган боғлар технологияси умумий экиладиган боғлардан фарқ қилмайди. Пайвандтагни қозиқ билан тешик қилиб ёки лопатка билан тирқиш қилиб ҳам экса бўлади. Махсус пайвандтаг экадиган машина ёрдамида ҳам экса бўлади (Г.В.Трусович, 1974 йил), гидробир орқали экса бўлади (А.С.Ульянишев, 1970 йил).

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, бундай боғлар барпо қилинаётганда пайвандтагларни фақат биринчи навидан фойдаланилади.

Бог экиладиган майдон экишга тайёр бўлгандан сўнг экиладиган боғни турига (эркин усулда шаклланадиган, симбағазда ўстриладиган) караб режаланади. Эркин усулда шаклланадиган боғлар ананавий усулда режаланади ва чуқурлари КПЯ-100 бургусида ковланади. Кўчатларни экишдан олдин илдизлари махсус тайёрланган шатмоққа ботириб олинади (гўнг + тупроқ + фунгицид – окарицид + сув) ва илдиз бўғизи тупроқ юзасидан 4-5 см юқори қилиб экилади. Экилаган кўчатларни атрофи лагансимон қилиб очилади ва икки томонидан суғориладиган жўяклар билан билаштирилади. Суғорганда сув жўяқдан лагансимон чуқурларга киради ва кўчатни ҳамма тарафлама намланишини таъмин этиб боради. Лагансимон чукур қилинаётганда дарахтни танаси 15-20 см баландликда кўммаланади.

Суғоришни экиб бўлиш билан бир вақтда бошланади. Экилган кўчатларни кузда экилса кесилмагани маъқул. Илдиз тупроқ билан етарли даражада бирлашмаган бўлади ва уни намидан етарли фойдалана олмайди. Кесилган жойидан эса (дарахт уйқуда бўлгани учун) сув парланади ва танасидаги сув захирасига путур етади. Шунинг учун эрта баҳорда керакли шакл беруб кесиш мумкин.

Баҳорда экиладиган кўчатларни эса эккандан сўнг 7-10 кундан сўнг кесиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳам худди юқорида айтилганидек илдиз ердан узилган бўлади ва экилгандан сўнг 7-10 кун

иичида у тупроқ билан бирикиб (баҳорда ҳаво ва тупроқ ҳарорати тез кўтарилиб бориши ҳисобига), 7-10 кун иичида тупроқдаги намдан етарли даражада фойдалана бошлайди.

Кўчат ердан ковланниб олинганда, қўлда ковланганда кўпроқ кесиш, механизм ёрдамида ковланганда камроқ қисми ўтказувчи, скелет илдизларни маълум қисми узилиб, ерда қолиб кетади. Майда сўрувчи илдизлар эса иккала усулда ҳам деярли ҳаммаси қолиб кетади. Улар жудаям майда ва мўрт бўлади. Шу сабабдан кўзга деярли кўринмайди. Шунинг учун тупроқ билан дараҳтни алоқаси тўлиқ тикланиши учун сўрувчи илдизлар ўз фаолиятини тиклаши лозим

Бу жараён асосан баҳорда тупроқни температураси 10-100 ошганда бошланади. Тупроқни температураси 40 бўлганда ўсимлик илдизлари жуда пассив бўлса ҳам фаолият кўрсатади. Лекин бу температура майда сўрувчи илдизларни шаклланишига камлик қиласди. Шу сабабдан кузда экилган кўчатларни илдиз системаси тупроқдан намни танаси ёрдамида қисман олса ҳам озуқани ололмайди.

Экилган кўчатларни танасини илдизга бўлган нисбатини тўғирлаш ва дараҳтга шакл бериш максадида дараҳтлар кесилади. Ҳар бир новдани (дараҳтни танасига эркин шакл берганда) ўз қисми кесилади ва уларни дараҳтда бўлган нисбати ҳам ҳисобга олинади. Марказий она шох энг юқорида жойлашган ён шохдан 20-30 см юқорироқ бўлиши лозим. Она шох ҳосил қилиш учун керак бўлмаганлари 4-5 куртак қолдириб кесилади.

Экилган кўчатлар сугорилганидан сўнг 1-2 кундан сўнг қийшайса тўғрилаб, илдиз бўғизини ҳам жойлаши (баландлиги), агар чукурдаги тупроқ чўкиши оқибатида у ҳам чўккан бўлса, керакли баландликка тўғрилаб чиқилади. Кўчат экилган чукурлар анча куриб, чукур ҳосил бўлган бўлса улар тупроқ билан тўлдирилади.

Замонавий интенсив боғларда (зич жойлашган) дараҳтларга шакл бериш бизларни ананавий усулдан фарқ қиласди. Бу боғларда дараҳтлар веретино усулида шаклланади. Шунинг учун бундай боғларда кўчатни экиш технологияси ўзимизни ананавий усул билан амалга оширилса ҳам факат дараҳтларни эккандан сўнг уларга шакл беришда фарқ қиласди.

Бу боғларда дараҳтни шохлатишга кўпроқ эътибор берилади. Бу боғларда бақувват она шохлар шакллантирилмайди ва асосий эътибор

майда ҳосил шохларга йўналтирилган бўлади. Ҳар хил йўллар билан уларни сони кўпайтирилиб борилади. Келажакда ўзини технологияси бўйича буталади. Иложи борича кўчатларни атрофидаги лагансимон чукурларни чиринди ёки шунга ўхшаш биронта маҳсулотлар билан (келажакда чириб озуқага айланадиган) мулчалаб чиқиши яхши самара беради.

Кўчатларни танаси куёш нурини қайтариш ва дизенфекция қилиш максадида оҳак ва тупроқ аралашмаси билан (бир қисми оҳак + бир қисми тупроқ) оқлаб чиқилади. Ёш дараҳтларни танасини оқлашда жудаям эътиборли бўлиш лозим. Чунки фақат оҳак билан оқланган дараҳтларни танаси, айниқса бир ёшли кўчатларда қаттиқ шикастланади. Пўстлоги юпқа бўлганлиги учун ва дараҳтни ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Оҳак ишқорий хусусиятга эга. Бизларни тупроғимиз кучсиз кислотали даражага эга ва уларни аралашмаси оҳакни ишқорий даражасини бирмунча нейтраллаштиради ва оҳак ёш дарахини кўстлогига таъсирини бирмунча пасайтиради.

Кўчаталрни ўз вақтида ва барча технологияларга амал қилган ҳолда экилса, кўчатларни қўкариш даражаси 98-100% ташкил қилади.

6. Юқори ҳосилдор, бозорда талаб юқори бўлган узум навлари ва уларни худудлар бўйича жойлаштириш

Республикамида узум етиштиришни қўпайтиришда тоғ ва тоголди худудлари катта аҳамият касб этади. Бундай худудларнинг табиий шароити узумчиликни ривожлантириш учун жуда кулагай. Президентимизнинг “2013-2015 йиллар давомида республикада узумчиликни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ юртимизда 22,5 минг гектар майдонда янги токзорлар барпо этиш ва 15,7 минг гектар эски токзорларни қайта экиш белгиланган. Ушбу жараённи муваффакиятли амалга ошириш, албатта, фермер ва токзорлар эгаларининг тажрибасига, шунингдек, уларнинг бугунги илфор технологиялардан боҳбарлигига боғлиқ.

Тошкентдаги «Ўзбекистон ўсимликшунослик» илмий текшириш интситути узум коллекциясида 1500 га яқин узум навлари бор. Ўзбекистонда 200 дан ортиқ маҳаллий навлар алоҳида қимматга эга бўлиб, асосан хўраки ва кишмиш навлардир.

Шунингдек, Республикаимизда



бошқа чет мамлакатлардан келтирилган навлар ҳам экиб ўстирилади. Энг кўп тарқалганлари: Закавказье навларидан – баян ширей, саперавий, ркацители, тавквери, хиндогни; гарбий- европа навларидан каберне совинсон, рислинг, морастель, серсиаль, алеатико навлари Ўзбекистонда яхши ўсади, мўл ҳосил беради ва улардан юқори сифатли шароблар тайёрланади.

Ўзбекистонинг хўраки ва кишмиш навлари ток туплари ва новдалари кучли ўсади, барвлари туксиз, новдаларининг ҳосил тузиши ва ҳосил бериш коэффициентлари паст, узум бошлари ва ғужумлари ирик, меваси асосан янгилигича ейилади, майиз қилинади, совуққа, замбуруғ касалликларига чидамсизроқ.

Гарбий Европа гурухига кирувчи узум навларининг ток туплари ўртacha кучсиз новдалари сустрок ўсади, қўпчилик навларининг барвлари тукли, новдаларининг ҳосил тузиш ва ҳосил бериш каэффици-

енти юқори, узум боши ва ғужумлари майдароқ, меваси асосан қайта ишланади (шароб, шарбатлар ва х.к. тайёрланади), совуққа, касалликларга чидамли.

Қора денгиз соҳиллари гурухига мансуб узум навлари эса ток туплари ва новдалари ўртача ва кучли ўсади. Барглари қилчага ўхаш туклар билан қопланган, новдаларда шингиллар сони кўп, ҳосил шоҳлари фоизи юқори бўлади, узум боши ва ғужумлари ўртача каталикда, узум ҳосили асосан шароб ва шарбатлар тайёрлашда ишлатилади.

Ўзбекистонда районлаштирилган навлар шарқий, гарбий европа ва қора денгиз соҳиллари гурухига кирувчи узум навларининг энг яхши навларидан танлаб олинган.

Ўзбекистоннинг иқлим шароити: ёргулик ва иссиқликнинг мўл бўлиши, совуксиз даврнинг узоқлиги, тупроқнинг унумдорлиги ерларни сугориб, хўжаликда турли мақсадларда фойдаланила-диган ва турли эртаги, ўртаги ва кечки пишадиган узум навларини ўстиришга имкон беради, бу эса маҳаллий аҳолининг янги узумга, шароб ва қуруқ мева тайёрлаш саноатининг хом ашёга бўлган талабини қондирибина қолмай, балки янги узум, майиз ва шаробни чет мамлакатларга экспорт қилишга ҳам имкон беради.

Ўзбекистон республикасида узумнинг жами 36 та нав ва 16 та шароббоп нави районлаштирилган. Буларга куйидаги навлар киради:

Хўраки навлар	Кишмишбоп навлар	Шароббоп навлар
1. Андикон кораси	1. Қора кишмиш (шивилғони)	1. Алеатико
2. Оқ кишиши	2. Гўзал қора	2. Баян ширей
3. Қора жанжал	3. Пушти кишиши	3. Кульджинский
4. Каттакўрғон (маска)	4. ВИР кишиши	4. Магарач
5. Александрия Мускати	5. Хириров кишиши.	5. Майский чёрнўй
6. Ўзбекистон Мускати		6. Морастель
7. Нимранг (кирмиска)		7. Пушти Мускат
8. Октябрский		8. Рислинг
9. Пушти паркати		9. Ркацители
10. Перлэт		10. Саперавий
11. Султони (Жаус)		11. Сояки
12. Китоби Сурхаки		12. Тарнав
13. Пушти тойфий (қизил тойфий)		13. Тошкент
14. Қизил хурмони		14. Хиндогни
15. Ҳусайнӣ (оқ ҳусайнӣ).		15. Венгрия Мускати
		16. Қора пино



Айни пайтда мамлакатимизда узумнинг кирқдан ортиқ нави парваришланиб, маҳсулотни қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Юртимиздаги қарийб тўққиз минг фермер хўжалиги томонидан ҳар йили бир миллион тўрт юз минг тоннага яқин узум етиширилмоқда.

“Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси тизимидағи узумни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар томонидан маҳсулот сифатини яхшилаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ер унумдорлигини оширишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. 2011-2013 йилларда мазкур корхоналарда 5,3 минг гектар саноатбоп токзорлар барпо этилиб, унинг 330 гектарига томчилатиб суфориш технологияси жорий этилди. Майдонларнинг 700 гектарида интенсив усулда узум етишириш йўлга кўйилди. 2015 йилгача яна 7,3 минг гектарда янги токзорлар барпо этиш режалаштирилган.

Токзорлар барпо этилишида хўраки, кишишибоп ва саноатбоп навлар мутаносиблигига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ҳозирги кунда мавжуд токзорларнинг 43 фоизи хўраки, 28 фоизи кишишибоп ва 29 фоизи саноатбоп навлардир.

Токзорлар майдонининг кўпайиши натижасида қайта ишлаш корхоналарининг хомашё базаси мустаҳкамланиб, қайта ишлаш ҳажмлари ошмоқда.

Тизимдаги узумни қайта ишлайдиган корхоналар ўтган 2013 йилда қабул қилинган 123,8 минг тонна узумнинг 18 минг тоннаси компания плантацияларида етиширилган бўлса, жорий йилда компания токзорларида 30 минг тоннадан ортиқ саноатбоп узум етишириш кутилмоқда.

Компания хомашё базасини мустаҳкамлаш билан бирга қайта ишлашни такомиллаштириш, узумни замонавий технологик линияларда қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳам эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун узумни қайта ишловчи корхоналарда босқичма-босқич модернизациялаш ишлари олиб борилиб, замон талабларига жавоб бермайдиган техника ва технологиялар самарали хорижий ускуналар билан алмаштирилмоқда, қайта жиҳозланмоқда. 2006-2013 йиллар давомида мазкур иш учун 100 дан ортиқ инвестицион лойиҳалар амалга оширилиб, унга 155 миллиард сўм маблағ сарфланди. Компания корхоналарини модернизациялаш натижасида бир нечта корхоналарда узумдан тайёрланган маҳсулотлар 100 фоиз экспортга йўналтирилмоқда.

Компаниянинг ривожланиш Дастурига кўра 2016 йилгача 135

миллиард сўмлик 80 та лойиха амалга ошириш режалаштирилган.

Ноёб, саноатбоп навли токзорлар майдонининг кенгайиб, хома-шё базасининг мустаҳкамланиши, қайта ишлаш корхоналарини модернизациялаш ва соҳага илғор технологияларнинг жорий этилиши натижасида компания корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати тубдан яхшиланди.

Республикамида узум етиширишни кўпайтиришда тоғ ва тоғолди худудлар катта аҳамият касб этади. Бундай худудларнинг табиий шароитлари узумчиликни ривожлантириш учун жуда қулай. Жумладан, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон, Ургут, Нурота, Хатирчи, Фаллаорол, Фориш, Зомин, Китоб, Яккабог, Чироқчи, Шахрисабз, Дехқонобод, Денов, Олтинсой, Сариосиё каби туманларда токзорларни ривожлантириш учун қулай шароит мавжуд.

Тоғ токчилигининг парвариши технологияси биринчи навбатда тупроқдаги намни сақлаб қолиш, экишдан олдин тупроққа ишлов беришнинг ўта қулай усусларини кўллаш, эриган қор ва ёмғир сувларидан унумли фойдаланиш ҳамда тоғ ёнбағирларида эрозия жараёнларининг олдини олишга қаратилиши керак.

Тупроққа ишлов беришнинг қулай муддати куз ва баҳордир. Нишабли майдонлардаги токзорларга ишлов беришда текис ерларда кўлланиладиган трактор ва механизмлардан фойдаланиш мумкин. Жойларнинг қиялиқ даражаси 7–80 бўлганда плантаж плуги билан (ИП-60) 40–60 см чуқурлиқда ҳайдалади. Бу тупроқни эрозиядан сақлаб нам йиғилишини яхшилайди. Узумнинг тури ва ва навлари нишаб жойларнинг йўналиши, майдоннинг денгиз сатҳидан баландлиги, шунингдек, тур ва навларнинг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда танланади.

Тоғ ва тоғолди худудларда узум туплари денгиз сатҳидан баландлиги 700–1400 м бўлган Жанубий Шарқий ва Ғарбий қияликларда жойлаштирилади. Тоғ қияликлардаги шартли сугориладиган майдонларда ток $3\times 2,5$, лалмида 3×3 м масофада экилади. Кўчат экишдан олдин тупроқ 15–18 см чуқурлиқда юмшатилади. Лалми ерларга кўчат экишнинг энг макбул муддати куз ойлариридан. Баҳорда эса қорлар эригач, апрель ойининг ўрталаридан кечикмасдан экиш лозим Тупроқ пиллапоя усулида тайёрланиб, кўчат пиллапоя ўртасига экилади. Лалми шароитда тупроққа сув яхши сингиши учун уни 35–40 см чуқурлиқда ҳайдаш керак.

Дастлабки тўрт йилда тупроқ 40–50 см чуқурлиқда юмшатилади, кейинги йилларда эса 25 см гача камайтирилади. Бу тадбир тупроқда

микроорганизмлар фаолиятини жадаллаштириб, тупроқ унумдорлигини оширади, тупроқда ҳаво алмашинишини яхшилади, намликтининг максимал йигилишига имкон беради ва ниҳоят қияликлардан сувнинг оқиб кетишига йўл қўймайди. Суғориш имкони бор майдонларда кўчат экиб бўлингач, кўчатнинг икки томонидан ариклар олиниб сув берилади. Суғориш имкони бўлмаган майдонларда эса кўчат экиб бўлингач, ҳар бир туп атрофига кўлда 6–8 л миқдорида сув қўйилади. Ўсув даврида тупроқда намликни сақлаш учун кўчатлар атрофи культивация қилиб турилади.

Ҳосилли токзорларнинг ҳар гектарига солинадиган ўғит ҳосил миқдорига қараб йилига соғ холда азот 120, фосфор 60–90, калий 30–50 кг. ни ташкил қиласди. Умуман 2–3 йилда бир марта органик ўғитлар солиш тавсия этилади. Азотли ўғитлар факат баҳорда, органик ва фосфорли–калийли ўғитлар эса кузда қатор ораларига шуддгордан олдин солинади. Йилига 800–900 мм ёгин ёғадиган тоғли ҳудудларда кузда умумий миқдордан азотнинг 30–40 фоизи, яъни 30–40 кг ва фосфор 60–70 кг миқдорда солинади. Азотнинг қолган қисми эса баҳорда солинади.

Нихолларнинг яхши тутиши ва тез ўсиши учун кузги-қишки ёғинлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Қиялик 10 даражада бўлган контурли экилган жойларда суғориш имконияти бўлса, ўсув даврида 3–4 марта, қиш ойларида 1–2 маротаба суғорилади. Токзорларга зараркунданалардан ток меваҳўри, касалликлардан ун шудириинг, доғли антракноз зарар етказади.

Эрта баҳорда куртаклар ёзилишидан олдин юкумли касалликлар оидиум, антракноз, бактериал ракка қарши 3 фоизли Бордос суюқлиги ёки 5 фоизли оҳак-олтингугурт қайнатмаси ёки 1 фоизли мис купороси билан ишлов берилади. Токлар 5–6 чинбарг чиқарган вақтда оидиум (кул) касаллигига қарши гектарига 25 кг туйилган олтингугурт, 15 кг оҳак кукуни ёки 0,02 фоизли Фоликур ёки Вектра сепилади. Гуллаш тугагандан 15 кун ўтгач, гектарига 30 кг туйилган олтингугурт ва – 15 кг оҳак аралашмаси чангланади.

Узум меваҳўри (шингил қурти) ва бир йўла оидиумга қарши тўпгуллар тўлиқ шаклланганда Карбофос (0,27 %) ёки Золон (0,29 %) ёки Каратэ (0,047 %) билан ишлов берилади. Мазкур тавсияларни жорий қилиш токзорлар ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, шунингдек соҳанинг иқтисодий самарадорлигини кўтаришда муҳим омил бўлади.

7. Боғ ва токзорларни мавсумий сұғориши (сұғориши усууллари, мавсумий сұғоришининг ўзгариши)

Мева дараҳтларининг қанча сув сарфлаши иқлим омиллари, ўсимликларнинг табиати, уларнинг ёши, ҳосилнинг миқдори ва кўлланиладиган агротехнологик тадбирларга қараб белгиланади.

Ўзбекистон текисликларида ёғингарчилик кам бўлиб, йиллик ёғин миқдори 200-350 мм ни ташкил қиласди. Хоразм ва Қорақалпоғистонда эса янада камроқ ёнгин ёғади. Ёғингарчилик кўпинча куз, қишиш ва эрта баҳорда бўлади. Май-октябрь ойлари мобайинида ёғингарчилик деярли бўлмайди.

Намликтин бу миқдори ўсимликнинг бутун ўсув даврига етмайди. Шунинг учун, боғдорчиликни сұғориши билангина олиб бориш мумкин. Фақат 1000 м ва ундан ҳам баланд тоғ этакларида, анча (700 мм ва ундан ҳам ортиқ) ёғин ёғадиган ҳамда ёз салқироқ келадиган шароитда лалми (сұғорилмайдиган) боғдорчилик билан шугулланиш мумкин. Сұғориши боғларни намлик билан таъминлабгина қолмай, балки унинг мириқлимини ҳам яхшилади.

Сұғориши тупроқдаги микробиологик жараёнларнинг кечишига ва солинган ўғитлардан тупроқ ва тўлиқроқ фойдаланишга, фотосинтезнинг кучайишига, ўсимликларда озиқ моддалар тўпланишига ва шу туфайли дараҳтнинг тезроқ ўсишига, ҳосилдорликни ортишига ва совукқа чидамлигини оширишига ҳам ёрдам беради.

Тупроқ намлигининг ошиб кетиши (кўп миқдорда ва катта нормада сұғориши) ҳам боғ учун заарлидир, чунки бунда тупроқ ботқоқланаб, унинг физикавий хоссалари, айниқса ҳаво режими ёмонлашади, илдиз тизимининг ўсиши ва фаолияти учун нокулай шароит пайдо бўлади.

Захлатиб сұғориши дараҳтларнинг ўсишини кечиктириб юборади ва уларнинг совукқа чидамлигини камайтиради.

Шира ҳаракати бошланган даврида ўсимликлар, айниқса намга талабчан бўлади. Новдалар ўсан, барглар кўпайган, мевалар ҳосил бўлган ва катталашган сари талаб ошиб боради. Вегетация даври охирига бориб ўсимликларнинг сувга бўлган талаби камаяди.

Боғда тупроқ намлигини кузатиб бориш ва унинг ўсимликларнинг сўлиб қоладиган даражада қуриб қолишига йўл қўймаслик керак.

Тупроқнинг намлиги ва суғориш меваларнинг миқдорига ҳам таъсир илади. Кам нормада, шунингдек кечиктириб суғориш, айникса, мўл ҳосил берадиган йиллари меваларнинг тўкилиб кетишига сабаб бўлади.

Р.Р.Шредер номидаги ЎзБУВИИЧБ нинг боғларида ўсув давридаги суғоришлар сонига қараб ҳосилнинг қанчаси туқилгани қайд қилинган: 34,4 %, 1-2 марта 48,4; суғорилганда эса 51,4% бўлган.

Тупроқ намлиги етарли бўлмаса меваларнинг ўртача вазни камайиб кетади. Кандиль - синап нав олманинг ўртача вазни икки марта суғорилганда мевалар йирикроқ бўлади (лекин маълум чегарагача). Суғоришлар меванинг рангини ҳам яхшилайди.

14-жадвал

Уруғли ва данакли меваларни суғориш меъёри

Мева экинлари	Суғориш сони	Суғориш меъёри, м ³ /га	
		Тупроқ турлари	
		Бўз тупроклар	Ер ости сувлари яқин жойлашган кум шағалли тупроклар
Ёш уруғли боғлар	8-10	500	350
Ёш данакли боғлар	10-12	500	300
Ҳосилга кирган уруғли ва данакли боғлар	4-6	800-1000	300-500
Уруғли ва данакли боғларда кишики яхоб суви бериш	2-3	1500-2000	-

Етарли даражада суғормаслик олма ва нокнинг сақланиш муддатини икки ҳафтагача қисқартиради ва уларнинг таркибидағи шакар ва кислоталар миқдорини камайтиради.

Ўсимликларнинг сувга бўлган талаби турли усулларда аниқланади. Буни илдиз жойлашган қатламдаги (30-100 см) тупроқ намлигига қараб, тўлиқ ҳосилга кирган дараҳтларда 30-150-200 см (турига, илдизларнинг тупроқка кириш чуқурлигига қараб) буни жуда аниқ белгилаш мумкин. Ўсимликларнинг намлик билан таъминланганлигини ташқи белгилари: барглар рангининг ўзгариши, уларнинг

сўлиши, новдаларнинг ўсишдан тўхташи ва бошқалардан амалиётдағойдаланилади.

Ўсимлик ички ҳолатининг кўрсаткичлари бир мунча ишончли, мева ўсимликлари илдиз ва баргларининг сўриш кучи ҳажмини аниқлаш осон.

Ҳар қайси ўсув фазасида сув билан тўлиқ таъминланган маълум пайвандтагда, минимум, ҳар қайси тур, дараҳтнинг ёшига қараб сугоришни қачон ўтказиш кераклиги, унинг ҳажми олдиндан белгиланади. Ўсув фазасининг маълум даврда сўриш кучининг ҳажми навбатдаги сугориш муддатларини билдиради.

Суғориш усулилари. Ўзбекистонда суғоришнинг тўртта усули қўлланилади.

Пол олиб суғориш. Бунинг учун дараҳт қаторларининг бўйига ва энига қаратиб дараҳтнинг ёшига қараб ундан 1-3 метр наридан ерни ағдариб ҳайдаб 30 см кенгликда ва баландликда поллар олинади. Боф шу тартибда бир қанча полларга бўлинади ва уларга сув тўлдирилади.



Поллардаги сув 12 соатгacha туради. Суғоришнинг бу усулидан тик бўлмаган қияликларда шўр ювишда фойдаланилади.

Ховузча шаклида суғориш. Дараҳт атрофини айлантириб ховузча олинади ва бироз ковлаб уларга сув қўйилади. Бу усул текисланмаган сув бир меъёрда келиб турмайдиган паст-баланд жойларда қўлланилади. Пол ва ховузчалар дараҳт атрофида сувни кўп тўплаш ва уни тежаш имконини беради. Лекин, ховузча ва поллар ташқарисидаги илдизлар суғорилмай, ер қотиб қолади. Ховузча, пол олиш ва ерни юмшатиш учун жуда кўп меҳнат талаф этилади.

Бостириб суғориш. Текис рельефли боғларда бостириб суғориш усули қўлланилади. Сув текисланган майдонларга берилади. Бу усулда суғорилганда сувнинг ерга текис таралиши ва сингиши, пастроқ жойларда тўпланиб қолмаслиги ва айрим жойларни ювиб кетмаслиги кузатиб турилади. Сувни бирданига қўйиб, полосалар бўйлаб кетма-кет сувга бостириш маъқулдир. Бу усул қишида, баҳорги кора

совуқларга қарши курашда қўлланилади. Лекин, бу усулнинг иккита мухим камчилиги бор: тупроқ структураси бузилади, у бўкиб қолади, сугорилгандан кейин ер тезда қуриб ва ёрилиб кетади; илдизларга ҳаво етарли кирмайди, натижада илдиз тукларининг бир қисми қуриб қолади. Бу дарахтга салбий таъсири қиласи ва айрим ҳолларда дарахт учлари қуриб қолади.

Эгатлаб сугориш. Бунда боғ қатор ораларида 20-25 см чуқурликда культиватор окучниклари билан эгатлар олинади. Эгатлар ораси оғир тупроқли ерларда 100-120 см, ўртача қумоқ тупроқли ерларда эса 80-100 см ва енгил қумоқ тупроқли ерларда 60-70 см қилинади. Биринчи эгат ёш боғларда дарахт танасидан 0,5 м ва ҳосилга кирган боғларда 0,75-1,0 м оралиқда ўтқазилади. Ёш боғларда дарахтлар ҳосилга киргунча қаторларнинг ҳар қайси томонидан бир-иккита эгат олинади. Дарахтлар ўсган сари эгатлар сони кўпайтириб (қатор оралари кенглиги ва тупроқнинг сифатига қараб) 6-8 тага етказилади. Эгатларнинг узунлиги ернинг нишаблилигига боғлик бўлади; нишаби камрок ерларда эгат узунлигит 150 м, қияроқ ерларда эса сув тупроқни ювиб кетмаслиги учун 75-100 м, шагал тошли қатлами бўлган ерларда эгат узунлиги 50 м гача бўлади. Эгатлар шундай узунликда олинганда тупроқ бир текис намланади.



Эгатлар сугориш олдидан олинади. Сув ўқариқлардан 15-20 эгатда бир вактда жилдиратиб қўйилади ва эгат оралари яхши на-млангунга қадар 2-3 кунгача сугорилади. Кузда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги камайганда у чуқуррок намиқиши учун сугориш 2-3 кун давом этади. Эгатлардан жилдиратиб сугориш энг такомиллашган усул бўлиб, Ўзбекистонда боғларни сугоришда қўлланиладиган ягона усул хисобланади. Эгат олиб сугоришнинг уч тури бор: боши берк эгатларни тошириб сугориш; боши берк эгатларни тоширмай сугориш ва очиқ эгатлардан сугориш.

Сугориш нормалари. Ҳар галги ва мавсумда бериладиган сув нормалари мева дарахтларнинг ёшига, тупроқнинг механик тарки-

бига, сизот сувининг сатҳига, ҳосилнинг кўп - камлигига ва бошқа омилларга қараб белгиланади. Ёш боғлар учун амалда кўлланиб келган сугориш нормаси гектарига 500 м³, ҳосилга кирган боғлар учун сугориш нормаси 800-1000 м³/га чегарасида ўзгариб туради. Шағал тошли, сизот сувлари яқин жойлашган ерларда бу норма гектарига 300-500 м³ гача камайтирилади. Яхоб суви бериш нормаси гектарига 1200-1500-2000 м³.

Боғларни сугоришни янги усуллари. Ўсиши ва ҳосил бериши учун мевали дараҳтлар ерга тушадиган намликтининг 0,2-0,5 % нигина ўзлаштиради. Колган сув транспирация, фильтрация ва оқиб кетишига сарф бўлади. Боғларни сугоришдаги мавжуд усулларнинг қатор камчиликлари бор. Улардан асосийлари – сувнинг бекорга кўп сарфланиши ва истрофгарчилиги. Шунинг учун сўнги йилларда сугоришнинг самарали усуллари ҳар тарафлама изланмоқда, бу усулда ўсимлик сув билан тўлиқ таъминланади, намликтинг ердан ва ўсимликдан буғланиши энг минимумга туширилади.


Сугоришнинг янги - ёмғирлатиб, тупроқ остидан, томчилатиб ва аэрозол (майда дисперс) сугориш усуллари ўрганилиб, яхши натижалар олинмоқда. Айниқса, тупроқ остидан ва томчилатиб сугорилганда сув тежалади ва самарадорлиги ортади (қатор орасини юмшатиш, бегона ўтларни ўқотиш каби тадбирлар талаб этилмайди).

8. Биологик ва кимёвий ҳимоя воситаларини қўллаган ҳолда боғ ва токзороларни ҳимоя қилиш

Мева экинларининг қасалликлари ва қарши қураш чоралири. Олма ва нок калмарази (паршаси). Бу қасалликни олмада *Vinturia inaequalis* (Cooke) Wint замбуруғи чақириб, нокда эса *Vinturia pirina* Aderh замбуруғи паразитлик қиласи. Ўсимлик барги, мевалари, нокда новдалари ҳам заарланади. Барглар ёзилиши билан оч рангли мойсимон доғлар ҳосил бўлиб, сўнгра қораяди, тўқ рангли баҳмалсимон губор билан қопланади. Меваларда қора кул рангли юмалоқ доғлар ҳосил бўлиб, пўқакланади.

Қураш чоралири: Қасалликни ўқотиш учун 2-3 % ли Нитрофен, олдини олиш учун 2-4 % ли Бордосс суюқлиги, ўсув даврида 0,15-0,20 %ли Байлетон, 0,5 % ли Вектра, 1 % ли Топсин-М препаратлари билан 10-12 кун оралатиб 3 мартағача ишлов берилади.

Монилиоз касаллиги. Бу касалликни *Monilia fructigena* Pers та комиллашмаган замбуруғи чақиради. Асосан олма ва нок мевалари заарланиб, кичкина құнғир доғлар ҳосил бўлади ва тезда мевани қоплайди. Бужмайиб, мумланиб қолган мевалар дараҳтда қолиб инфекция манбаи бўлиб хизмат қиласади. Ҳосилни 50-70% гача нобуд қиласади.



Қураши чоралари: Калмараз касаллигига ўхшаш бўлиб, биринчи марта барг ёзганда, 2-марта гуллаш олдидан, 3-марта гуллагандан кейин ишланади. Гуллашдан олдин 1 % ли Бордосс суюклиги, кейин 0,5 % ли ИСО, мис купороси (15-20 кг/га) қўлланилади.

Олма ва нок занг касаллиги. Чакиравчиси олма дараҳтида – *Gymnosporangium tremelloides* Hartig, нокда эса - *Gymnosporangium sabinae* (Dicks) Wint замбуруғи ҳисобланади. Касаллик барг, барг банди, новда ва мевани заарлайди. Бунда баргларда юмалоқ яшил сарғиш доғлар ҳосил бўлиб, кейинчалик доғлар кизил туsgа киради.

Қураши чоралари: 0,2 % ли Вектра, 0,5-1,0 % ли Топсин-М препаратлари билан ишлов берилади.

Тешикли доғланиш ёки кластероспориоз касаллиги. Касаллик баҳорда пайдо бўлиб, уни *Clasterosporium carpophilum* Adern замбуруғи чақиради. Ўсимлик барг куртаклари очила бошлаганда ёқкан ёмғирлардан сўнг кейин баргларда юмалоқ қўнғир доғлар ҳосил бўлиб, улар куриб қолгач тушиб кетади, натижада тешик жойлар қолади.

Қураши чоралари: Кузда ва баҳорда куртаклар уйғонишгача 3 %

ли Бордосс суюқлиги, оҳакнинг 8 % ли сувли суспензияси билан, ўсув даврида гуллаш тугаши билан 10-12 кун оралатиб 3 мартағача 1 % ли Бордосс суюқлиги билан ишланади.

Монилиал қуриш қасаллиги. Бу қасалликнинг чақиравчиси Monilia cinerea Вон замбуруғи ҳисобланади. Эрта баҳорда совукдан эмас, балки замбуруғдан дарахтнинг ёш мева шохлари гуллаб бўлиши Билан бирданига сўлиб, қуриб қолади.

Кураши чоралари: Кузда ёки эрта баҳорда куртаклар уйғонмасдан дарахтларга 5 % ли Бордосс суюқлиги ёки ИСО, 15-20 кг/га мис купороси пуркаш, ўсув даврида гуллаш фазасидан сўнг 1 % ли Бордосс суюқлиги билан ишланади. Зарурат бўлса, 10-12 кундан сўнг ишлов такрорланади.

Мева экинларининг зааркунандалари ва қарши қураш чоралари. Олма курти. Барча худудларда олма, нок ва беҳининг асосий зааркунандаси ҳисобланади. Ҳосилнинг 50% игача заарар етказади.

Кураши чоралари: Карбофос ёкиベンゾfosfat, Золон (100 литр сувга 200-300 грамм ҳисобида), бир гектарга эса 2,5-4,5 кг сарфланади. Пиретроидлардан – Цимбуш, Ширпа, Нурелл – Д, Рипкорд (100 литр сувга 50-60 грамм ҳисобида) бир гектарга эса 0,6-2 литргача сарфланади.

Олма қуяси. Куя куртлари уйғонаётган куртакларни, кейин эса баргларни ҳам еб қўяди. Қаттиқ заарланган дарахтлар ҳосил қилмайди. Қуртлар тўп-тўп бўлиб яшайди ва битта шохнинг баргларини еб бўлгач, ҳаммаси гала бўлиб, иккинчи шохга ўтади. Дарахтнинг бутун шох-шаббалари ўргимчак тўри билан қоплангандек бўлиб қолади.

Кураши чоралари: Аваунд (0,35 л/га), Арриво (0,16 л/га), Циракс (0,16-0,32 л/га), Ширпа (0,2 л/га), Золон (2,5-4,5 л/га), Децис (0,5 л/га), Нурелл – Д (0,5 л/га) кабилар қўлланилади.

Олма қон бити. Сўрувчи зааркунанда бўлиб, феврал-март ойи бошида уйғониб, дастлаб қишлиған жойида озиқланади, сўнгра ўрмалаб чиқиб дарахтнинг пўстлоғи юмшоқ ёки заарланган (шикастланган) жойларига ўрнашади. У тез кўпаяди ва ёз бўйи 17-20 мартағача насл беради. Қанотсиз урочисининг танаси чўзинчоқ, туҳумсимон, 2 мм узунликда оқ мум ғубор билан қопланган, эзилганда қонга ўхшаш суюқлик чиқади. Дарахтнинг қон битидан заарланган жойларида шишлар ҳосил бўлади.

Кураши чоралари: Эрта баҳорда куртаклар уйғонмасдан олдин дараҳтларга 3 % ли Нитрофен ёки 3 % ли препарат № 30 билан ишлов берилади. Ўсув даврида эса 3,0-3,5 л/га Карбофос ёки 1,5-1,7 л/га БИ-58 ёки 3,0-3,5 л/га Золон препаратлари пуркалади.

Қалқондорлар. Мевали дараҳтларда бинафша тусли ва калифорния қалқондори кўп учрайди. Улар шоҳ, новда ва меваларни сўриб зарар етказади, зааралнган новдалар нобуд бўлади, меваларда доғ ҳосил бўлиб, уларнинг сифати пасаяди. Калифорния қалқондори олма танасига кўплаб тушганда новдалар қинғир – қийшиқ бўлиб ўсади, дараҳт танаси ёрилиб кетади.

Кураши чоралари: Эрта баҳорда куртаклар уйғонгунга қадар 5 % ли № 30 препарати ёки 3 % ли Нитрофен пуркаш тавсия этилади. Шунингдек, томорқалардаги дараҳтларга 200 грамм кирсовунни 2 литр сувга эритиб, сўнг 800 грамм солярка ва унга 7 литр сув аралаштирилиб дараҳтларга пуркалади.

Ўсимлик битлари (ширалари). Мева дараҳтларига олма яшил бити, шафтоли бити, қизил бўртмали олма бити ҳамда бошқа турлардаги битлар зарар келтиради. Улар барг, новдалар ва ўсув нукталаридаги ширани сўриб озиқланади, натижада барглар бужмаяди, шаклини ўзгартиради, муддатдан олдин тўклилади, новдалар ўсишдан қолади, шунингдек битлар шираси билан барглар ифлосланади. Шира билан зааралнган дараҳтлар меваси кичик бўлиб, мазаси бузилади.

Кураши чоралари: Ўсув даврида БИ – 58 (1,5-2,0 л/га), Децис (0,5-1,0 л/га), Карагэ (0,4-0,8 л/га) ёки Карбофос (2,5-4,5 л/га) пуркалади.

Каналар. Мевали боғларда мева ўргимчакканаси, нок канаси, олма қизил канаси каби кўплаб турдаги каналар жиддий зарар етказади. Каналар баргларни, бир йиллик ёш новдаларни, ўсув нукталарини ҳамда ёш гўра меваларни сўриб зарар етказади. Зааралнган мевалар доғланиб, сифати пасаяди. Новдалар эса ривожланишдан орқада қолиб, қишига ва совуққа чидамлилиги пасаяди.

Кураш чоралари: Мевали дараҳтлардаги каналарга қарши ўсув даврида 1 % ли ИСО, Омайт (2,5-3 л/га), майдалангандан олтингугурт (25-35 кг/га), Неоран (1,2 л/га), Ниссоран (0,2 кг/га), Узмайт (2,5-3,0 кг/га), Ортус (0,75-1,0 л/га) каби акарицидларни қўллаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабитётлар

1. Богбонлар ва токчилар учун справочник. Рибаков А.А. таҳрири остида. Т., 1959.
2. Бўриев Ҳ.Ч. -Ҳаваскор боғбонларга кўлланма. Т., 1987.
3. Исламов С.Я. - Ўзбекистоннинг марказий минтақасида олмани клон пайвандтагларидан кўчат етиштириш технологиясини такомиллаштириш. Номзодлик диссертацияси. Т., 2009.
4. Колесник Л.В. Виноградарство. Кишинёв, 1968.
5. Кудрявцев Р.П. - Формирование и обрезка плодовых деревьев. М , Колос, 1976.
6. Лазаревский М А.Изучение сортов винограда. изд.Ростовского унта, 1963.
7. Мержаниан А.С. Виноградарство М »Колос», 1967.
8. Мирзаев М М – Виноградарство предгорно-горной зоны Узбекистана. Т.,1980.
9. Мирзаев М М , Собиров М Қ. – Боғдорчилик., Т., 1987.
10. Мирзаев М М , Собиров М Қ. – Ўзбекистонда боғдорчилик., Т., 1980.
11. Мирзаев М М , Темуров Ш.С. Боғ ва токзор агротехникаси. Т., 1978.
12. Мяржаниан А.С. Виноградарство. М , 1967.
13. Остонақулов Т.Э., Қодирхўжаев О.Қ., Холмирзаев Б.Х., Нарзиева С.Х., Ҳамдамова Э.И., Комилова М М , Санаев С.Т. - Мева-сабзавотчилик ва полизчиликдан амалий машгулотлар. Т., 2005. 263 бет.
14. Рыбаков А.А., Горбач В.И., Остроухова С.А., Цейтлин М Г. Ўзбекистон узумчилиги. Т., «Ўқитувчи», 1969.
15. Рыбаков А.А., Остроухова С.А.-Ўзбекистон мевачилиги. Т., 1981.
16. Рыбаков А.А., Остроухова С.А., Горбач В.И. ва бошқалар . Ўзбекистон узумчилиги. Т.; «Ўқитувчи», 1969.
17. Рыбаков А.А., Остроухова С.А., Горбач В.И., Смирнов К.В. Виноградарство. Ташкент. «Ўқитувчи»,1975.
18. Смирнов К.В., Калмўкова Т.И., Морозова Г.С. Виноградарство М : «Агропромиздат», 1987.
19. Темуров Ш.С. Узумчилик Т. «Ўз.мил.энциклопедия» 2002.
20. Темуров Ш.С. Узумчилик. ЎзМЭ нашриёти. Т., 2002, 2004.
21. Темуров Ш.С. Узумчиликда маъруза матнлари Т., 2002, 2004.
22. Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестри, Тошкент, 2006.
23. Ўзбекистон худудида экишга тавсия этилган экинлар Давлат реестри. Т., 2008.
24. Ўзбекистонда мева экинлари етиштиришга оид тавсиялар. Т., 1996.

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК
ТАРМОГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ” ЛОЙИҲАСИ**

**“БОҒДОРЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ:
ПАКАНА ВА ЯРИМ ПАКАНА (ИНТЕНСИВ) МЕВАЛИ БОҒЛАРНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ, ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРЛАРДА ЮҚОРИ
ТАЛАБГА ЭГА БЎЛГАН, ЮҚОРИ ҲОСИЛДОР УЗУМ
НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ” БЎЙИЧА**

ҚЎЛЛАНМА

Муҳаррир: Т.Икромов
Мусаххих: О.Мухторов
Саҳифаловчи: Б.Гулбаев

E-mail tipografiyacnt@mail.ru
“TAFAKKUR” нашриёти.
Нашриёт лицензияси 08.12.2010 йилда берилган. АИН№182
Босишига руҳсат этилди 25.11.2015.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. “Times New Roman” гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди.
Нашриёт босма табоғи 7,0. Адади 400 нусха.

“O‘QUV TA’LIM-METODIKA” ДУК
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 174-уй.